

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ**  
**ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ БИРЛИГИ”**  
**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:**

профессор И.Эргашев

**Такризчилар:**

ф.ф.д.Норкулов Д.

с.ф.д. Кучқоров В.

*Ўқув - услубий мажмуа ЎзМУ кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1- сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....	66
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	66
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	67
VII. ГЛОССАРИЙ.....	68
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	69

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

**“Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги”** модули ўқитишда маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Миллий ғоя тарихида мавжуд илғор ғоялар ва назариялар билан танишадилар. Дунё мамлакатларида жамият ҳаётида ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ бўлган назария кўринишлари, ғоя ва мафкуранинг жамият тараққиётидаги ўрни ва унинг турли хил таъсири ва кўринишларидан,

назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни зарурлиги тўғрисида билим ва кўникмага эга бўладилар.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги” модули ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлигини ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти, Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболлари самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Республика олийгоҳларида Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлиги
- Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти
- Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларига акс этиши
- Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик
- Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболларни ўрганишдан иборат.

### **Фан бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлигини;
- Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамиятини **билиши** керак;
- Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларига акс этиши;
- Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболларини таҳлил қилиш бўйича кўникма ва малакаларини эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“**Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги**” янги модуль бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмулотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун **Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги** фанини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“**Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги**” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги

(касбий компетентлик ва креативлик, замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида **Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини** ўқитиш самарадорлиги, республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар **Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини** ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда **Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги** соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

### “Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлиги” модулининг соатлар бўйича тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жами	Назарий	Амалий		
1.	Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлиги	4	4	2	2		
2.	Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти	4	4	2	2		
3.	Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларига акс этиши	4	4	2	4		
4.	Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик	8	6	2	4		2

5.	Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболлар	10	8	2	4		2
<b>Жами:</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>		<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Мавзу: Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлиги**

Инсон, жамият ва давлат ҳаётини ғоя билан боғлиқлиги. Турли халқлар ҳаётида ғоя ва мафкура билан боғлиқ қарашлар ва назариялар. Ижтимоий ҳаёт ривожидида Миллий ғоя назарияси ва амалиётини акс этиши. Назария ва амалиёт бирлиги. Унга эришиш зарурлиги. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини ижтимоий тараққиёт соҳалари билан узвий алоқадорлиги. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.

### **2-Мавзу: Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти**

Мамлакат тараққиётида миллий ғоянинг ишлаб чиқилишини методологик асослари. Миллий ғоя мақсадларини мамлакат тараққиётига йўналтириш усуллари. Эзгу ва бунёдкор ғоялар муштараклиги. Миллий ғоя амалиётдаги мураккабликлар, ёд ва зарарли ғояларни олдини олиш. Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни янада ошириш

### **3-Мавзу: Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларига акс этиши**

Миллий ғояни давлат ва жамият ривожланишида акс этиши. Жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ғоявий асосларига боғлиқлиги. Маънавий-маърифий ва давлатлараро муносабатларда миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини акс этиши. Ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий ғояга зид назария ва амалиёт бирлигига тўғри келмайдиган ёндашувлар. Ижтимоий



хаёт соҳаларида назария ва амалиёт бирилигини таъминлаш миллий ғояга ишонч ва эътиқод ҳамда тараққиёт кафолати. Халқ билан мулоқот, давлат идоралари халқ учун ишлаши кераклиги ғоясининг амалий аҳамияти.

#### **4-мавзу. Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик**

Мустақил демократик тараққиёт ва унинг зарурлиги. Миллий тараққиётда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш йўллари. Умуминсоний кадриятларнинг миллий маънавий негизда шаклланиши. Миллий ва умуминсоний кадриятларни эътироф этмасликнинг салбий оқибатлари. Мустақил тараққиётни таъминлашда миллий-маънавий мерос ва кадриятларга таяниш имкониятлари. Ёшларни миллий-маънавий кадриятларга ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.

#### **5-мавзу. Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболлар**

Миллий ғоя назариясини ҳаётга тадбиқ этишда назария ва амалиёт бирлиги принципи. Назарияни амалиётга мос келишидаги асосий шарт-шароитлар омиллар. Амалий ҳаётни турли хил манфаатлар, мақсадлар ва соҳалар билан узвий алоқадорлиги. Уни таъминлашдаги мураккабликлар. Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини таъминлашни жамият маънавияти, қонун устуворлигига амал қилиш, инсон эркинлиги ва ҳуқуқ манфаатларининг амалда таъминлаш билан боғлиқлиги. Миллий ғоя назария ва амалиёт бирилигини таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти ва истиқболлари.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, бумеранг) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ (АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат (ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл**.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш				
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш				
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш				

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
<b>Қоидалари</b>	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади ( <b>Илова 1</b> ) -Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); -юмшоқ, аммо астойдил тингловчиларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; -ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; -тингловчиларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан қутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) ( <b>Илова 2</b> ).
<b>Фидбэйк</b>	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

## **Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари**

### **Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:**

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

### **Ақлий ҳужум қоидалари:**

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоидасига амал қилиш.

### **Натижа:**

- тингловчилар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир тингловчи фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

## 1. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича вазифалар

Гуруҳни 3 та кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ учун 5 тадан савол тарқатма материал сифатида тарқатилади.

Изоҳ: Қайсидир гуруҳ тўла аниқ жавобни биринчи бўлиб топса гуруҳни ҳар бир аъзосига 1.0 баллдан баҳо қўйилади. Агарда гуруҳдан 1 ёки 2та тингловчи тўғри жавоб топса у холда уларга 1.0. баллдан рағбатлантирилади.

### Мавзу бўйича 1-гуруҳга саволлар:

1. Ижтимоий тараққиётнинг миллий ғоявий назарияси
2. Ижтимоий тараққиётда миллий маънавий қадриятларнинг ўрни
3. Ижтимоий тараққиётда қадриятлар назарияси
4. Миллий ғоя назарияси, унинг асосий принциплари
5. Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини ўрганишнинг зарурлиги
6. Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашнинг асосий принциплари
7. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини ижтимоий ҳаёт соҳаларида акс этиши
8. Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини давлат ва жамият қурилиши соҳасида акс этиши
9. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини инсонларнинг ижтимоий ҳаётда муносабатида акс этиши
10. Мустақил тараққиётни миллий маънавий тикланиш ва ўзликни англаш билан боғлиқлиги
11. Мустақил тараққиётда қадриятларнинг тутган ўрни
12. Мустақил тараққиётда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги
13. Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг жамият тараққиёти қонунлари билан узвий боғлиқлиги
14. Назария ва амалиёт бирлигига эришишнинг ўзига хос мураккабликлари

## Мавзу бўйича 2-гуруҳга саволлар:

1. Ижтимоий тараққиёт ва демократик ғоялар
2. Ижтимоий тараққиётда инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар
3. Ижтимоий тараққиётда ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланилиши
4. Ёшлар ва миллий ғоя
5. Ёшларнинг миллий ғояга ишонч ва эътиқодларини мустаҳкамлаш омиллари ва шарт-шароитлари
6. Ёшлар мустақил демократик тараққиётни таъминлаш субъекти
7. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш назария ва амалиёт бирилигининг муҳим шarti
8. Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари устуворлигига эришишнинг амалий аҳамияти
9. Давлат идоралари халқ учун ишлаши керак ғоясини амалда таъминлаш йўллари
10. Ёшлар мустақил тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи
11. Ёшларни миллий маънавий қадриятларга муносабати ва мустақил тараққиёт
12. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янада мустаҳкамлаш омиллари
13. Миллий ғоя ривожланишида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш истиқболлари

### III. НАЗАРИЙ МАНБУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### ***1-маву: Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлиги***

#### ***РЕЖА:***

- 1. Назария ва амалиёт бирлиги. Унга эришиш зарурлиги.*
- 2. Миллий ғоя назарияси ва амалиётида мафкуравий жараёнларни ўрганишнинг тизимли таҳлили*
- 3. Ижтимоий ҳаёт ривожда Миллий ғоя назарияси ва амалиётини акс этиши. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.*

**1. Ижтимоий ҳаёт ривожда Миллий ғоя назарияси ва амалиётини акс этиши. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти «2017—20 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Ҳужжат матнини ЎЗА келтириб ўтди.

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг қўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди, дейилади ҳужжат шарҳида.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили

жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлат раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10—20 январь кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатнинг исталган худудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда



ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, турар жойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискиси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, «Давлат хизмати тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Фан тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишланган.

Шубҳасиз, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.

Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади. Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилади. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун

масъул мансабдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад – ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали «Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади», деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.

2018—2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискиси бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, смарт технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини электрон савдо майдонлари орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир конунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада «рақамли банкинг», «интернет-банкнинг» ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Худудлар кесимида «истеъмол саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимида босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига «ақлли тиббиёт» тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми 1,5—2 баробар оширилади. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка худудларда 2000 километр оптик толали алоқа линиялари тортиш,

интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан зиёд мобил алоқа таянч станцияларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш.

Хусусан, хорижда яшаётган ва ишлаётган ўзбекистонликлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ижтимоий тараққиётнинг миллий ғоявий назарияси
2. Ижтимоий тараққиётда миллий маънавий қадриятларнинг ўрни
3. Ижтимоий тараққиётда қадриятлар назарияси
4. Ижтимоий тараққиёт ва демократик ғоялар
5. Ижтимоий тараққиётда инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар

6. Ижтимоий тараққиётда ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланилиши

**2-мавзу: Мамлакат тараққиётини таъминлашда  
миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти**

**РЕЖА:**

- 1. Мамлакат тараққиётида миллий ғоянинг ишлаб чиқилишини методологик асослари.*
- 2. Миллий ғоя мақсадларини мамлакат тараққиётига йўналтириш усуллари.*
- 3. Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни янада ошириш*

**Таянч иборалар:** *Демократия, ижтимоий адолат, Миллий демократия, Миллий яқдиллик, сиёсий барқарорлик, Мустаҳкам миллий давлатчилик, Демократик қадриятлар, Тараққиёт, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаравонлиги, Комил инсон, Диний бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик*

**1. Мамлакат тараққиётида миллий ғоянинг ишлаб чиқилишини методологик асослари.**

Миллий ғоя нафақат ўзликни англаш омили, балки ижтимоий-сиёсий тараққиёт усун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Тараққиёт ўзи нима?

Тараққиёт – ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. Тараққиёт борлиқнинг энг умумий хоссаларидан бири бўлиб, у предметнинг янги сифат ҳолатига ўтишида, таркиби ва структурасининг хоссалари, алоқалари ва муносабатларининг ўзгариши ва шу кабиларда ўз ифодасини топади. Вақт тараққиётнинг муҳим

хусусиятлари каторига киради. Ҳар қандай тараққиёт реал вақтда содир бўлади ва бу унинг орқага қайтмас йўналишга эга ўзгариш эканлигини намоён қилади<sup>1</sup>.

Миллий ғоянинг асосий ғоялари ва тамойилларининг тараққиёт учун аҳамиятини кўриб чиқадиган бўлсак фикримизни исботлаган бўламиз. Юрт тинчлиги - миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шarti. Тинчлик — инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилidir. Ҳар бир инсон учун юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гаровидир. Тинчликни сақлаш муаммосини кишиларнинг шунчаки хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган. Ўзбекистон халқи тинчликни юксак қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари рўёбга чиқишининг кафолати, деб билади. Шу боисдан ҳам бобо-момолар дуога қўл очганида, даставвал, Яратгандан тинчлик-омонлик тилайди. Халқимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган тушунча кенг тарқалган. Лекин тарих сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, орзу-ниятнинг ўзи билангина узокқа бориш қийин. Юрт тинчлиги дунё ва минтақалар тинчлиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари тобора чуқурлашиб бориши ҳозирги шароитда тинчликнинг ниҳоятда муҳим омили сифатида катта аҳамият ва чуқур маъно касб этмоқда. Халқаро майдонда рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар ҳам тинчлик учун курашнинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Кўпгина мамлакатлар халқларининг миллий

---

<sup>1</sup> Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: ЎМЭДИН, 2010. 254-б.

истиқлол, демократик эркинликларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз юрти ва минтақаларидаги тинчлик ва барқарорликка боғлиқ экани равшан. «Қўшнинг тинч — сен тинч» мақолининг туб маъносини дунё ҳам, биз ҳам янада теранроқ англамоқдамиз. Кўкна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч, эл омонликда яшаган даврлардагина халқимиз моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннахрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Ўзбекистон халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шарти деб билади. Шунинг учун ҳам доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, "Ассалому алай-кум" дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, "Сизга тинчлик ёр бўлсин" деган маънони англатади. "Салом", яъни "тинчлик" сўзи Қуръони каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: "Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида "тинчлик" сўзи айтилур". Бироқ, инсоният тарихида, кейинги беш минг йилда тахминан 15 мингдан ортиқроқ қатта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий жиҳатдан юксалади. Юрт тинчлиги энг азиз неъмат эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. Дунёнинг кўп мамлакатларида рўй бераётган террорчилик ҳаракати бу борада ҳали кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок юрт тинчлигини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон дунёда биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холи майдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва бошқа тинчликсевар таклифлар билан чикди. Чунки ислоҳотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга



бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам миллий мафкурада юрт тинчлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Юрт тинчлиги — Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам бўлган халқ қеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асрашимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. И.А.Каримов "Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда" деб бежиз таъкидламаган. Ўзбекистондаги ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик Юрт тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса мамлакатимизда ички барқарорликни таъминлаш, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, белгиланган режа ва мақсадларга эришиш, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик фаолиятига хизмат қилмоқда.

Ватан равнақи - миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. Бу ғоя — ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсадларидан бири бўлмиш барчамиз учун муқаддас саналган Ватанимизнинг равнақини таъминлаш, унинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига эришишини назарда тутди. "Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг

маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади"<sup>2</sup> Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда биринчидан, ҳозирги ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. Иккинчидан, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга. Учинчидан, бозор муносабатларига хос мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қилади. Бешинчидан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият куриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши — Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

Халқ фаровонлиги - халққа муносиб турмуш шароити яратишни ифодаловчи тушунча Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги кунда дунёдаги барча мамлакатлар айнан шу йўлдан тараққий этиб, ўз халқининг

---

<sup>2</sup> ("Юксак маънавият - енгил-мас куч", 73-б.).

фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга эришмоқда. Ўзбекистон ҳам шундай йўлни танлаган. Ҳозирда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш учун хизмат қилади. Собиқ шўро тузуми одамлар онгига барча фалокатларнинг сабаби хусусий мулкда, деган ғояни сингдириб, сохта тенгликни қарор топтирмоқчи эди. Оқибатда ишламаган одам ишлаган одамдан яхшироқ яшай бошлаган эди. Ҳатто совет кишининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик боқимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирди. Одатда, мустабид тузумлар халқ фаровонлигидан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданок яқка давлат мулки ҳукмронлигига барҳам берилиб, мулк шакллариининг хилма-хиллигига, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очди. Бугунги кунда мамлакатда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бозор иқтисодиёти жамиятни маълум маънодаги табақаланишга олиб келиши табиий. Халқ фаровонлигини кўзлаган давлат халқнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижтимоий сиёсат юритади. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти кафолатидир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг асосан ҳақиқий муҳтож ва эҳтиёжманд қатламларига йўналтирилмоқда. Бу борада давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳам ишга солинмоқда. Бугунги кунда фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорликдир. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратилиши зарур. Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини

тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этади. Табиий бойликлар, ер - ресурслари, мамлакатлари иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохот ва бунёдкорлик ишлари халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

Комил инсон - миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Комил инсон ҳақидаги таълимот инсоннинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний нуқтаи назаридан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Юртимизда комил инсонни вояга етказиш масаласига азалдан катта эътибор билан қаралган. Шунинг натижаси ўлароқ тарихимизда ўзининг маънавий фазилатлари, жисмоний имкониятлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк баркамол инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар қолдирган бой илмий ижтимоий-фалсафий, маънавий мерос халқимизнинг бебаҳо мулкига айланган. Масалан, Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, математика, астрономия, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик (психология), физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва жисмоний тарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлган. Унинг асарлари нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Шарқ ҳамда Ғарб мамлакатларида ҳам ҳурмат билан тилга олинган ва мутолаа қилинган. Кўплаб тарихий асарларда қайд этилишича, Ибн Сино 20-25 ёшидаёқ қомусий олим сифатида шуҳрат қозонган. Шу жиҳатдан ёндашиб, бу улуг аждодларимиз том маънода Комил инсон бўлган дейиш мумкин. Яна бир буюк аждодимиз Алишер Навоий бир қитъасида “Камол эт касбким” дея даъват қилганида комил инсон учун зарур бўлган кўп хусусиятларни эгаллашни назарда тутган. Аллома боболаримиз қайд этганларидек, инсон

Ўзини хирс, таъма, нафс, ғафлат, нодонлик, ёвузлик каби иллатлардан покламаса, у ҳеч қачон комил инсон бўла олмайди. Алишер Навоий комил инсонни аҳли маъни кишилар деб билган. Аҳли маъни – фикрли одамлар, деган маънони англатади. Фикрсиз халойиқнинг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш ҳақиқатни англашга интилишни ифодалайди. Алишер Навоий комил инсон ғоясига ўз асарларида қайта-қайта мурожаат қилган. Унинг "Ҳайратул-аброр" достонида етук шахснинг маънавиятидаги эзгулик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик сингари фаъилатлар таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий белгиси инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, инсонпарварлик ғояларига муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатадиган комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни фаровон қилишдан иборат бўлган. Инсондаги комиллик, энг аввало унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юнон файласуфи Суқротнинг "Ўз-ўзингни англа", деган даъвати ҳам инсоннинг насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Комил инсоннинг моҳияти, аввало, жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. Комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараённи кўриш мумкин. Биринчиси, комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон ғоясининг мавжудлиги ва у билан борлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Чунки, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси, жамиятнинг характери, унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш

учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ташкилий вазибалар давлат сиёсатининг энг мухим устувор йўналиши этиб белгиланган. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов комил инсонни тарбиялашга юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигининг энг мухим омилларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик - турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргалликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган атама. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятда тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг мухим омилдир. Ижтимоий ҳамкорлик бўлмаган жамиятда бошбошдоқлик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ишончсизлик ортиб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиши, бу эса охир-оқибатда оғир инқирозга олиб келиши мумкин. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини амалга ошириш йўлида ғов бўладиган энг хатарли тўсиқлар ақидапарастлик, терроризм, экстремизм, айирмачилик, маҳаллийчилик, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутати. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мафкуравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳамкорлик масаласи биз учун янги тушунча бўлмай, ўзининг тарихий илдизларига эга. Маълумки, Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб, Ижтимоий ҳамкорлик асосида ривожланиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан биридир". Бу тупроқда жаҳонни хайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг

кадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бежиз таърифламаган. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига «хос толерант тафаккурга таянган. Она заминимизда узок вақт оташпарастлик, буддавийлик, яхудийлик, христианлик, ислом динлари биргаликда фаолият кўрсатиб, ривожланиб келгани, табиийки, ижтимоий ҳамкорлик мевасидир. Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш асосида ижтимоий ҳамкорликка эришиш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқи, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик асосида жамиятда ижтимоий ҳамкорликнинг таъминланиши учун ҳуқуқий-маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири ҳам ижтимоий ҳамкорликдир. Бугунги кунда ана шу тамойил асосида юртимизда турли миллат, гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш миллий тараққиётимизда тобора устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

Биринчи Президентимиз асарлари асосида ғоявий зиддият ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинган. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилган, босқинчиларнинг қадриятлари зўрлаб ўтказилган. Ҳозирги кунда экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда бу борада интеллектуал ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил

тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган “вируслар”ни тарқатиш бунга мисол бўла олади. Шунингдек ҳозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг хилма-хил усуллари кўлланилмоқда, турли “овоз”лар, оммавий ахборот воситалари, инфор­мацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш масаласи жиддий ғоявий муаммолар доирасига киради. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги ва янги усуллар ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш . . .” ҳақидаги тамойил назарий жиҳатдан асослаб берилди ва у мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Миллатлараро тотувлик – миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, давлатга ўз номини берган миллат билан уша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала



бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалдан бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ер юзида 6 млрд.дан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслағи, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан саналади. Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакиллари мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар ўртасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди. Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий

манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя - ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, таъкидлаганидек: «Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликини ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдирини учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир». Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ, белгилаб қуйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат кидади. Юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ

миллий-маданий марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишлардаги фаолияти, биринчидан, ўз вакиллари миллий тарих, урф-одатлар ва анъаналардан хабардор қилишга, иккинчидан, халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир этиб, миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Динлараро бағрикенглик – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча. Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутди. Динлараро бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озода ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари ўртасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу – юртимиз халқларининг динлараро бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамлаб қуйилган. Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эзгулик ғоясига асосланади, кишиларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, ҳамиша яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатдир. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар

ортида динлараро бағрикенглик ётади. ЮНЕСКО динлараро бағрикенглик муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йилни БМТнинг бағрикенглик йили деб эълон қилди. Ўша йили 16 ноябрда 185 давлат иштирокида Парижда Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикаимизда икки мингдан зиёд диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислом институти, 10 та Мадраса ва 2003 та масжид, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черкови, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, тўлиқ Инжил христианлар маркази, Христиан семинарияси, Ўзбекистон Библия жамияти, 162 та христиан черкови, 8 та яхудий ва 8 та баҳрий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та буддист ибодатхонаси давлат рўйхатидан ўтган.

Дин асосида юзага келган турли таълимотларга эътиқод қилувчи айрим кишилар, кичик ёки катта гуруҳлар ўртасидаги хилма-хил алоқалар. Бу ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб, унда динларнинг ўзига хос жиҳатлари: таълимоти, эътиқоди, ташкилотлари ва бошқалар намоён бўлади. Турли динларга хос хусусиятлар, чунончи, ҳудудийлик (синтоизм) — асосан Япония ҳудудида тарқалган, индуизм — Ҳиндистонда, ислом, буддавийлик, христианлик барча қитъаларда; шаклланиш даври (иудаизм 3000 йилдан кўпроқ, христианлик 2000 йилга яқин, ислом ўн беш асрдан буён мавжуд) билан боғлиқ жиҳатлар ҳам динлараро муносабатга таъсир кўрсатган. Шахслараро диний муносабатлар кундалик ҳаётининг фаолиятда намоён бўлади. Гуруҳий диний муносабатлар турли конфессия вакиллари ўртасидаги музокаралар, диний низолар ва ихтилофларда юзага келади; тинчлик вақтида ҳам муайян мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар орасида турли эътиқоддаги кишиларнинг, диний раҳбарларнинг тинч-тотув яшаш, ҳар қандай масалани муроса асосида ҳал қилиш борасида ўзаро мулоқот юритиши мумкин. Диний фаолиятнинг турли кўринишлари ўзига хос

динлараро муносабатни юзага келтиради. Масалан, ўз диний таълимотини ҳимоя қилиш ва бошқаларини танқид қилиш, бошқа эътиқоддагиларни ўзига оғдириш учун даъват қилиш жараёнида ҳам динлараро муносабат намоён бўлади.

## **2. Миллий ғоя мақсадларини мамлакат тараққиётига йўналтириш усуллари.**

Миллий тарбия бундай одамларни қанчалик кўп етиштириб чиқарса, олға боришимизга шунча имконият вужудга келади. Ислон Каримов мамлакатимизда яшаётган барча ёшлар ана шундай пешқадам, ўзини ўзи уддалайдиган, ўз ишидан, фаолиятдан рози бўладиган кишилар бўлишини хоҳлайди; қарахтлик, боқимандалик, ношудликни инсонга хос бўлмаган иллат ва нуқсон деб билади. Биринчи Президентимиз ўзининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига берган жавобларида («Хушёрликка даъват») буни аниқ тушунтириб беради: «Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган малакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата оладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту-баланд, чангу-тор кўчаларидан Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз»<sup>3</sup>.

Демократияга хос бўлган амалиётчилик рақобат муҳити айни вақтда шахсда кучли ақлий салоҳият, илмий-таҳлилий қобилият бўлишини ҳам талаб қилади. Бунинг натижаси ўлароқ илм-маърифатнинг қадри ортиб боради. Айниқса, ахборот алмашиш тезлашиб бораверади. Илмий тафаккур, фундаментал тадқиқотларга талаб кучаяди. Кишининг маърифати ва маънавияти юксак бўлсагина, амалиётчилик қобилияти самара бериши мумкин. Интернетга, кундалик хабарларга ташналик билан бирга, китобга

---

<sup>3</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 26-б.

муҳаббат ҳам сусаймаслиги лозим. Чунки китобдан олинадиган билимни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Ахборот назарий билимни эмас, маълумотий билимни (хабардорликни) оширади. Назарий билим, таҳлилий-муҳокамавий малака китоб асосида ҳосил қилинади. Бундан ташқари, китоб руҳ ва қалбга ҳам озиқ беради. Ақлий қобилият ҳам маънавий тарбия, қалб орқали тўлишса яхши, акс ҳолда у ёвузлик манбаига айланиши ҳеч гап эмас. Совуқ, бепарво мушоҳада инсонни меҳру шафқатдан маҳрум этади. Шу боис ҳам, ақл қалб туфайли юксалса, ахборотлар ҳиссий фазилатлар билан қўшилса, камолот юз бериши, комил инсон вояга етиши мумкин. Шу боис ҳам шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Иқтисодий ўнгланиш маънавий ўнгланишдан ажралган бўлмайди.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, инсон аввало, муайян мафкура, дунёқараш тизимига, асрлар давомида шаклланган маънавий тажрибага таяниб яшайди. Одамни шаклланган дунё қарашдан ажратиб бўлмайди. Агар дунёқараш тўғри эзгулик асосида шаклланган бўлса, инсон шу йўлда ҳаракат қилаверади, илми, қобилиятини ҳам шунга сарфлайди. Агар бунинг акси бўлса, демак нотўғри йўлни танлайди, адашади ёки ўзини «ҳақ» деб бузғунчилик қилади. Бунёдкор шахс эзгулик ғоялари руҳида тарбияланган эркин шахсдир. Шу боис миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг ва бутун халқимизнинг қалбидан жой олган бўлиши, уни руҳлантириши, чидамли ва шижоатли қилиб тарбиялашга хизмат қилиши керак. Миллий ғоя бизнинг тарихимиз, бугунимизни ва келажагимизнинг бирлаштиради.

Умуман миллий ғоя, эркин фуқаро ва демократия - юқори даражада ривожланган кишилар жамияти, инсоният эришган буюк неъмат, кўпчиликка маъқул яшаш тарзи. Аммо унинг амалга ошиши барча мамлакатларда бир хил эмас. Ҳар бир мамлакат демократиянинг умумий қадрият ва тамойилларини ўз миллий қадриятлари заминида, ўз халқининг узоқ тарихи давомида шаклланган анъаналари билан қўшиб қабул қилганини биламиз. Масалан, АҚШ ёки Англия, Франция (бошқа Европа мамлакатлари ҳам)

демократик давлатлар бўлсалар-да, лекин ҳар бири ўз миллий руҳи, анъаналарини ҳам сақлаган. Шу каби Япония, Корея, Малайзия каби мамлакатларда ҳам демократик тузум миллий ва диний-эътиқодий удумлар негизида амал қилмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам биз ана шундай бўлиши учун интилоқдамиз. Юртбошимизнинг жамики асарларида бунга алоҳида эътибор қилиниб, миллий қадриятларни тиклаш, миллий ахлоқ-одобни мустаҳкамлаш учун жидду жаҳд қилинаётир. Халқ ўзлигини йўқотмаслиги керак. Бу эса ҳақиқий ватанпарварлик заминида, ҳар бир фуқаронинг юксак онглилиги асосида қўлга киради.

Шундай қилиб, миллий ғоя ҳаётий ва истиқболли ғоядир. У тараққиётга ва мамлакат фуқароларини чинакам ҳамжиҳатликка, маърифатга олиб борадиган инсонпарвар ва тараққиётпарвар ғоядир.

Шунга кўра миллий ғоя, ҳар қандай «измлар» (коммунизм, панисломизм, пантуркизм каби) зарарли ва умрини ўтаб бўлган фикрларни ҳам рад этади. Ватанга, халқига муҳаббатли одамгина етук маънавиятли, маърифатлидир. Маърифатли одам ўз эркини бошқалар эрки билан бирга деб билади, ўзгаларнинг яшаш тарзи, эътиқоди ҳуқуқини ҳурмат қилади. Бизнинг улуғ аждодларимиз Форобий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ана шундай етук, комил одамлар учун курашганлар. «Нақшбанд учун шоҳу гадо баробар эди, у қул сақламас ва ўзи ҳам ҳеч кимга қул эмаслигидан фахрланарди», деб ёзади Навоий. Ҳазрат Навоий асарларида куйланган ғоялар бугун ҳам бизга ибрат ва сабоқдир.

Миллий тарбия бутун маънавий бойликни, башарий ютуқларни қамраб олади, эркин шахсга қанот бағишлайди. Уни руҳлантиради.

XXI аср ҳар жиҳатдан муроса ва келишувлар асри бўлади. Динлар, мазҳаблар, таълимотлар орасида муросасозлик юзага келиши, инсон бахти учун хизмат қиладиган нарсалар энг муҳим қадрият деб қабул қилиниши лозим. Нимаики инсон учун яроқли бўлса, у мақбул, нимаики инсонлар ҳаётига хавф солса, тараққиётга, ўзаро яқинлашишга халақит берса, у

номақбул ва зарарлидир. Инсоният тарихи шунга гувоҳки, дунё илм-маърифати жамланган, синтезлашган жойда юксак тараққиёт вужудга келади, инсон шахси камол топади.

Зотан, Ислом Каримов ўзининг «Истиқлол ва маънавият»<sup>4</sup> номли тўпламида умумбашарий ғояларни миллий маънавиятнинг негизларидан бири деб кўрсатган эди. Чунки миллий маънавият куруқ ерда пайдо бўлмайди, у халқнинг тарихан шаклланган урф-одатлари ва умуминсоний кадриятлар билан қўшилиб бойиб боради. Бошқача айтганда, умумжаҳонийлик, миллийлик руҳида онгига мазмун касб этади ва ривожлантирилади. Шу руҳда тарбияланган одам эса демократик тамойилларга мойил, озод руҳли киши бўлади.

Биз болаларимизни чин маънода жаҳон билан баҳслаша оладиган ўқтам, дили ва тилидан одамлар озор чекмайдиган, шарқона одоб-ахлоқли, аммо ҳақини бировга бермайдиган ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам руҳан соғлом, бардам қилиб тарбиялашимиз лозим. Улар Форобий, Ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби улуғ боболаримиз меросини ҳам Шекспир ва Данте, Л.Толстой ва Гёте, Байрон ва Гюго меросини ҳам ўргансин, баҳра олсин, халқига ва замонага муносиб фарзандлар бўлиб етишсин.

Миллий тарбиянинг бош мақсади деганда:

- а) эски тоталитар мафкурадан озод;
- б) қуллик, мутеъликни тан олмайдиган;
- в) маънавий зулмдан озод;
- г) ҳақ-ҳуқуқини таниган;
- д) ўз кучи имкониятларига ишонган;
- е) ўз фикри, қарашига эга бўлиб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни холисона таҳлил қила оладиган;
- ж) хирсу ҳаволардан қутулган, салоҳиятли, фидокор, эзгу ниятли шахслар, комил инсонни шакллантириш тушунилади.

Шахслари ана шундай камолга етган юрт ҳар жиҳатдан тараққий

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., Ўзбекистон. 1998. 64-бнт.



топади, халқи ҳам тўқ ва фаровон яшайди. Ғайрат-шижоат, қобилият, билим ва самарали тадбиркорлик – мамлакат тараққиётининг бош мезонидир. Улуғ француз адиби В.Гюго айтган эди: «Дунёда кичик халқлар йўқ... Одамнинг улуғлиги унинг бўй-басти билан ўлчанмаганидай, халқнинг буюклиги ҳам ҳеч қачон унинг сонининг кўплиги билан ўлчанмайди».<sup>5</sup> Аммо ўзликни англаш баробарида унинг ўзига хос хусусиятини сақлаш ва такомиллаштириш ҳам муҳим ўринга эга бўлади. Маънавий кадриятларни тиклаш орқали, ўзбек халқи ўз ажодлари ким, дунё харитасида қандай мавқега эга эканини билиб олмақда. И.А.Каримов «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деганда икки жиҳатни назарда тутди:

1) Жаҳон маданиятига ҳисса қўшган, тарихимиз ана шу миллий ғурур, қобилият, интилиш негизида жипслашиб бир мақсад сари ҳаракат қилишга замин бўлмақда.

2) Эндиги вазифа – ана шу заминга имкониятни ишга солиш, яъни ўқиб-ўрганиб, билим – малака ҳосил қилиб, дунё майдонида дадил кириб бориш, ҳамда ўз ўрнини эгаллаб олишдан иборатдир.

Аммо ана шу йўлда ўзликни йўқотмаслик, ўз миллий тафаккури, анъаналари, ажойиб хусусиятларини сақлаб қолиш лозим. Бу эса анча мушкул вазифа. Чунки тараққий этган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бизни кучоқ очиб қарши олаётгани йўқ. Бу – биринчидан. Иккинчидан, улар ҳар бир ҳолатда ҳам ўз миллий манфаатидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Ҳатто демократияни «экспорт» қилишдан ҳам манфаатдор айрим кучлар бор. Чунки бу уларга мамлакат бойликларини ўзлаштириш, арзон ишчи кучидан фойдаланиш имкониятини яратади. Демократияни ягона, европача турмуш тарзи мезонлари билан баҳоламоқчи бўлади.

Ана шунинг учун ҳам миллий тарбия масаласи ҳозир долзарб бўлиб турибди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури айнан шу мақсад учун қабул қилинди. Фарзандларимиз янгича яшашга тайёр бўлиши ва энг муҳими,

---

<sup>5</sup> Гюго В.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиши керак. Замонавий билим, замонавий малака, замонавий қобилият эгалари бўлиб етишсин. Миллий ғоянинг бош мақсади ҳам шу!

Лекин бу ерда гап фақат таълим – тарбия тизими ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап умуман жамият тизими, яхлит олганда, Ўзбекистон халқини юксалтириш устида бормоқда. Миллий ўзликни англаш билан миллий ўзликни сақлаш ўзаро вобаста, бири иккинчисини ривожлантиради. Очиғи, миллий ўзликни сақлаш ҳозир муҳимроқ бўлиб қолди. Бу нима дегани? Бу шундан иборатки, биз миллий кадриятларни тиклаш билан чегараланмасдан, улар етилиб келаётган авлод томонидан қанчалик қабул қилинмоқда, севилмоқда, давом эттирилмоқда, деган саволлар устида ҳам бош қотиришимиз лозим. Зеро, энг катта хавф ҳам илғор мамлакатлар мафкурасидаги индивидуализм таъсирига тушиб ўзликни йўқотишдир.

Мана шунинг учун ҳам миллий ғоя руҳидаги кенг миқёсдаги тарбия бениҳоя муҳим ва биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Бунда ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия бирга ривожлантирилиши, миллий ўз-ўзини таҳлил ва танқид ҳам муайян ўрин эгаллаши лозим.. Чунки миллат ўзини ўзи маънан тозалаб, поклаб бориши керак.

Миллий-маънавий кадриятлар миллий ғоянинг энг муҳим асосларидандир. Миллий ватанпарварлик руҳи қанчалик баланд бўлса, бу кадриятлар шунчалик англонади, шууримизга сингиб боради. Оқибатда кадриятлар бизнинг ўзлигимиз, шахс сифатидаги борлигимиз, намоён бўлишимизнинг белгисига айланади.

Аммо бу ҳодиса ҳозир батамом содир бўлаётгани йўқ. Ҳали миллий ғоя бизнинг ҳаммамизнинг онгу шууримиз, тафаккуримизни банд этган эмас. Албатта, истиқлол йилларида тафаккуримизда ўзгаришлар содир бўлди. Чунончи:

- мулкчиликка муносабат ўзгарди, хусусий мулк ва уни кўпайтириш мумкинлиги одатий ҳол бўлмоқда;

- ўзбек миллатининг буюк тарихи, маънавий бой мероси борлиги аёнлашди;

- шахсий ташаббус, саяю-ҳаракат қилган одам ўзини ҳам юртини ҳам обод қила олиши тобора ҳис қилинаётир;

- хориж мамлакатлари билан бемалол савдо-сотик қилиш, шартномалар тузиш, мулоқотлар уюштириш тажрибаси ўзлаштирилмоқда ва ҳ.к. Лекин, барибир, айрим кишилар фаолиятида ҳамон сусткашлик, боқимандаликдан тўла қутулгани йўқ. Кўпгина ҳолларда тадбиркорликни фақат олиб-сотарлик даражасида англаш содир бўлмоқда. Айниқса, дунё бозорини эгаллайдиган маҳсулот ишлаб чиқариши билан эътиборни қозониши, сервис хизмат соҳалари юқори даражада бўлишига эргашгани йўқ. Бунинг сабабларидан бири ички, онгли интизом шаклланмаган, ҳар бир одам вақтдан фойдаланиши, ўзгалар вақтини банд этмаслик, ҳар бир нарсани белгилангандек аниқ ва тўғри бажариш шарт эканлигини ҳис этмаётганлигидир. Эски одат бўлиб қолган бепарволигимиз, масъулиятсизлигимиз кўп нарсани бой беришимизга сабаб бўлмоқда. Айбни бошқаларга тўнкаш, масъулиятни ўз бўйнига олмаслик касалидан қутулганимиз йўқ. Ҳали исрофгарчилик бор, тежамкорликни ўрганганимиз йўқ ва ҳ.к.

Шу боис кенг маънода тафаккуримизни, ҳаёт тарзимизни қайта куришимиз, ҳушёр, оқилу фозил кишилар каби юқори даражали меҳнат, фаолият ва турмуш интизомига эришишимиз лозим. Қачонгача раҳбар кўрсатма ёки дўқ-пўписа қилса ишлаймиз? Нега ҳар бир одам ташаббускор эмас? Нега кимдир биз учун ўйласин, биз учун фикр қилсин, ҳукм чиқарсин деган кайфиятда юрамиз?

Шўро даврида маҳаллий ташаббуслар инобатга олинмаган. «Фикр биздан, буйруқ биздан, бажариш сиздан» дегандай иш тутиларди. Яъни, Кремль сиёсатдонларининг айтганини бажариш асосий вазифа деб қаралган. Миллий манфаат, миллий тараққиётга қаратилган фикр «интернационализм»га қарши деб қораланган. Энди-чи? Энди тақдиримиз ўз

қўлимизда, энди юртимиз, уйимиз, шаҳримизни ўзимиз обод этишимиз, фаровон турмуш тарзини яратишимиз ҳар биримизнинг қўлимизда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард мақсади — одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат экани ҳақида такроран гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар — табиий бойликлар, унумдор ер, катга иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақд-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий ғоямизга қайси томондан таъриф ва баҳо бермайлик, халқимизни бирлаштирадиган бу олий мақсадлар асрлар давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-армон ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа - ана шу юксак тушунчалар билан бирга **миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг** маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат<sup>6</sup>.

Биринчи Президентимиз бунинг кенг дастурини ишлаб чиқиб назарий амалий жабҳаларда ҳаётга тадбиқ этмоқда. Биргина истеъдодлар тарбиясини олинг. Бир нечта жамғарма тузилиб, истеъдодли ёшлар орасида танловлар ўтказилмоқда. Аммо истеъдодлар тарбияси билан ҳар бир устахона, корхона, ўқув муассасаси шуғулланмоғи лозим. Истеъдодли ёшлар — бизнинг

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 74-75 бет

келажимиз. Ҳозир Ўзбекистонга юзлаб муҳандислар, энг янги фан соҳаларида ишлайдиган, янгилик қиладиган одамлар керак. Мамлакатни иқтисодий кўтарадиганлар ҳам шулардир.

Миллий ғоя адабиёт ва санъат воситаси ила одамлар қалбига сингади. Бу соҳада муаммо анча. Аввало тақлидчилик касалидан қутилиш зарур, юксак, профессионал санъат руҳида тарбияланиш ва тарбиялаш шарт.

Енгил, масхарабозлик спектакллари, ҳазил-мутойиба кўпайиб, жиддий санъатга эътибор сусайди. Юмор ҳам, мутойиба ҳам керак. Аммо жиддий санъат унутилмаслиги лозим. Кишиларнинг диди, туйғулари майдалашиб, бачканалашиб бормаслиги керак. Чунки дид майдалашса, тафаккур ҳам майдалашади, муҳим, залворли фикру ғоялар, чуқур фалсафий-мушоҳадавий асарлар қабул қилинмай қолади. Бу эса, ўз навбатида фундаментал тадқиқотларга эътиборни сусайтириб кўяди. Демак, миллий тарбияда майда-чуйда нарса йўқ, урф-одатлардаги нуқсонларга нисбатан кескин чоралар кўриш вақти келди.

Биз инсон қадри учун жонбозлик қилайлик. Агар ўз боланг эмас, кўшнининг боласи истеъдодли бўлса, ўшанга ёрдам қилиб, тарбиясига ҳисса қўшмоқ улуғ савоб эканини англаб етайлик.

Хуллас, миллий ғоя демократик қадриятларни оқилона ҳаётга тадбиқ этиш омилидир.

### **3. Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни янада ошириш.**

Ҳозир амалиётчи тадбиркорлар жамиятимизнинг етакчи қатламига айланди. Улар орасида бир неча хорижий тилни биладиган, янгича фикрлайдиган, дунё кезиб тажриба орттирганлар, халқаро савдо-сотик ишларида иштирок этаётганлар, банкирлар, бизнесменлар бор. Тан олиш керакки, улар орасида Ғарб турмуш тарзига маҳлиё бўлганлари ҳам, туну кун фақат пул кўпайтиришни ўйлайдиган «амалиётчилар» ҳам йўқ эмас. Бироқ, масаланинг диққатга сазовор жиҳати шуки, кўпчилик бизнесменлар, тадбиркорлар қадимий удумларимизга, дину диёнатимизга содиқ қолишга улар бутун вужудлари билан Ўзбекистон учун қайғурадилар. Зеро, шундай

кишилар яъни, инсонийлигини, асил наслу насабини унутмаган инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини сақлай олади, шарафли бўлади.

Ҳозир ёшларимиз иқтисодий, ҳуқуқий билимларни ўрганишга берилганлар. Бу яхши. Шу билан бирга тарих, она тили, адабиёт, санъатни ҳам севиб ўрганиш лозим. Кишининг маънавий дунёсини кенгайтиришда мусика, театр, рассомлик санъати ва айниқса, бадиий адабиётнинг роли бениҳоя катта. Адабиёт ҳисларни тарбиялайди, кўнгил мулкини обод қилади, тафаккур ва шуурни бойитиб улғайтиради. Қадимда мадрасаларда «балоғат илми» ўтилган. Бу асосан адабиётдан лаззатланиш, шеърни, сўзнинг куч-қудратини англаш ва фасоҳатли сўзлаш илмидир.

Зотан, етук одам фақат илмининг кўплиги билан эмас, унинг кучли мантиқи, воизлиги, суҳандонлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир одам нимагадир меҳр қўяди, нимагадир қобилият кўрсатади, ўз касбининг устаси бўлади. Бироқ ҳаммадан талаб қилинадиган нарсалар борки, бу касбий сифатдан ташқари, инсоний сифатлардир. Яъни юқорида зикр этганимиз ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, ростгўйлик, ҳақгўйлик, Ҳақ ва ҳақиқатни севиш ана шундай сифатлар сирасига киради. Бозор иқтисодиёти шароитида яна саховат, ҳимматбаландлик, футувват кўпроқ кўзга ташланадиган, кадрланадиган сифатлар бўлиб қолди.

Айтмоқчимизки, маънавий мезонлар даврлар ўтиши билан тўлдирилиши, такомиллашиши мумкин. Аммо умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳаминиша одамийлик шарафи бўлиб қолаверади. Чунки жуда ақлли бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам юксак маънавият эгаси эмас. Баъзан оддий боғбон, деҳқон ва ҳунарманднинг ҳиммати ва саховати кишини лол қолдиради. Ҳолбуки, беҳисоб мол-мулки бўлатуриб, қурумсоқ, хасис ва паст бўлганлар ҳам анча. Илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам бундайлар бор. Халқ тилидаги “яхши одам”, “бамаъни одам”, “беозор одам”, “ҳамиятли одам”, “кўнгли тоза” одам каби баҳо ва сифатлашларда маъно кўп. Халқ обдон синаб кейин бундай сифатларни қўллайди. Бундай тушунчалар кишилар ҳақида аввало, маҳалла, гузарда шаклланади. Маҳалла аҳли одамларнинг

юриш-туриши, маишати, оила тутиши, хулқ-атвориға қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборни, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамнинг камолоти, маънавий етуклиги ҳам шу маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрўси билан ўлчанади. Мана шу обрў-эътибор кенгайиб, ривожланиб, бутун жамият, мамлакат миқёсига кўтарилиши мумкин.

Бобокалон шоиримиз Алишер Навоий комил инсон сифатлари ҳақида фикр юритиб, иймон, вафо, ҳаё, билимдонлик, адолат, саховат, маърифат, карампешаликни тилга олади. Чунончи, у “Маҳбуб-ул қулуб” асарида саховат ҳақида ёзади: “Саховат инсоният боғининг мевали дарахтидир, балки ул дарахтнинг ширин мевасидир. Одамийлик кишварининг мавжли денгизи, балки шу денгизнинг гавҳари деса арзийди. Саховатсиз киши ёғинсиз булут ёки хиди йўқ райҳондай гап. Саховат одамийға бадандур ва ҳиммат анга рух ва ҳиммат аҳлидин оламга юз минг футуҳ”.

Яъни ҳиммат орқали янги шаҳарлар, қалъалар бунёд этилади, каналлар қазилади. Бир кишининг ҳиммати билан не-не улуғ зафарларга муяссар бўлиши, буюк ғалабалар қўлга кириши мумкин. Ҳиммат одамни олижаноб қилади, юксалтиради. Улуғ ишларга сафарбар этади. Бундай зот қаҳрамонликларга ўзини чоғлайди, энг қийин пайтларда кўкрагини қалқон қилиб, эл-юртини ҳимоя эта олади. Улуғ ишларни бажара олган одам улуғдир, комилдир. Ҳимматли одамда ҳамият, номус кучли, у яратиш, бунёдкорлик ишқи билан ёнади, одамларни хурсанд, бахтиёр этишдан кўнгли яйрайди, ўз бахтини эли, юрти бахтида деб билади, эл бахтида ўз бахтини кўради. Ҳамиша улуғ ишларга бош бўлиш, юксалиш ва юксалтириш ташвиши билан яшайди.

Шундай нажиб инсоний хислатлар юртбошимиз Ислом Каримовда мужассам топганини кўрамыз. Бу комил инсоннинг машъалдай ёниқ қалби, улуғ ишларга сафарбар этувчи назарий таълимоти, фидойилиги ҳаммамизга ибратдир. Ватанни севишни, эл-юрт дарди билан ёниб меҳнат қилишни, тафаккур теранлигини шу инсондан ўргансак арзийди. Ўйлаймизки, комиллик йўли, чин инсонийлик мана шудир.

### **Назорат саволлари:**

1. Миллий ғоя назарияси, унинг асосий принциплари
2. Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини ўрганишнинг зарурлиги
3. Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашнинг асосий принциплари
4. Ёшлар ва миллий ғоя
5. Ёшларнинг миллий ғояга ишонч ва эътиқодларини мустаҳкамлаш омиллари ва шарт-шароитлари
6. Ёшлар мустақил демократик тараққиётни таъминлаш субъекти

### **3–Мавзу: Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларида акс этиши**

#### ***РЕЖА:***

1. Миллий ғоя мақсадларини давлат ва жамият ривожланишида акс этиши.
2. Ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий ғояга зид назария ва амалиёт бирлигига тўғри келмайдиган айрим ҳолатлар.
3. Халқ билан мулоқот, давлат идоралари халқ учун ишлаши кераклиги ғоясининг амалий аҳамияти.

#### **1. Миллий ғоя мақсадларини давлат ва жамият ривожланишида акс этиши.**

Жамиятнинг мафкураси бўлган – миллий ғоя барқарор тараққиётни турли халқлар ва миллатлар мақсад - манфаатларини ўзида ифода этади ҳамда улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилади. Барқарор тараққиётга эришиш мураккаб жараён бўлиб,



жамият ҳаётининг барча соҳалари ўртасида манфаатлар мувозанати бўлишини тақозо этади. Бу уларнинг ғоясида тизимлашади.

Айтиш мумкинки, барқарор тараққиётни ҳам белгиловчи мезон инсондир. Инсон ғоявий манфаатлар марказида қўйилса, ўша жойда барқарор ривожланиш имконияти пайдо бўлади. Ҳар қандай кўринишдаги беқарорлик ҳолатининг олди олинади.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли унинг конституцион ҳуқуқий асослари белгилаб олинди. Бу муҳим демократик тамойиллар орқали амалга оширилмоқда. Конституциямизнинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”<sup>7</sup>. Демак, инсон манфаатлари устуворлигини асосланиши, барқарор тараққиёт шартлари; инсон манфаатлари устуворлиги; инсон ҳаётининг дахлсизлиги; инсон эркинлиги; олий қадрият эканлиги белгилаб қуйилганлиги миллий ғоянинг умуминсоний негизи сифатида барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, 2017 йилни “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили”<sup>8</sup> деб белгиланганлиги ҳам барқарор тараққиётни таъминлаш фалсафаси билан ҳамоҳангдир. Бугун жойларда ташкил этилган халқ қабулхоналари ва виртуал марказлар юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни изчил амалга оширишга ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари барқарор тараққиётга эришиш жамият ижтимоий ҳаёти асосларига бевосита боғлиқ бўлади. Маълумки, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт Конституциямизнинг 12-моддасига асосан сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон. 2014. 13-модда

<sup>8</sup> Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь. 243-сон.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас<sup>9</sup>.

Бу барқарорликни таъминлашда ғоя ва мафкуравий ёндашувларга ҳам бевосита боғлиқликни кўрсатади. Жамият тараққиёти ўз негизида ривожланса, бу мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиш қонунига мос келади. Барқарор тараққиёт аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда, жамиятнинг ғоявий ва мафкуравий асосига боғлиқ бўлади ҳамда миллий ғоясида ўзининг аниқ ифодасини топади. Бу ғоялар онгда ижтимоийлашади. Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти билан унинг ғоявий-концептуал асослари ўртасида ўзаро алоқадорлик қонунияти мавжуд.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларини илмий асослайди. Улар: 1) миллий кадриятлар ва миллий ўзликни тикланиши; 2) давлатчиликни шакллантириш ва муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаш; 3) демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; 4) бозор муносабатларини қарор топиши ва мулкдорлар синфини шаклланиши; 5) кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг ижтимоий фаоллигини ортиши; 6) жуғрофий стратегик имкониятлар ва табиий ҳом-ашё ресурслари; 7) инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси; 8) кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари; 9) жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни барқарор тараққиётнинг муҳим шарти ва кафолатловчи омиллари эканлигини кўрсатади.<sup>10</sup>

Миллий ғоя нуқтаи назаридан ёндашганда бу миллий ғоя мақсадлари билан туташ ва мамалкатнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади. Мустақиллик йилларида бу ҳар томонлама амалга оширилди ва мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ривожланишига хизмат қилмоқда. Жамиятнинг барқарор тараққиёти унинг

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон. 2014. 12-модда.

<sup>10</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т: Ўзбекистон. 1998. Б-125.

ғоявий асоси билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг барқарор ривожланиш ғояси билан боғлиқ эгзу, бунёдкор ғоялар унинг барқарор тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамиятнинг барқарор тараққиётида миллий ғоя унинг ғоявий негизини ташкил этади ҳамда ўзига хос хусусиятга эга. Бу ҳар бир халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари ва умум эътироф этилган демократик тамойиллар уйғунлигида намоён бўлади, барқарор тараққиётни кафолатлаб беради.

Барқарор тараққиёт жамият ижтимоий ҳаёт соҳалари ўртасида ўзаро мувозанат бўлишини тақазо этади. Бу миллий ғоянинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мақсадлари ғоялари билан муштаракдир.

Жамият ривожини миллий ғоя негизига мос бўлса – барқарор тараққиётга хизмат қилади. Унга мос бўлмаса “бир томонлама” ривожланишга, миллий ва умуминсоний манфаатларга, мустақил тараққиёт йўлига зид бўлади. Жамият ёт ва зарарли ғоялар таъсирида “мафкуралашади”. Миллий-маънавий негизларига тўғри келмайдиган ёт ғоя хусусиятларига эга бўлади. Буни “коммунистик ғоя” мисолида аниқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон жамияти ижтимоий асосларининг “мафкуралар хилма-хиллиги”га асосланиши барқарор тараққиётга хизмат қилади. Бу демократик принциплар сифатида турли манфаатлар уйғунлигини таъминлайди.

Қонун устуворлиги, адолат тамойилига асосланиш, илм-фан ривожини, таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлиги демократик жамият ривожланишида ҳамда демократик ислохотларни изчил амалга оширишда миллий ғоя мақсадлари билан муштарак ҳолда барқарор тараққиётни кафолатлайди. Бу “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” мақсадлари билан муштаракдир.

Жамиятнинг барақарор ривожланиши унинг ғоявий мақсадлари билан узвий алоқадордир. Бу миллий ғоянинг мақсад ва принципларини, манфаатларини қандай ифодалашга боғлиқ.

Бу миллий ғояни биртомонлама ёндашувлардан холос бўлишини тақазо этади. Эгзу ва бунёдкор ғоялар жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларини

барқарор ривожланишига турли манфаатлар муштаракалигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий ғоя мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғибот қилиш орқали тушунтириш ишларини олиб бориш<sup>11</sup> уларни мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишга, одамларни бирлаштиришга ундайди, сафарбар этади. Айрим ёт ва зарарли ғояларнинг таъсиридан асрайди. Ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини ижтимоий ҳаёт соҳаларида акс этиши
2. Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини давлат ва жамият қурилиши соҳасида акс этиши
3. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини инсонларнинг ижтимоий ҳаётда муносабатида акс этиши
4. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш назария ва амалиёт бирилигининг муҳим шарти
5. Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари устуворлигига эришишнинг амалий аҳамияти
6. Давлат идоралари халқ учун ишлаши керак ғоясини амалда таъминлаш йўллари

---

<sup>11</sup> И.Эргашев ва бошқ. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т: “Mashhur-Press”. 2016. – 176 б.

## 4-мавзу. Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик

### **РЕЖА:**

1. *Мустақил демократик тараққиёт ва унинг зарурлиги, қадриятлар назарияси*
2. *Миллий тараққиётда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш йўллари.*
3. *Ёшларни миллий-маънавий қадриятларга ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.*

**Таянч иборалар:** *Қадрият, Маънавий қадриятлар, Миллий маънавий қадриятлар, Юксак маънавият, Миллий маънавий мерос, диний қадриятлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, Оила, Маҳалла, Миллий менталитет, маънавиятнинг тарихий илдизлари, маънавиятнинг миллий асослари, маънавиятнинг тарихийлиги ва замонавийлиги, иммунитет, мафкура, мавкуравий иммунитет,*

### **1. Мустақил демократик тараққиёт ва унинг зарурлиги, қадриятлар назарияси**

Истиқлол, демократия ва тараққиёт ўзаро вобаста тушунчалар. Чунки агар миллий мустақиллик бўлмаса, эркинлик ҳам, эркин ривожланиш ҳам бўлмайди. Шахс эркинлиги миллат эркинлигидан айри тушунча эмас. Шу боис Ўзбекистон ўтган аср бошларида истиқлолни қўлга киритганда бири-бири билан вобаста икки вазифа кун тартибда турарди: бири – мустақилликни мустаҳкамлаш бўлса, иккинчиси - бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бу икки жараён муваффақият билан давом этмоқда ва мамлакатимиз тобора иқтисодий тараққий этган давлатлар

сафига кириб бормоқда. Яна шу нарса ҳам аниқ бўлдики, иқтисодий тараққиёт ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий юксалиш билан узвий алоқада кечиши шарт экан. Бошқача айтганда, иқтисодий тараққиёт осмондан тушадиган мўъжиза эмас, балки уни Ўзбекистон халқининг ўзи амалга оширади. Яъни халқимизнинг маънавий-маърифий савияси, билим ва малакаси, салоҳияти, умуммаданий даражаси қанчалик баланд бўлса, иқтисодий тараққиёт ҳам шунча тезлашиб, «Эркин, фаравон ҳаётни таъминлашга шарт-шароит яратилади» (И.Каримов).<sup>12</sup> Аҳолининг ҳар бир катлами, ҳар бир фуқаро буни яхши англаб етиб, шунга қараб фаолият олиб бориши лозим бўлади. Аммо бу жабҳада муаммоларимиз кўп. Зеро, демократия -эркин яшаш ва эркин фаолият олиб бориш, фикр билдириш, ўз иродасини ифодалаш, ҳақ-ҳуқуқларидан бемалол фойдаланиш ва жамият ишларига фаол қатнашишни англатади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бунга тўла қафолат беради ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бироқ, айти вақтда, демократия юксак маънавият эгаси бўлиш, масъулият ва жамият олдидаги бурчни ҳис қилишни талаб этади. Қонун, ҳуқуқ имкониятлар берса, ахлоқ, бурч, ўзгалар манфаати билан ҳисоблашиш, инсонийлик удумлари, виждон эса масъулият юклайди, ҳар бир индивидуал шахс манфаати билан жамият манфаати чамбарчас боғлиқ эканини ҳар соатда бизга билдириб туради. Шу боис *ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва масъулият ҳамма вақт бирга, узвий алоқада* амал қиладиган тушунчалардир. Ўзаро рақобат, ақлу заковат кураши ва тадбиркорлик, ишбилармонлик хислатлари ҳам шу заминда адолат ўзанига тушади, кишининг киши томонидан ноҳақ эзилиши, зўравонлик қилинишига йўл қўйилмайди.

Демократия ҳамма соҳаларда шахсий қобилиятни чархлайди, рақобат ва «ким ўзар»га бардош беришни талаб қилади. Бу муттасил ва мунтазам равишда изланиш, ихтироларни амалга оширишни, ҳар доим олға интилишни

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 19-бет.

талаб қилади. Сусткашлик қилган, янгилик яратишга ноқобил одам таракқиётдан орқада қолиб кетаверади. Бунинг оқибатида шахсда худбинлик, шахсий манфаатни устун қўйишга майллик вужудга келиши муқаррар. Худбинликнинг бир неча жиҳатлари бор: ўз истеъдоди ва қобилиятини ишга солиб, фикри ва режаларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳам аслида худбинлик, яъни шахс сифатида ўзликни намоён қилишдир. Буни ижобий маънодаги худбинлик деб аташ мумкин. Бундай худбинлик, индивидуал саъю ҳаракат жамият ривожига ёрдам беради. Аммо фақат ўзини ўйлайдиган, бошқалар меҳнати эвазига бойишга интилувчи шахслар ҳам бор. Улар ўзларини энг доно, энг кучли ҳисоблаб, атрофдагиларга беписанд муносабатда бўладилар, кибру ҳавога бериладилар ва жамият ривожига наф келтирмайдилар. Мана бундай манманлик ва ҳукмфармонликка асосланган худбинлик аслида маънавий қашшоқлик туфайли пайдо бўладиган ахлоқий қусурдир. Зеро, «ўзим бўлай» фалсафаси миллий ватанпарварлик туйғусини сўндиради. «Ўзим бўлай» деб интиладиган одам иймон-эътиқодни ҳам поймол этади. Бундай одам ҳаром-ҳалол, яхши-ёмонни ҳам фарқламайди, қандай бўлмасин, қаерда бўлмасин ўзлаштириб, олса бўлгани, бошқаси билан иши йўқ.

Шуниси маълумки, бизнинг улуғ шоирларимиз, мутафаккир боболаримиз, авлиё-шайхларимиз ҳирс ва ҳасадга, шайтоний нафсга берилиш, бу йўлда одамларга жабр-зулм қилишга қарши чиққанлар. Халқимиз ахлоқининг энг яхши жиҳатлари шу боис ҳозир ҳам ўз кучини кўрсатмоқда. Биз тарихимиз, улуғ маданиятимиз обидалари, маънавий қадриятларни тикладик. Халқимизнинг руҳияти тикланди. Улуғ маънавий меросимиз билан фахрланамиз, улуғ Ватан фарзандлари эканлигимиз дилимизни ғурурга тўлдиради. Бунинг ўзиёқ Ватанимизнинг бугуни ва келажаги учун қайғуриш ҳиссини уйғотади. Биз чинакамига уйғоқ халқ сифатида дунёга боқмоқдамиз, дўсту душманни ажратиб, миллий манфаатларимиз учун курашмоқдамиз.

Сир эмаски, демократия эркин фуқаролик жамияти экан, унда очик мулоқотлар, қонун асосидаги муносабатлар қатъий асосга қўйилиб, у

ошкораликни юзага келтиради ва қонун асосида ижтимоий адолат тикланишига эришилади. Инсон ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бошқача айтганда, жамият ичидан туриб фаоллашиб, мустаҳкамланиб боради, ўз-ўзини бошқариш сари дадил қадамлар қўйилади. Аммо, бундан демократия шароитида давлатнинг бошқарувчилик, ташкилотчилик роли барҳам топади, деган хулосани чиқармаслик керак. Айрим Ғарб файласуфлари (чунончи, Карл Поппер) ўзининг «Очиқ жамият ва унинг душманлари» китобида мустаҳкам миллий давлат демократия тараққиётига тўсқинлик қилади, деган фикрни олға суради. Унинг назарида давлатнинг кучайиши «очиқ жамият» кишиларининг эркин фаолият кўрсатиши, фикри, иродасини ифодалаши, қобилятини ишга солишга халақит беради. Унинг асосий сабаби давлат ҳукмрон мавқени эгаллаб, ҳокимият, мансаб идеаллаштирилади. Натижада давлат раҳбарининг фикри асосий фикр бўлиб, қолган фикрларни бўғади. Унинг фикрича, бу авторитаризмни юзага келтиради. Демак, чинакам демократияга амал қилмай қолади, дейди. К.Поппер Платон, Аристотел ва айниқса Гегел фалсафий қарашларини танқид қилиб, ҳар бир шахснинг фардий (индивидуал) фикри, интилиши ва дунёқарашини эътиборга олмай, балки муайян қолипдаги ғояларга ҳамманинг бўйсунганини талаб қилиб келганлар. Одамларни «Олий ҳақиқат» тарзида тақдим этиладиган ғоялардан халос этиш керак. Шунда шахс эрки таъминланади, дейди К.Поппер. Бундай фикр билан тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ғояларнинг мутлақлаштирилиши давлатнинг ва давлат раҳбари бўлган яқка шахсларнинг мутлақлаштирилишига олиб келади. Натижада бундай шахслар ўзларини нуқсонлардан холи, танқиддан юқори деб ҳис эта бошлайдилар. Бу эса жамият ва давлат орасида бегоналашувни юзага келтиради. Натижада тоталитар ғоя ҳукмронлик қилиб, турғунлик юз беради. Маддоҳлар, ахлоқий нопок одамлар мансабларни эгаллаб, соғлом фикрни бўғадилар. Бундай шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолади.



«Давлатни илоҳийлаштириш куллик ва истибдод ҳукмрон бўлган даврлардан қолган кишилар саждапарастлигининг энг ёмон кўринишидир<sup>13</sup>», деб ёзади К.Поппер. Умуман К.Поппернинг кўпгина фикрлари анча баҳсли. Бироқ, демократик тамойилларга амал қиладиган жамиятда бундай илоҳийлаштиришларга ўрин қолмайди. Аммо, шуниси борки, демократия шароитида ҳам давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида сақлаб қолинади ва унинг функциялари тўла амал қилади. Давлатнинг обрў-эътибори, нуфузи баланд бўлиши жамият тараққиёти учун зарур. Кучли, адолатпарвар жамият давлатсиз яшай олмайди. Негаки, давлат жамият барқарорлиги, миллат осойишталиги ва иқтисодий тараққиётининг бош ислохотчисидир.

Ҳар бир халқ ўзининг миллий мустақил давлати билан ўзлигини кўрсата олади. Халқаро ривожланиш шароитида бошқа мамлакатлар билан рақобат қила олади. Хуллас, халқ (миллат), мамлакат ва давлат тушунчалари ажралмас яхлитликдир.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатидаги мавжудлиги унинг миллий давлатчилиги тараққиёти билан биргаликда олиб қаралгандагина мазмун-моҳиятга эга бўлади. Тарихий тажрибалар айнан ўтиш даврида давлатнинг ислохотчилик роли бениҳоя катта бўлишини тасдиқламоқда. Шу маънода мустақил Ўзбекистон давлатини халқимизнинг иродаси ва руҳини ифодалайдиган, унинг бирлигини таъминлашдаги ўрни беқиёсдир.

Давлатни шунчаки маъмурий инструмент, бошқарув аппарати, холос деб талқин этиш етарли эмас. Бу таъриф демократия шароитида ҳам миллий бирлик ва халқнинг маънавий яхлитлиги, демак, уюшиб, жипслашиб, ривожланиш йўлига чиқишига халақит беради. Қолаверса, тараққиёт ҳам, демократия ҳам ўз-ўзидан содир бўлмайди. Мамлакат хавфсизлигини, осойишталигини таъминлаш, сиёсий манфаатлар тўқнашувида дадил туриб, миллий манфаатни ҳимоя қилиш давлат зиммасидадир.

Демократия шароитида, албатта давлат ва унинг таркибий қисми бўлган ҳокимиятга муносабат ўзгаради. Чунки ҳокимият жамият назорати

---

<sup>13</sup> В.Алимов. Таффакур журнали. 2003 .

остида бўлади. Сайлаш ва сайланиш механизмининг амал қилиши, давлат раҳбарларининг ҳисоб бериб туриши, матбуот эркинлиги, жамоат ташкилотларининг фаоллиги – буларнинг ҳаммаси давлатнинг мутлак ғояларга берилишига йўл қўймайди. Яъни шахс, жамият ва давлат ўзаро яқинлашиб боради, бир-бирига ҳисоб бериш кучаяди. Натижада шахс ва давлат манфаатлари уйғунлашиб боради.

Ана шундай шароитда миллий ғоя қандай аҳамиятга эга бўлади, у демократик кадриятларнинг халқ онгига сингиши ва жорийланишига тўсқинлик қиладими ёки давлатнинг илоҳийлашувига сабаб бўладими?

Бунга фақат «йўқ» деб жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, миллий ғоя - бу ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишли ғоядир. Миллий ғоя фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланади; миллий ғоя - жамият мафкураси, давлат мафкураси эмас;

Иккинчидан, миллий ғоя негизда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуси ётади. Демак, миллий ғоя ва миллий тараққиёт, юрт ривожини вобаста. Шу нуқтаи назардан ҳам юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш – пировард мақсадимиз» деган ҳикматли сўзида маъно кўп. Бу жумлада мустақилликнинг абадийлиги, демократик эркинликлар, Ватан равнақи, ҳар бир фуқаро ҳаётининг фаровонлашуви кўзда тутилади.

Учинчидан, миллий ғоя ҳеч нарсани, жумладан давлатни ҳам, алоҳида шахсларни ҳам илоҳийлаштиришни назарда тутмайди, балки халқнинг энг эзгу ҳис-туйғулари, интилишларини ифодалаб, бунёдкорлик ишларига рағбатлантиради.

Тўртинчидан, миллий ғоя аллақандай тоталитар хусусиятга эга мафкура эмас, у бирон бир шахс ишлаб чиққан ва зўрлаб жамиятга тиқиштираётган ёки тепадан туширилган «ягона ғоя» ҳам эмас. У халқнинг ўз тафаккури меваси бўлиб, миллий-маънавий негизга таянади.

Бешинчидан, миллий ғоя умумбашарий фикрлар, илмий ютуқларни жамлаб сингдиришни ҳам кўзда тутаяди. Европа мутафаккирларидан бири

К.Гельвеций ёзган эди: «Ватанга мухаббат бутун дунёга мухаббат билан мувофиқ келади. Илму маърифат нуридан бахраманд бўлган ҳар бир халқ бу билан ўз қўшниларига зарар етказмайди. Аксинча, давлатлар қанчалик маърифатли бўлсалар, улар ўзаро ғоялар, билимлар алмашишга мойил бўладилар ва оқибатда шу туфайли бутун дунё ақли ортиб бораверади». Шу боис миллий ғоя мамлакатни яққалаб қўяди, тараққиётни сусайтиради, дегувчилар хато қиладилар.

Шундай қилиб, миллий ғоя - миллий ривожланиш локомотиви. Турган гап, бунда давлатчилик ғояси, давлат ва унинг раҳбарига ҳурмат, миллий давлат салоҳияти билан фахрланиш ҳам муҳим ўрин тутди. «Бу – менинг халқим, бу – менинг «Ватаним», деб фахрланган одам «Бу – менинг давлатим» дея фахралана олиши ҳам керак. Давлат бир организм сифатида ўзини такомиллаштириб, демократик жамиятни ташкил этувчи куч сифатида ҳар доим миллат равнақига раҳнамо бўлиб туради.

Ўзбекистоннинг истиқлол давридаги ривожланиши, ўзига хос тараққиёт йўли буни исботлаб турибди.

Донишманд Гегель ёзган эди: «Халқ (миллат)нинг туб мақсади давлат бўлиш ҳамда ўзини шу ҳолатда сақлашдир. Халқ (миллат) давлатсиз ҳеч қандай тарихга эга бўлмайди... Давлат халқ ҳаётининг, яъни санъат, ахлоқ, дин, фаннинг асоси ва уларни атрофига тўплайдиган халқ руҳидир».

Гегел назарида ўзликни англашнинг олий кўриниши ҳам миллий ўзликни англашдир. Чунки, токи кишилар ўзларини бир тарих, бир руҳият, бир макон кишилари деб ҳис этмасалар ва шу асосда бирлашмасалар, тарих саҳнасига чиқа олмайдилар, зеро тарихнинг ўзи «миллатлар руҳининг рақобатлашувидир» (Гегел).

Демак, миллий ривожланиш омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Миллий ғояга асосланган бунёдкорлик, фидойилик ва ватанпарварлик.

2. Миллий-маънавий юксалиш ва илмий салоҳият, маданий даражанинг баландлиги.

3. Миллий якдиллик, сиёсий барқарорлик.
4. Мустаҳкам миллий давлатчилик асосларининг мавжудлиги.
5. Миллий ўзликни англашнинг юксак даражада бўлиши ва бошқалар.

Миллий ғоя демократия ва миллий давлатчиликнинг негизларини ташкил этади.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган маърузасида<sup>14</sup> кўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб этиб, таҳлилий назардан ўтказар экан, яқин йиллардаги муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида «жамият маънавиятини янада юксалтириш» деб эълон қилди. Хўш, бунинг энг устувор йўналиши ҳисобланмиш «мамлакат сиёсий, иқтисодий, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш» вазифаси билан қандай алоқаси бор? Айтиш мумкинки, бевосита алоқаси бор. Чунки сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш деган гап жамоат тизимларини, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш демакдир. Буни ким амалга оширади? Албатта фуқароларнинг ўзи. Шундай экан, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини танимасдан, фаоллашмасдан, сиёсий онги ошмасдан, чинакамига ватанпарвар, фидойи бўлмасдан бу вазифаларни адо эта олмайди.

Бу улкан вазифани бажариш учун ҳар бир фуқаро чинакамига фуқаролик бурчини англаган курашчан ва фаол бўлиши лозим.

Эркин фуқаро ва озод шахс қуйидаги тўрт жиҳатни, яъни:

- 1) ўз ҳақ-ҳақуқини танийдиган ва бунинг учун курашадиган;
- 2) ўз кучи ва имкониятларини ишга солиб унинг самарасини кўрадиган;
- 3) атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билдира оладиган;
- 4) шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритадиган бўлиши лозим.

Бу – Ўзбекистон ўғил-қизлари фазилатлари ҳақидаги замонавий аниқ ва

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. «Ўзбекистон» нашр. 1998. 18-бет.

тўлиқ таърифдир. Дикқат қилинса, бунда гап ҳар кун бизга керак бўладиган, ҳар биримизни ва бутун жамиятни безайдиган хислатлар ҳақида гап бораётгани маълум бўлади. Ушбу талаблар ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Демокчимизки, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган одам, ўз кучига таяниб имкониятларини ишга сола олади. Ўзи ҳам фойда кўради, жамиятга ва давлатга ҳам фойда етказа олади. Иккинчидан, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган одам ўз юртида бўлаётган ва унинг атрофида кечаётган воқеаларни таҳлил қилишни ўрганади, оқ-қорани ажратиб, яхши нима, ёмон нима – фарқига боради. Энг муҳими, мамлакат ва миллат манфаатини ҳимоя қила олади. Ўз ҳақини танимаган одам миллат ҳақ-ҳуқуқини ҳам танимайди, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатини ҳимоя қилишга қурби етмайди. Масала ана шу тарзда олиб қаралиши керак. Фуқаронинг камолоти бу юрт камолоти, фуқаронинг эркинлиги – бу юрт эркинлиги, деб тушуниш муҳим. Айнан ана шундай эркин, озод фуқаролар ижтимоий ҳаётни янгилаш, ислоҳ этишининг пешқадам кишилари бўладилар. Куюнчаклик, фикрий изланувчанлик, янгилик яратишга иштиёқ, бунёдкорлик янги авлоднинг фазилатидир. Бундай шахслар безовта қалби, беором тафаккури, эзгуликка йўналтирилган шуур ва шукуҳи билан халқни олға бошлайдилар, миллат руҳини уйғотадилар, кучига куч қўшадилар.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг, шу жумладан миллий ғояни ва миллий маънавий қадриятларнинг моҳиятини очиб бериш учун куйидагиларга аниқлик киритиш: тушунчанинг таърифи (дефиницияси);

– тушунчанинг тавсифи (характеристикаси); миллий маънавий қадриятларнинг мазмуни;

– уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши (эволюцияси);

– ижтимоий мақсади ва вазифалари (функциялари);

– тузилиши (структураси);

– амал қилиш усул ва воситалари (технологияси);

– шакллари ва кўринишлари таснифи (классификацияси) ва ниҳоят, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига таъсирини билиш лозим.

Қадрият тушунчаси – жуда кенг тушунча. Унинг бир қисми – маънавий кадриятлардир. Миллий маънавий кадриятлар – «миллийлик», «маънавият» ва «кадрият» тушунчалари кесишган нуқтада жамланган ижтимоий ҳодисаларни ўз ичига олади.

*«Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қиладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий зоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди».*<sup>15</sup>

«Миллий маънавий кадриятлар» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, зоялар ва меъёрлар миллий маънавий кадриятлардир.* Зеро, ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг *ифтихор манбаига* айланган дурдоналардир. Масалан, мисрликлар қадимий пирамидалар, французлар Париждаги Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду-Бухоро ва Хива билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий кадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Миллий маънавий кадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Буларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади.

Миллий кадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу кадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо

---

<sup>15</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 5-6-бетлар.

берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замона қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий маънавий қадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғаноқ бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилидир.

Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар орасида узвий алоқадорлик, ўзаро таъсир мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

*биринчидан*, миллий қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади;

*иккинчидан*, миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига миллий қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади;

*учинчидан*, миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуқтаи назаридан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади.

Маънавият, қадриятлар ва миллий ғоя - жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳаларидир.

Маънавият, миллий қадриятлар ва истиқлол ғоялари алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳаётида ҳам, жамиятдаги турли гуруҳ ва қатламлар фаолиятида ҳам, умуман инсоният тараққиётида ҳам катта аҳамиятга эга. Миллат ва давлат тараққиётининг маълум даврларида маънавият ва миллий ғоя энг долзарб, ҳал қилувчи омил бўлиб майдонга чиқади.

Шундай қилиб, маънавий қадриятлар - булар кишилар маънавий фаолияти маҳсули, билишнинг мураккаб жараёни натижаси ўлароқ, билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир. Бу қадриятларни таърифлаш оқибат-натижада инсон эҳтиёжлари, манфаатлари ва фаолият турларига боғлиқ бўлади. Маънавийлик бундай ҳолатда моддийликка қарама-қарши қўйилмайди. Маънавият инсон ҳаётий фаолиятининг таркибий қисми, унинг меҳнати ва шароитлар туфайли яратилган қобилияти сифатида намоён

бўлади. Ҳақиқий маънавийлик фақат жонли инсоннинг онгида, унинг тафаккуридадир. Бошқа маънавий қадриятлар эса инсон фаолиятининг натижаси бўлиб, маънавийликнинг меҳнат маҳсулотларига, моддий, предметли шаклга кўчгани ҳисобланади. Масалан, китоб, рассомлик асари - шунчаки оддий предметлар эмас, улар ёзувчи ва рассомнинг ижодий фаолияти гавдаланган. Бу нарсаларнинг маънавий жиҳатлари уларнинг моддийлиги узвий боғланган. Буларда алоҳида одам-ижодкор онги фаолияти моддийлашади. Бошқа томондан, нарса-ходисалар бу одам маънавий фаолиятининг натижаларини ҳам тарғиб этади. Бу ердаги биринчи ҳолат - ижод, иккинчи ҳолат - маънавий қадриятларни истеъмол қилиш бўлиб, инсоннинг маданий дунёси шу билан яратилади. Жамият тараққиёти жараёнида тўпланган бойликлар ўтмиш авлодлар қўлга киритган билим-тажрибаларни, маънавий фаолият маҳсулотларни ташувчилардир. Ўзбекистон истиқлолининг асосчиси Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини белгиловчи миллий маънавий қадриятлар масаласига жуда катта эътибор қаратилди. Халқимиз маънавиятини юксалтиришнинг илмий-назарий, фундаментал концепцияси ишлаб чиқилди<sup>16</sup>.

Айни пайтда, буюк келажакни яратиш йўлида халқни бирлаштириб, яқдил қила оладиган, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб, руҳий таянч бўла оладиган миллий ғояни шакллантириш муаммоси юртбошимиз Ислом Каримовнинг диққат назаридан бир дақиқа ҳам четда қолмади.

Маънавий қадриятлар ўзининг маънавийлик хусусиятига қарамасдан, барибир, моддий предметларда гавдаланган бўлади, онг билан борлик (турмуш), тафаккур билан ҳаракат, мақсад билан уни амалга ошириш ўртасидаги абадий қарама-қаршиликлар ана шундай йўл билан ечила борилади. Юқорида таъкидланганидек, кишилар ишлаб чиқаришни шунчаки эмас, балки ўз моддий эҳтиёжларини қондириш, истеъмол қилиш учун ташкил қиладилар. Моддий қадрият кишилар эҳтиёжларини қондириб,

---

<sup>16</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т: “Ғофур Ғулом”, 2009. 329 бет



моддий ҳоссалари ва моддий шаклига кўра ўз аслини сақлаб қолади. Мана шу моддий шакл йўқолса, маҳсулотнинг ҳаракати тўхтайдди, яъни фойдасиз бўлиб қолади.

Бинобарин, маънавият, қадрият ва миллий ғоя – халқнинг бугунги ҳаёти учун ҳам эртанги истиқболи учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган маънавий-ижтимоий соҳалардир.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётининг мақсадлари маълум бир қадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Миллий маънавий қадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Мисол учун, «Авесто»ни олайлик. Бундан 2700 йил муқаддам ўн икки минг мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган бу асар пайдо бўлиши учун ундан аввал ҳам камида неча минг йиллик давр ўтганлиги, теран ҳаётининг тажриба ва ҳикматлар тўпланганлиги шубҳасиз. Бу асар юксак маданий ҳаёт, фалсафа ва фан, ҳаттотлик ва муштарийлик ривожланиши натижасида яратилганлиги учун ҳам шу пайтгача ўз қимматини йўқотмади.

Даврлар ўтиши билан миллий маънавий қадриятлар ҳам ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб, бойиб боради. Замон руҳига ва тараққиёт талабларига мос келмай қолган меъёр ва талаблар инкор этилади. Янгича тасаввур ва ёндашувлар, фазилат ва одатлар ҳаётга кириб келади. Бунга кундалик ҳаётимиздан, турмуш тарзи - кийиниш, овқатланиш, тўй-хашамларни ўтказиш ва бошқалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Инсониятнинг охири ярим минг йиллик умри давомида жаҳон бозори пайдо бўлди, иқтисодиёт ва маданиятларнинг ўзаро таъсири кучайди. XXI аср бошига келиб ахборот технологиялари туфайли глобаллашув жараёни

янги босқичга кўтарилди. Бу шароитда миллий кадриятларга четдан бўладиган таъсир бекиёс даражада зўрайди. Бу таъсир, бир томондан, миллий маданиятларнинг бойиши, кадриятларнинг қайта баҳоланиши ва юксалишига, иккинчи томондан эса, миллатнинг руҳияти ва кадриятига ёт бўлган одат ва ҳаракатларнинг кириб келишига сабаб бўлди.

Биринчи Президентимиз И.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий маънавий кадриятларни юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бир тузумдан бошқасига ўтиш даврида аҳолининг руҳияти ва кадриятларида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Ўз умрини яшаб бўлган ғоялар ва мафкуравий ақидалар, замонга мос келмайдиган муносабат ва фазилатлар ўрнини янгилари билан тўлдириш осонликча кечмайди. Шуларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки миллий ўзликни сақлаш, тарихий хотирани тиклаш, келажакка комил ишонч ҳиссини уйғотиш учун маънавият, миллий маънавий кадриятлар бекиёс аҳамиятга эга.

Миллий маънавий мерос ва кадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илму-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт асарлари;
- ахлоқий фазилатлар;
- диний кадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий кадриятлар тизимида *тарихий мерос* ва *тарихий хотира* муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катта аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ўзбек халқи жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатлар қаторидан фахрли ўринни эгаллайди. *Маданий ёдгорликлар*,

*меъморчилик санъати намуналари, қадимий қўлёзмалар* – миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун энг қадрли ва муқаддас бўлган бойликлардир. Буларни авайлаб-асраш, келажак авлодларга етказиш маънавият соҳасидаги энг долзарб вазифадир.

*Илм-фан ва унинг ютуқлари* – миллий ёки ҳудудий чегарадан чиқадиган, бутун жаҳон эътироф этадиган, умуминсониятга хизмат қиладиган бойликдир. Бироқ олимнинг ижоди ва унинг илмий кашфиёти аввало унинг миллати ва Ватанини дунёга танитади, миллий қадриятни жами башариятнинг ютуғига айлантиради.

Миллийлик, халқнинг руҳияти ва маънавияти, айниқса, *санъат ва адабиёт* ривожда ёрқин ифодаланади. Эзгулик ва покликни, инсонийлик ва ҳаққонийликни қуйлаган буюк асарлар, қайси жанрда ёки қайси тилда яратилганидан қатъий назар, жаҳонга танилади, пировардида яна шу миллатнинг халқаро нуфузини юксалтиради.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида *ахлоқий сифатлар, диний қадриятлар* муносиб ўрин эгаллайди ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шарти, омили сифатида намоён бўлади. Ахлоқий ва диний қадриятлар аксари ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишида, ёш авлод тарбиясида бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Шуларни ҳисобга олиб, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов «Туркистон-Пресс» агентлиги муҳбирининг саволларига жавоб берар экан, маданий, маънавий, ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказишда диннинг беқиёс хизмати борлигини уқтиради: *«Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз»*<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Ҳар бир халқ, миллат яратган маънавий қадриятлар, унинг дунёга қараши ва ҳаётга муносабати, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, айниқса, *урф-одат ва маросимларда* тўлақонли намоён бўлади. Маросимчилик бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради, миллий ўзликни сақлашда,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999, 349-355 б.

ёшларни тарбиялашда, муайян ғояларни руҳиятга сингдиришда катта аҳамият касб этади.

*Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари* ҳам маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги канчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умумэтироф этилгандир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболни таъминлаш омилидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий кадриятларнинг ҳар бир таркибий қисми халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя - миллат тафаккурининг маҳсули, ижтимоий онгнинг юқори даражадаги шакли, халқ фалсафасининг ўзагидир.

Турли халқларнинг миллий ғояси уларнинг мақсад-муддаоларини, орзу-умиди ва ишонч-эътиқодини ифодалайди, айна пайтда муайян тамойил ва негизларга асосланиб ривожланади. Тарих сабоқлари гувоҳлик беришича, ўткинчи манфаат ва ғализ ниятларга таянган, ўзга халқлар ва юртларга тажовуз қилишни, босқинчиликни кўзлаган ёвуз ғоя ва мафкуралар миллат ва давлатларни таназзулга дучор этган. Фақат эзгу ғоялар ва юксак кадриятлар негизида шаклланган миллий ғоялар халқларни тараққиётга элтган.

Ўзбекистон халқининг миллий ғоя умуминсоний ва миллий кадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди.

«Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қуйидаги миллий хусусиятлар қайд этилган:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага - ҳурмат, кичикка - иззат;

- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;

- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо».<sup>17</sup>

Ўзбек миллий қадриятлари инсон ва миллат ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлади. Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму-хаё, ибодат каби бетакрор фазилатлар, халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятларини тавсифлаш орқали уларни бутун қадрият даражасида ўринга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи мобайнида оила, оилавий муносабатлар жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Турли даврлар буларга ўз таъсирини ўтказди. Моҳияти бир бўлса-да, турли халқларда оилавий муносабатлар турли хил шаклларда намоён бўлди.

Ўзбек оилаларида уч-тўрт, ҳатто беш авлод вакиллари (яъни, бобо-бувилар, ота-оналар, фарзандлар, неваралар ва чеваралар) ўзаро аҳилликда, баҳамжиҳат умр кечирадилар. Ҳар бир бўғиннинг ўз бурчи ва масъулияти, ўз эрки ва мавқеи бор.

**Оила – муқаддас.** Оила қуриш - ўта масъулиятли ишдир. «Оила – эскилик унсури эмас». У муқаддас, оилада миллат келажаги мужассам. Ёшларни тарбиялаш, камолотга етказиш, илм-ҳунар бериш, уйли-жойли қилиш - аксарият оилаларнинг энг олий мақсадидир. Ўзбекнинг ҳаётдан кўзлаган асл муддаоси - бола-чақали бўлиш, буларнинг тўйини, орзу-ҳавасини кўриш. Ёш авлодни ҳаётга йўллантириш, булар учун муайян бошланғич нуқта – старт позицияси яратиб беришга нисбатан муносабат турли миллатларда турличадир. Айрим халқлар менталитетида фарзандлар вояга етгач, оиласи, ота-онасини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун уйини тарк этади. Ўзи ҳам оила қуриб, фарзанд кўриб, уни катта қилганда – у ҳам авлодлар ворислигига чек қўйиб, оиласини тарк этади.

---

<sup>17</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 49-бет.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, **оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир**. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери-ни, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оила-нинг маънавий оламини ташкил этади<sup>18</sup>.

Ўзбекларда ёшлар учун жуда юқори старт позицияси яратиб, ҳаётга йўланади. Уйланаётган йигитга камида 1-2 хонали уй, турмушга чиқаётган қизга мебел жиҳозлари ва уй анжомлари тақдим этилади. Икки ёш фарзандли бўлгач, ўз навбатида, эстафетани қабул қилиб, кейинги авлодни ҳаётга тайёрлай бошлайди. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда ҳам вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади. Айни пайтда бу қадрият, ёшлардаги боқимандалик, беғамлик, ўз ҳаёти учун масъулиятни фақат катталарга топшириб қўйиш каби иллатларни инкор этади, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга иштиёқни рағбатлантиради. Аҳил оилаларда аксарият масалалар ўзаро фикр алмашув, маслаҳат ва кенгаш орқали ҳал этилади. Эр-хотин, қайнона-келин, ака-укалар орасида содир бўладиган баъзи ихтилофлар маҳалла ва қариндош-уруғлар воситачилигида бартараф этилади.

*Маҳалла* – ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбек халқи яратган энг катта ютуғи, оқилона шаклидир. Маҳалла – тарбия маскани, ҳар бир оилага таянч ва суянч эканлиги кўпчиликка аён. Ўзбек халқининг ҳаёти, кундалик турмуши, қадриятлари билан танишган холис фикрли хорижликлар маҳаллани ноёб қадрият, буюк кашфиёт сифатида эътироф этмоқдалар.

---

<sup>18</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. . 52 бет.

*Кўни-қўшничилик муносабатлари* узок тарихга эга бўлиб, асрлар давомида бу борада муайян кадриятлар шаклланган. Жаҳон тарихининг охириги бир неча асрида ҳукмрон бўлган бегоналашув жараёни бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган. Айрим ерларда қўшнилارга мутлақо бефарқлик юзага келган. Бундай ҳолатни олдини олиш муҳим.

Ўзбек халқининг кадриятлари тизимида қўшниларга муносабат катта ўрин эгаллайди. Халқ яратган мақол ва маталлар (мас., «ён қўшним – жон қўшним», «узокдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», «ҳовли олма – қўшни ол» ва ҳ.к) унинг бу масалада ўзига хос фалсафаси борлигидан далолат беради.

Яхши қўшничилик муносабатлари бузилган, арзимас сабаб билан қўшнилар юз кўрмас бўлган ҳолларда қанчалар теран миллий кадрият оёқ ости бўлганлиги, бағрикенглик ва муроса тамойили лат еганлиги аён бўлади.

*Кексаларга ҳурмат* - инсон ҳаётини тажрибаси давомида шаклланган кадрият. Жонли табиатда ҳаёт учун кураш қонунияти мавжуд. Насл қолдириш, янги авлодга меҳр қўйиш, уни оёққа турғазгунча жон фидо қилиш ҳоллари аксарият ҳайвонларда кузатилади. Аммо, қарияларни эъзозлаш, кексаларга эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатиш - инсоний фазилятдир. Буларсиз миллий ғоямизни тасаввур эта олмаймиз.

*Ривоят қилишларича, бир қабилада шундай одат бўлган экан: отаси қариб, кучдан қолгач, ўғли орқалаб, кимсасиз тоққа элтиб ташиларкан. Бир фарзанд отасига раҳми келиб, яширинча овқат олиб бориб, падарини ўлимдан сақлабди. Ўғлини паришон кўрган ота бунинг сабабини сўраганда, юртда вабо тарқалгани, чораси топилмаётганини билибди. Донишманд чол айтган йўл-йўриқ туфайли бало даф бўлибди. Яна бир пайт табиий офатдан, кейинги сафар душманнинг ҳужумидан қариянинг маслаҳатлари қабилани қутқарибди. Йигитнинг «доно»лиги сабабларини юртдошлари сўраганда, у ўлим жазоси хавф солса ҳам, отасини асраб қолганини, унинг ўғит ва маслаҳатлари ас қотганини айтибди. Шу-шу кексалар ҳурматини жойига қўйиш расм бўлибди.*

Катталарни ҳурмат қилишдек миллий қадрият, баъзан ёши ва илми улуғлар қолиб, мансаби юқориларга қуллуқ қилиш каби салбий ҳолатларни эътироф этмайди. Айни пайтда, халқ томонидан кўрсатиладиган юксак эҳтиром кексаларга ҳам катта масъулият юклайди.

*Аёл зотиға эҳтиром* – инсониятнинг ярмини ташкил этадиган хотин-қизларга бўлган муносабатнинг энг юқори чўққисидир. Тарихда аёллар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳукмрон бўлган давр матриархат деб аталган. Ҳукмронлик эркакларга ўтган даврларда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини камситадиган муносабатлар жорий этилган. Демократиянинг энг муҳим ютуғи – ҳар икки жинснинг тенг ҳуқуқли ва эркин бўлишини таъминлашдир.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар хотин-қизларга муносабатда асосий қонуннинг халқаро ҳуқуққа мос қоидаларига амал қиладилар. Ўзбеклар аёлга, аввало, Она, меҳрибон опа-сингил, ардоқли киз деб қарайдилар. Оилада аёлнинг ўзига хос мавқеи ва ўрни бор. Халқнинг бой маданий мероси, адабиёти, санъати ва фалсафаси миллий ғоясида акс этади. Шунингдек аёлларининг гўзаллик ва нафосати, уларнинг вафо ва садоқати тимсоли сифатида гавдаланади.

*Онага бўлган ҳурмат ва садоқат* – энг олий қадриятдир. Шунинг учун Ватанга, миллий тилга нисбат берилганда Она номи кўшилади. Миллий ғоя оналар учун, жамиятдаги барча аёллар учун фаровон ҳаёт, гўзал турмуш яратишни мақсад қилиб, хотин-қизларнинг эркинлиги ва ўз қадр-қимматини англаб етишига, ўз салоҳият ва имкониятларини юзага чиқаришига шароит яратишни бош ғоясида мужассамлаштирган.

Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўй-маслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маъ-навий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлур эди. Бу ҳақда гапирганда, мен мумтоз ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» аса-ридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик



фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-боболари-мизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эъти-бор берганига ишонч ҳосил қиламан.

Шу нуқтаи назардан караганда, бугунги кун-да ҳам юртимизда ана шундай гўзал ахлоқ мезонлари билан яшаб келаётган, ўғил-қизларини шу руҳца тарбиялаётган кўплаб ибратли оилалар барчамизда ҳавас уйғотиши табиийдир.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг бо-лажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб ту-ради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг Қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътиборбермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бу-тун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Акли расо ҳар қайси инсон яхши англайдикки, **бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.**

Шахсан менга «насл» ва «насиба» деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насиба-си бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом му-ҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур<sup>19</sup>.

Миллий ғояга маънавий пойдевор бўладиган миллий қадриятлар доирасига урф-одат ва маросимлар, уларга асос бўлган инсонийлик ва жамоачилик тамойиллари, ахлоқий фазилатлар киради. Унинг таянчи, негизи бўлиб ҳам хизмат қилади. Чунки, бу қадриятларда миллатни, халқни руҳи мужассам.

---

<sup>19</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 55-56 бет

Миллий маънавий қадриятлар ва миллий ғоянинг узвий алоқадорлиги уларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади.

Миллий ғоя маънавиятга таяниши, ундан ҳаёт ва озуқа олиши билан бирга, маънавий-руҳий ҳаётга ҳам ижобий таъсир ўтказди. Миллий ғоя қадриятларни янада юксалтириш, уларни одамларнинг онги ва қалбига сингдириш, истиклол ва истикболга хизмат қилмайдиган жиҳатларини бартараф этиш вазифаларини ҳам амалга оширади. Маънавий ҳаётдаги беҳисоб ҳодисаларни, қадрият ва неъматларни халқ манфаатлари ва эътиқоди нуқтаи назаридан баҳолаш - миллий ғоя мезонлари билан ўлчанади.

Миллий ғоя даставвал, ҳар бир инсон учун энг яқин бўлган оилавий муносабатлар – ота-она ва фарзандлар, ака-ука ва опа-сингиллар, қариндош-уруғлар орасидаги алоқаларни юксак маънавий қадриятлар асосига қуришни тақозо этади. Ўзбек халқи яратган, жаҳон аҳли эътироф этган бетакрор ва буюк қадрият – маҳалланинг ҳурмати ва эътиборини, унинг ўз-ўзини бошқаришдаги ролини ошириш ҳам миллий ғоянинг муҳим вазифасидир.

Оламда ўзи туғилган, вояга етган юртни Ватан деб билмайдиган, қаерда қорин тўйиб, тирикчилик ўтса - шу юртда қоладиган одамлар ҳам бор. Лекин, Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси – фақат етук ва фидойи, ҳақиқий ватанпарвар инсонларга хос бўлган улкан қадриятдир. Миллий ғояга садоқат - юксак ватанпарварликда, мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан равнақини таъминлашга шахсий ҳисса қўшиш истагида намоён бўлади.

Ўз миллатининг тили ва маданиятидан, шу миллатга мансублигидан ор қиладиган, унинг маданияти ва меросидан ўзини четга оладиган айрим кимсалар ҳам баъзан топилади. Аммо, ҳақиқий миллатпарвар инсон ўз халқи бошига кулфат келганда уни ташлаб кетмайди, миллий ғурур ва миллий орномусни ҳимоя қилишни, қадрлашни энг улуғ қадрият деб билади. Миллий ғоя бу қадриятни ҳар бир юртдошимизнинг онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиладди.

Дунёдаги ҳамма халқларда ҳам буни англаш ва қадрлаш туйғуси мавжуд, унинг турли кўринишлари бор. Масалан, меҳмоннавозлик миқёси ва

меъёри ҳаммада ҳар хил. Бу борада ҳам халқимиз ўзига хос маданият ва кадриятлар тизимини яратган. Ошна-оғайнигарчилик, дўст-дугона тутиниш инсоннинг руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг маънавий дунёсини бойитади. Ушбу кадрият ҳам турли халқларда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Бизнинг элда шоир Рудакийнинг: -«Жаҳон шодликлари йиғилса бутун – Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун», деган байти ҳам, Эркин Воҳидовнинг: «Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам», деган сатрлари ҳам бирдек такрорланади.

Маросимлар, урф-одат ва анъаналар ҳар бир халқнинг бетакрор бойлиги, меросидир. Инсоннинг ҳаёти, у туғилганидан бошлаб, вафот этгунга қадар турли маросимлар доирасида ўтади. Маросимчилик миллатнинг ўзига хослиги ва тарихий тажрибасини сақлаш ва анъаналарни келажакка етказиш воситасидир. Айни пайтда, миллий маънавий кадриятга айланган бундай урф-одат ва расм-русумлар замон талаблари асосида, миллий ғоя руҳида қайта баҳоланиб боради. Келажак тараққиётга аҳамияти бўлган кадриятлар алоҳида эътиборни талаб этади. Миллий маънавий кадриятлар таркибига кирувчи қисмларни ўзгармас ва бир даражада қотиб қолган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Булар доимо ривожланиб, ўзаро таъсир натижасида ўзгариб, давр руҳи ва миллий ғоянинг талаблари асосида янгиланиб, маънан бойиб, ривожланиб боради.

Миллий маънавий кадриятлар минг йиллар давомида шаклланган, тарих синовларига дош бериб, неча-неча авлодлардан ўтиб келаётган маънавий бойлик эканлиги шубҳасиз. Лекин бу бойликлар ўз-ўзидан ва осонликча кадриятга айланмайди. Улар жамият аъзолари, турли гуруҳ ва жамоалар томонидан ўзлаштирилганда, ҳаётий қўлланма сифатида қабул қилингандагина кадриятга айланади. Том маънодаги кадрият мақомини олиш учун булар шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ички дунёси ва турмуш тарзига сингиши, фаолиятини йўлга солиш ва баҳолаш мезонига айланиши керак.

Маънавий кадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш

авлоднинг «мулки»га айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истикболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади. Моддий ва маънавий бойликлар, агар миллий тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, чанг босган китоблар, нураётган осори-атиқалар, мазах қилинадиган удумлар даражасига тушиб қолади.

Жамиятдаги турли кишиларнинг, ҳар хил гуруҳ ва табақаларнинг маънавий бойликлар ва мезонларга муносабати турлича бўлади. Ҳар бир шахс ва гуруҳ ўз манфаатларидан келиб чиқиб, қадриятларни идрок этади, ўз тарбияси ва савиясидан келиб чиқиб, маънавиятни ўзлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши таълим ва тарбияни талаб қилади.

## **2. Миллий тараққиётда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш йўллари.**

Миллий қадриятлар ўтмиш мустабид тузум шароитида тазйиқ ва таҳқирга учраган, уларга «эскилик сарқити», «ўтмишнинг қолдиғи» деган тамғалар босилган эди. Ҳатто, болани бешикка белаш, исириқ тутатиш, махси-кавуш кийиш, оёқни сандалда иссиқ тутиш каби беғубор одатлар ҳам шу таҳқирдан четда қолмаган.

Мустамлакачилик сиёсати сохта қадриятлар, бегона таомилларни зўрлаб киритишга уринди. Халқимизнинг руҳи ва табиатига зид бўлган – ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, беҳаёлик ва андишасизлик иллатлари илдиз ота бошлади. Миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш миллатчилик деб баҳоланди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги маънавий қадриятларни юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Миллий ғоя бу қадриятларни тиклашни

янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

И.Каримов: «Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, кексаларга хурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур», деб таъкидлайди. «Нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимизга ҳамиша хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга гамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир». Лекин бу ҳаммага ҳам бир хилда хуш келмаётир. Бизни ўзимизга хос қадриятлардан маҳрум этишга уринишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. «Анъанавий қадриятлар»ни йўқ қилиб тараққиётга эришиш мумкин деган ғоя хавфлидир.

Маънавий қадриятларга хос хусусиятлардан яна бири тафаккур ва ҳиссиётнинг энг умумий шаклда намоён бўлишидир. Хоҳ санъатда, хоҳ фанда, хоҳ фалсафада бўлсин, бу нарса ўзига ҳос моддийлашади. Моддийлаштириш жараёнининг ўзи амалий фаолият бўлиб, малакалар, қобилиятларни гавдалантиришни тақозо қилади, у амалиёт сифатида эса маънавийликни моддий нарсаларга кўчиради.

Маънавий фаолиятнинг яна бир хусусияти шундаки, амалиёт ўзи чига ниҳоятда ранг-баранг меҳнат малакаларни қамраб олади, шу сабабли, маънавий қадриятларни яратишдан кўзланган асосий мақсад - бу моддийликни идеалликка «бўйсундириш»дан иборат бўлади. Масалан, рассом оламни бошқаларга ўхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатини билдиради. Бироқ «кўргани»ни, кечирганини, кузатишларини ҳамма ҳам моддийлаштира олмайди, бунинг учун, яъни ранглар билан ижод қилиш учун алоҳида қобилият бўлиши лозим. Гипотеза асосида олим ўз фикрларини эксперимент билан мустаҳкамлаш керак, эксперимент эса ўзига ҳос малакани талаб қилади. Муסיқачи учун қобилиятли бўлишдан ташқари яна ривожланган туйғу, чуқур эшитиш қобилияти ҳам зарур.

Томошабин, ўқувчи, мусиқа ишқибозларда санъат ва фан арбоблари даражасидаги ижодий малака етарли бўлмайди. Шу сабабли, асарнинг сиртки кўриниши ортида маънавийликнинг энг умумий жиҳатларини кўра олишларида қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Буни бартараф этиш учун улар ижоднинг барча «сир»ларини билиш керак; ижодкор асарининг предметли - сиртки пардасига барҳам бериб, ижодкор билан маънавий алоқага кира олиш зарур, бироқ бунинг учун маърифатли ва маданиятли киши бўлиши керак; фан, санъат асосларининг моҳиятининг тушуниш учун эса унинг қонуниятларини идрок эта олиш қобилияти зарур. Мактабда олиб бориладиган таълим ва тарбиянинг маъноси ҳам маънавий кадриятларни идрок этиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган, билимларнинг асосий соҳалари билан муомала қила олиш малакасини шақаллантиришни назарда тутуди. Моҳиятан, таълим маънавий кадриятларни ўзлаштириш йўли ҳамдир.

«Нур борки - соя бор» деганларидек, ўз фарзандлик ёки ота-оналик бурчларини унутадиган, муқаддас миллий кадриятимизни оёқ ости қилаётган айрим кимсалар баъзан учраб турибди. Ўзларини дунёга келтирган оталари ё волидаларини «Қариялар уйи»га жойлайдиган, фарзандларини «тирик етим» қилиб, «Меҳрибонлик уйи»га ташлаб кетадиган кимсаларда нафақат миллий ор-номус, оддий инсоф ва виждон, умуман, одамгарчилик йўқлиги миллий кадриятларимизга зид бўлган ачинарли хол.

Ўзбекистон давлати қарияларни кадрлаш, ёшларга гамхўрлик кўрсатишни ўз тараққиётининг устувор тамойили қилиб белгилаган. Бинобарин, турли сабабларга кўра боқувчисиз қолган кексаю-ёш ҳеч маҳал меҳр-мурувватдан четда қолмаслиги аниқ. Айни пайтда миллий ғоя ҳар бир ватандошимизнинг ўз фуқаролик бурчларини чуқур англаб етишини, инсонийлик ва меҳрибонликни энг эзгу кадрият сифатида эътироф этилади. Даҳшатли уруш йилларида юз минглаб етим болаларни асраб олиб, миллий бағрикенглигимизни дунёга танитган инсонларга муносиб бўлиш – миллий ғояга садоқатнинг амалий ифодасидир.

Миллий ғоя руҳига ёт бўлган салбий хислатлардан бири –

боқимандалик, лоқайдлик бўлиб, бу меҳнат кишиларининг ғайратини, ташаббусини бўғиб келган ўтмиш тузумдан мерос бўлиб ўтди ва ҳозир ҳам айрим кишиларнинг фаоллигига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Мустабид тузум шароитида халқнинг кундалик онги, ижтимоий руҳияти билан расмий мафкура орасида кескин тафовут, зиддият вужудга келган. Мунофиқликка асосланган, якка ҳукмронликни даъво қилган расмий мафкура реал ҳаётни, одамларнинг ҳис-туйғулари ва орзу-ниятларини акс эттирмай қўйган эди. Ижтимоий онгдаги бу узилиш натижасида одамларда ички норозилик ортар, вазиятдан чиқиш йўли йўқлиги учун тушкунлик, умидсизлик кайфияти кучаяр эди. Айримлар бу сохта ғояга ишонар эди.

Миллий ғоянинг муҳим вазифаси – келажакка комил ишонч, эркин ва фаровон ҳаётга умид ҳиссини тарбиялашдир. Халқимиз азалдан ноумидликни, руҳий тушкунликни қоралаб келган. Миллий қадриятларимиз орасида бориға шукур қилиш, йўғига сабр қилиш, ёруғ кунларни орзу қилиб, армонлар ушалишига ният қилиш устувор бўлиб келган. Қийинчиликлар олдида чекиниш, ғайрат қилиш ўрнига хасрат билан кун ўтказиш, пана-панада иғво-бўхтон тарқатиш миллий ғоя руҳига ёт, қадриятларимизга зид иллатлардир.

Халқимизга хос миллий хусусиятлар, айниқса, тўй-тантаналар ва марҳумни хотирлаш маросимларининг ташкил этилишида ёрқин намоён бўлади. Бундай маросимлар қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик ва ёр-дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлайди, киши учун энг даҳшатли бўлган ёлғизликни бартараф этади. Собиқ мустабид тузум чоғида тазйиқ ва таҳқирга учраган миллий урф-одат ва расм-русумлар мустақиллик туфайли қайта тикланди. Руҳий таянч ва мадад берадиган бундай маросимларни очиқ-ойдин, эмин-эркин адо этиш имконияти пайдо бўлди. Биз ўзлигимизни миллий қадриятларимизга садоқатсиз тасаввур эта олмаймиз. У тараққиётнинг, ўзига хос ва мос ривожланишнинг негизидир.

«Эркинлик – масъулият» бўлгани каби, миллий маросимчиликни ҳозирги замон руҳига мос равишда таҳлил ва таҳрир қилиш зарурати, миллий

ғояга мувофиқ тарзда ривожлантириш масъулияти вужудга келди.

Масалан, тўй ва маъракалардаги ортикча исрофгарчиликка, ким ўзарликка чек қўйиш, бу маросимларни маънавиятга хизмат қиладиган даражада файзли, фаровонликни таъминлайдиган даражада камхарж қилиб ўтказиш, уни миллий кадриятларимизга мос бўлиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам алоҳида таъкидланди.

Миллий ғоя миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланади. Умуминсоний кадриятлар – моҳияти эътибори билан аксарият халқлар эътиқод ва ҳурмат қиладиган, аммо генезиси (келиб чиқиши) га кўра бир ёки бир қанча миллатлар ҳаётидан олинган, умумэътироф этилган тамойиллар эканлиги шубҳасиз.

Муайян миллий муҳитда амал қилганлиги учун ҳам умумбашарий кадриятларда маълум даражада миллийлик либоси сақланиб қолади. Масалан, қонун устуворлиги миллий ғоянинг умуминсоний тамойили деб эътироф этилган. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган Ўзбекистон учун бу тамойилни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва аҳолининг барча қатламлари онги ва фаолиятига чуқур сингдириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўтмиш замонлардан мерос бўлиб қолган қонунга беписандлик, ундан устун туришга интилиш каби салбий ҳолатлар миллий ғоявий тарбия воситасида бартараф этилиши зарур. Айрим ёшлар онгидаги, қонунни менсимаслик гўё «зўравонлик» аломати, ҳуқуқ ҳимоясида туриши лозим бўлган шахс ва хизматлар қонунга риоя этмаса ҳам бўлади қабилидаги сохта қарашларни тугатишда миллий тарбия, ҳуқуқий саводхонлик ва сиёсий маданиятнинг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган кўп миллатли халққа хос бўлган миллий кадрият - бағрикенглик, ўзаро аҳиллик, маданий-маърифий яқинликдир. Халқимиз шовинизм ва агрессив миллатчиликнинг, мутаассиблик, жаҳолат ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларини катъиян инкор этади, буларнинг тараққиёт ва барқарорлик, маънавият ва



маърифат учун хавфини чуқур англайди.

XX асрнинг 90-йилларида ядро полигонига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга бўлган мафкуравий майдонда халқаро терроризм ва диний экстремизмга асос бўлган ақидапарастлик бош кўтарди. Одамларнинг онгини захарлашга, уларни ўз ғализ мақсадлари йўлида қурол қилиб, жамиятда беқарорлик ва низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилди. Ғоявий, мафкуравий иммунитетни тўлиқ шаклланмаган айрим ёшлар бегона ва сохта ғоялар домига илинганда, Юртбошимиз, жинойтчилик кўчасига адашиб кириб қолган ёшларга нисбатан халқимизга хос бағрикенглик ва мурувват қадриятини устувор билиб, уларнинг тавба-тазаррусини инобатга олишга даъват этди. Бу кўпгина ёшларимиз учун эркин, фаровон ҳаёт қуришда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб берди.

Миллий ғоя халқнинг кўнглидаги орзу-умидларни, мақсад ва интилишларни назарий тарзда ифода этади. Миллий ғоя мавзуси ва баланд-парвоз мавҳум орзулар эмас. У ҳар бир инсон, жамият олдида турган мақсадлардир. Миллатнинг туб манфаатлари, унинг ўз ўтмишига берган баҳоси ва келажакка ишончи миллий ғояда ўз аксини топади. Юксак маънавиятга, покиза ахлоққа, демократия тамойилларига таянган миллий ғоялар жамиятни ривожланишга етаклайди.

Ўзбекистон халқининг миллий ғоя, теран заминга, тарихий илдизларга эга бўлса ҳам, тизим сифатида мустақиллик шароитида шаклланди ва ривожланмоқда. Бинобарин, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш, қадриятларни юксалтириш омили ва мезонидир. Миллий ғоя янги давр қадриятларини, эркин жамият ахлоқини яратишга назарий асос бўлиб хизмат қилади. Маълумки, ахлоқий фазилатлар халқнинг ўз-ўзини идора қилиш, жамиятнинг юксалишини таъминлаш, баркамол шахсни вояга етказиш омили сифатида шикланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ватанга ва миллатга, ўз маданияти ва менталитетига, ўзига ва атрофдагиларга муносабатлар ахлоқ доирасига киради. Ватанпарварлик ва халқпарварлик – энг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлардандир. Миллий

ғояда Ватан равнақига, унинг гуллаб-яшнаши, озод ва обод бўлишига устуворлик берилган. Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси маданий меросимизда салмоқли ўрин эгаллайди. Қай бир буюк мутафаккир ва шоирни олмайлик, унинг ижодида Она-юрт, жонажон ўлка, қадрдон гўша фахр билан куйланган. Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари Ватанга бўлган беқиёс мухаббатнинг ёрқин ифодасидир:

*«Боқингиз, бир тараф Рус, бир тараф Чин,*

*Демасмен: Ҳинд ё Эронни ортуқ.*

*Ватан бўлмас, ёронлар, бизга лекин*

*Қадим тугости шу Турондин ортуқ».*

Ҳозирги дунёда меҳнатсиз фаровонликка эришган халқ йўқ. Ривожланган тузумлар, давлатлар ва миллатлар тараққиёт чўққисига фақат самарали, ижодий, тинимсиз меҳнати билан кўтарилган. Меҳнатсеварлик – ҳам шахсий, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятга айланган. Миллий ғоя бу қадриятга алоҳида баҳо беради, уни буюк келажакнинг ишончли гарови деб эътироф этади.

*Меҳнат – инсон фаолиятининг энг муҳим тури,* фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий шартдир. Лекин меҳнатга муносабат, унинг роли ва аҳамияти турли давр ва доираларда турлича талқин этилган. Аксарият одамлар яхши яшаш учун зарур бойликларни меҳнатдан топишга ҳаракат қиладилар. Булар учун меҳнат ҳаётий эҳтиёжга айланган. Баъзи юртларда, меҳнат қилишга зарурияти ва иштиёқи бор қанча одамлар ишсизликдан азоб чекадилар. Айримлар эса, ишёқмаслик ва текинтомоқлик домида юрадилар.

Ўзбекистонда меҳнат қилиш ҳуқуқи Конституция билан қонунлаштирилган. Ҳар бир фуқаронинг ҳалол меҳнат қилиши унинг муқаддас бурчига айланган. Меҳнаткаш инсонни қадрлаш маънавий юксаклик ифодаси деб тан олинган. Меҳнат ва унинг неъматларини қадрлаш, илму-урфон, маърифатга интилиш, касб-хунар эгаллаш каби фазилатлар ҳамма миллатларда, шу жумладан ўзбек халқида ҳам юксак эътиқодга айланган. Меҳнатсеварликнинг акси бўлган ишёқмаслик, дангасалик,

лоқайдлик ўткир танқид тиғи остига олинган. «Бекорчидан худо безор» дейди халқимиз. Бекорчилик - ҳамма иллатнинг негизидир.

*Таълим-тарбия масаласида муҳим ўринга эга* ва инсоният пайдо бўлгандан то ҳозиргача долзарб бўлган ва бўлиб қолади. Халқимиз бу борада ҳам ўзига хос фалсафа, бетакрор меросга эга. Зардуштийликнинг асосчиси Спитама шундай деб ёзган: «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиши ва сўнгра ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин».

Ўзбек халқига хос азалий қадриятлардан бири – сабрдир. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, «Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмоқликни айтилу... Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдур». Қуръони каримда: «Аллоҳу маъ ас-собирийн», яъни худо сабрлилар билан биргадир» дейилган. Халқимиз «Сабр қилсанг - етарсан мурадга» деб бежиз айтмаган.

Сабр билан боғлиқ ва унга яқин тушунчалар – қаноат, тоқат, чидам, бардош кабилардир. Сабр қилиш – узлатга чекиниш, ҳаракат ва фаолликни сусайтириш, нуқсонларга муросасоз бўлиш деган маънони англатмайди. Сабр-бардош, миллий ғоя руҳида талқин қилинса - қатъият ва чидам билан меҳнат қилиш, қийинчиликларни енгиш, нафсни жиловлаш, ҳасратдан йироқлашиш, илм-фан сирларини эгаллашдир.

Ўзбек халқига хос бўлган, бошқа тилларга таржима қилиш мушкул бўлган қадриятлар – савоб, мурувват, саҳоват, андиша каби тушунчаларда инсоний моҳият мужассамлашган.

Савоб, кенг маъно ва дунёвийлик касб этган, халқнинг иймон-этиқодидан чуқур ўрин олган тушунчадир. Савоб ахтариш, савоб ишлар ва беминнат яхшилик қилиш – маънавиятнинг юксак белгиси, энг халқчил қадриятдир. Биринчи Президентимиз И.Каримов халқ фалсафасидан келиб чиқиб, «савоб ишни ҳар ким, ҳар вақт қилиши керак», деб таъкидлайди.

Меҳр ва мурувват – инсонийликнинг ажралмас белгиларидир. Меҳр

тушунчасига муҳаббат, садоқат, оқибат каби тушунчалар ҳамоҳанг бўлиб, буларнинг ҳар бирида халқ донишмандлиги ва миллий қадриятлар ўз ифодасини топган. Мурувват эса, саҳоват ва раҳмдилликни, ўзгаларга шафқатли бўлишни, қўли очиглик ва бағри кенгликни ҳам англатади.

Ўзбекистонда 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб номланиши, бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги даврда бу ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Миллий ғурур ва ор-номус, даставвал, ҳар бир инсон учун зарур бўлган уят, ҳаё, рўй-хотир, андишадан бошланади. Халқимиз уят-андишани қанчалик эъзозласа, ортиқча андишасизлик, бетга чопарлик, беҳаёликни шунчалар қоралайди.

Ҳалоллик - инсоният яратган энг олижаноб ахлоқий фазилатлардан биридир. Қадимги ривоятларда харом-харишдан ҳазар қилмаган, ахлоқсизлик ва разолат домига тушган қабила ва қавмлар бўлганлиги, булар ҳалокатга муҳкум этилганлиги баён қилинган. Инжилда Содом ва Гоморрани Парвардигор айнан харом ишлари учун жазолагани айтилган. Ҳалоллик жамият ҳаёти ва инсон турмушининг ҳамма жабҳаларида ўз аксини топади. Ватанга ва миллатга муносабатда ҳам, сиёсат ва иқтисодда ҳам, меҳнат ва роҳатда ҳам ҳалоллик, тўғрилиқ бўлиши маънавиятдан далолат беради. Овқатланиш ва кийинишда, муомала ва муносабатда поклик, ҳалоллик устувор бўлиши лозим. Маърифат бахт-саодатга, фаровонликка элтади. Маърифатсизлик эса жоҳилликни туғдиради.

Одиллик ва ҳақиқатпарварлик, ростлик ва тўғрисўзлик, жамиятда «бутун ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг бош ғояси» бўлган адолат ва ҳақиқатнинг намоён бўлишидир.

Тарихда адолатсизлик, ҳақсизлик, мунофиқлик ҳукм сурган даврлар кўп бўлган. Абдулла Авлоний: «Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру. Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидур. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлуб, тарих саҳифаларида фақат исмлари

қолганлиги ҳаммага билгулидир», деб уқтирган. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, кадр-қиммати, эркинлиги, манфаатлари - ҳозирги жамиятимизда адолат мезони бўлиб ҳисобланади. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши лозим. Миллий ғоя кучли давлатдан кучли жамият сари боришнинг маънавий омили – адолатдир, деб талқин қилади.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган миллий маънавий қадриятлар миллий ғояга маънавий замин, негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Унга амал қилмаган халқ, миллат, жамият ўзининг тараққиёт йўлини, ўзлигини йўқотади.

### **3. Ёшларни миллий-маънавий қадриятларга ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.**

Ҳозирги даврда бунёдкор ва бузғунчи ғояларнинг ўзаро кураши кучайганлагини алоҳида эътироф этиш лозим. Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиш шарт. Акс ҳолда, у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос.

Бир сўз билан айтганда, бундан ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлайтирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун, ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан илмий истеъмолга бир

қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этнш лозвм. Улар қаторнда "мафкуравий иммунитет", "мафкуравий профилактика" кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характернўй янада яққолроқ тасаввур қилшп имкони туғилади.


Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Хўш, мафкуравий полигон деганда нимани тушунамиз? Полигон (грек. «серқирра» деган маънони билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда полигон деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш, ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб борнш учуй мўлжалланган махсус майдон тушунилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий полигонларнинг хусусиятлар ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашб борганини кирамиз. У найзалардан токи автоматик қуролларгача замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етнб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йилини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилншга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўз ҳудудларини забт этиш учун уларнинг аҳолнеини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари "маъкул" йўналншга ўзгартирилган аҳоли кўмаганда ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилнш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимнз ичида ўзларининг ғайри исломий ғоялариви тарқатишга ҳаракат қилган кимсалар ана шундай ғаразли мақсадларини, яъни одамлар, айниқса ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққнёт йўлидан четлатиб юборишини кўзда тутган эдилар. Чет элларда ана шундай "таълим" олган ваҳҳобийлар, шунингдек "ҳизбут таҳрир"чиларнинг ёшларимиз онгини

захарлаш йўлидаги ҳаракатларни ҳам, айнан шундай баҳолаш мумкин. Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайри инсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун алоҳида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Иммунитет - тиббиёт атамаси бўлиб, организмнинг турли касалликлардан узин и ҳимоя қила олиш қобилиятини англатади. Мафкуравий иммунитет - онг ва тафаккурнинг шахсни турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир:



Киши жисмонан қанча бақувват бўлса, унинг организми турли касалликларни улар авж олмай тез бартараф эта олади. Шунингдек, инсон онгти қавча соғлом бўлса, у турли бузғунчи ғоялар таъсирига берилмайди. Организм микробларни енгса, онг ёвуз фикрлар, ташвиқотларни бартараф этади. Мафкуравий иммунитетнинг асосий қуроли объектив бнлвмлар ва маънавин қадриятлардир.

Иммунитет (латинча - озод бўлиш, қутилиш) деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кнриб келишидан қимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли юқумли касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам нфодоланди.

Инсоннинг бутун ҳаётини давомида ташқи таъсирларга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет қақдаги ана шу тасаввурлардан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет қақда нима дейиш мумкин?

Профилактика ҳам тиббиёт атамаси бўлиб, касалликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ифодалайди. Мафкуравий профилактика эса ондаги мафкуравий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган ғоявий- тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуаси, яхлит ғоявий тизимдир. Умуман, кўпгина тиббиёт атамаларини мафкура соқасида кўчма маънода жуда самарали қўллаш мумкин. Чунки тиббиёт инсоннинг жисмоний, илғор мафкура маънавий соғлиғини учун курашади. Бу тушувчалар қақда кенгроқ тухтайдиган бўлсак, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик).

Мафкуравий профилактика - ижтимоий институтлар томондан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш, ёки бирон-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли таъсирдан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бундай ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул йўлларида фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади:





Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда, ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора - тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собит кадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотнишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурави халқ қалби ва онгига сиғдирнишга хизмат қиладиган ихтимойий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрига эта.

Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни, тарғиб-ташвиқ этувчи эртақлару дostonлар, кўшиқлару. рақслар, турли кўриниш мазмундаги маънавий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари дир.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва бнринчн унсури, бу билимдир. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизмн, ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян "билим"ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидагин билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моқият эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий қисми билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сиз билан айтганда, шахс, миллат, ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларинн белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маданий - маърифий соқалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Яъни ҳар бир киши каби халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англланган, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоқ алоқида инсон, хоқ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пиншона кўринишдаги мафкуравий тазйикдарга бардош бериши амри мақолдир.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз моҳиятига кўра ёт гоъларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотншга

қаратилгац. чора - тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма - хил шаклларда вжтимоинн институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий - тарбиявнй, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соқада тўғри ташкил этилган таълим - тарбия тизимини қамраб олади.

"Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф - одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан қукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йилида фойдаланишга қаратилган интилиш ва қаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар", - деб ёзади Биринчи Президентимиз.

Шундай экан, вояга етмаган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларндан бнри бўлиб қолаверади.

### **Назорат саволлари:**

1. Мустақил тараққиётни миллий маънавий тикланиш ва ўзликни англаш билан боғлиқлиги
2. Мустақил тараққиётда қадриятларнинг тутган ўрни
3. Мустақил тараққиётда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги
4. Ёшлар мустақил тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи
5. Ёшларни миллий маънавий қадриятларга муносабати ва мустақил тараққиёт

## **5-мавзу. Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболлар**

### ***РЕЖА:***

- 1. Миллий ғоя назариясини ҳаётга тадбиқ этишда назария ва амалиёт бирлиги принципи.*
- 2. Назарияни амалиётга мос келишидаги асосий шарт-шароитлар омиллар.*
- 3. Миллий ғоя назария ва амалиёт бириликни таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти ва истиқболлари.*

### **1. Миллий ғоя назариясини ҳаётга тадбиқ этишда назария ва амалиёт бирлиги принципи.**

Фалсафа ва ҳозирги замон. Фалсафа нафақат инсоннинг азалий муаммолари ва ғам-ташвишларини, балки унинг сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсирида тобора жадалроқ суръатларда, шу жумладан дунё миқёсида ўзгараётган реал ҳаёти кундалик амалиётини ҳам акс эттиради. Шу муносабат билан юзага келаётган янги ҳодисалар, ғайриоддий қийинчиликлар ва алоҳида шароитлар олимларнинг ҳам, файласуфларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Бунда фалсафанинг фандан устунлиги шундаки – у ўз хулосаларида тафсилотлар ва муайян далилларга маҳкам ёпишиб олмайди, айрим, узук-юлуқ ва ўткинчи нарсаларни осонгина четлаб ўтадики, бу унга асосий эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш, ривожланишнинг энг муҳим омиллари ва асосий жараёнларини қайд этиш имконини беради. Фалсафанинг мазкур фазилатлари инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ёки «жамият-табиат» тизимида юзага келаётган мураккаб, комплекс вазифаларни ҳал қилишга мажбур бўлаётган ҳозирги шароитларда

алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан фалсафий таҳлилнинг, муҳим нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан, қонуний нарсаларни тасодифий нарсалардан фарқлаш, тарихий ривожланишда объектив жараёнларнинг субъектив омиллардан фарқи каби усуллари ва методлари ҳозирги замонда инсоният дуч келган оламшумул муаммоларни назарий англаб етиш ва амалда бартараф этиш учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув ҳодисаси. Ҳозирги давр ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун XX аср бошигача жаҳон тарихи асосан мустақил ривожланган ва бир-бирига жиддий таъсир кўрсатмаган цивилизациялардан иборат бўлганини назарда тутиш муҳимдир. Ҳозирги замонда дунё сўнгги юз йиллик ичида юз берган жамият ҳаёти барча жабҳаларининг фаол интеграциялашуви натижасида сезиларли даражада ўзгарди ва яхлит бир бутун организмга айланди. Бунинг оқибати ўлароқ, айрим халқлар ва бутун инсониятнинг ижтимоий онгида глобал жараёнлар ва уларнинг таъсирида юзага келган умумий (дунё миқёсидаги) муаммолар билан белгиланган жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйгани, у аввалги босқичлардан нафақат ўзгаришлар миқёси, балки фаоллик даражаси ва универсал хусусияти билан ҳам фарқ қилиши аён бўлди.

Бу ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек уларнинг сабаблари 1990-йилларда глобаллашув (лот. globus – ер курраси) деб номланди. Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир. Шунингдек глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу қабилар билан тавсифланади.

Глобалистика. Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиш борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида

юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий тадқиқотлар соҳаси – глобалистика пайдо бўлишига олиб келди. Кенгрок маънода «глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан уларнинг натижаларини, шунингдек уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда амалга жорий этиш борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, глобалистика одатда илмий билимнинг табақаланиши натижасида ёки турдош фанлар туташган жойда пайдо бўладиган айрим фанлар қаторига қирмайди. Унинг вужудга келиши замирида карама-қарши жараёнлар – ҳозирги замон фанига хос бўлган интеграциялашув жараёнлари ётади. Глобалистика тадқиқотлар ва билишнинг шундай бир жабҳасики, бу ерда турли фанлар бир-бири билан узвий алоқада, ҳар бири ўз предмети ва методи нуқтаи назаридан, глобаллашувнинг турли жиҳатларини таҳлил қилади, глобал муаммоларни бир-биридан алоҳида ва яхлит тизим сифатида ўрганиб, уларнинг ечимларини таклиф қилади.

Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида 1960-йилларнинг охирларида шакллана бошлади, лекин унинг пайдо бўлиши учун объектив асослар анча олдин юзага келган эди. Глобал жараёнларнинг шаклланиш тарихи. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишонларига XV аср охирларидан бошлаб дуч келиш мумкин, XIX аср бошига келиб эса у амалда реал шакл-шамойил касб этди. Бу пировардида ягона географик, маълум даражада иқтисодий ва сиёсий жаҳон майдони шаклланишига олиб келган Буюк географик кашфиётлар юз берган давр эди. Айни шу даврда дунёни тушунишга нисбатан геоцентрик ёндашувлар гелиоцентрик ёндашувларга ўрин бўшатди, инсоният эса, ниҳоят, кун ва туннинг алмашишини тўғри талқин қилишга муваффақ бўлди. Фан

фалсафадан ажралиб чиқиб, билимлар тўпланиши ва техниканинг ривожланишига кучли туртки берди, фан-техника тараққиёти ва саноат инқилоби юз беришига сабаб бўлди. Сўнги зикр этилган воқеалар пировард натижада инсоннинг табиатни ўзгартирувчи имкониятлари ва унинг атроф муҳит билан муносабатини бутунлай ўзгартирди.

Ер курраси шар (глобус) кўринишида эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб инсоният ўз тарихида биринчи бўлиб савдо-сотик соҳасида дунё даражасига чиқди ва дунё миқёсида халқаро муносабатларга асос солди. Айни шу даврда илк трансмиллий савдо компаниялари вужудга келди. Тез орада уларнинг фаолияти соф савдо чегарасидан ташқарига чиқди ва улар кулларни қўлга киритиш ва уларни эксплуатация қилиш, босиб олинган ҳудудларда плантациялар ва манзилгоҳлар барпо этиш жараёнида иштирок эта бошлади, ниҳоят, ўз давлатлари амалга ошираётган мустамлакачилик сиёсатининг асосий ижрочисига айланди.

Буларнинг барчаси жиддий миграция жараёнлари юз беришига ҳам сабаб бўлди; хусусан, мустамлакачилар қора танли кулларни Африкадан Америкага оммавий тарзда ташиб келтира бошладилар ва шу тариқа унинг демографик таркибини бутунлай ўзгартирдилар. Шунинг ўзиёқ глобаллашув турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан аввалбошдан узвий боғлиқ бўлган, деган хулосага келиш имконини беради.

XVII аср бошларига келиб шарқ ва ғарб савдогарлари улкан ҳудудларни ўзлаштирдилар ва деярли бутун дунё бўйлаб жойлашдилар. Шу тариқа улар инсоният тарихида биринчи бўлиб ягона глобал иқтисодий ва сиёсий тизимнинг зарурий асосларини яратдилар ва мазкур тизим шаклланиши учун замин ҳозирладилар.

Шундай қилиб, XV-XVI асрларда юз берган буюк географик кашфиётлар жаҳон тарихининг ривожланиш жараёнида туб бурилиш ясади ва «Европа сиёсатининг кескин, мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келди. Дунё чегаралари муайян даражада кенгайди. Эндиликда Европа мамлакатлари ўртасидаги турли зиддиятларга мустамлакалар учун курашда

рақобат ҳам қўшилди» . Шу тариқа янги халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларга, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирига ва Ғарбий Европа денгиз давлатларининг ўзлари кашф этган ер куррасининг турли ҳудудларидаги экспансиясига асос солинди.

Фундаментал глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Айни шу даврда дунёни иқтисодий бўлиб олиш яқунланди ва бунинг натижасида турли мамлакатлар ва халқларнинг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган мутлақо янги тусдаги кескин халқаро муаммолар юзага келди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётни, балки алоқа ва коммуникация воситаларини, шунингдек маънавий жабҳа – маданият, фан ва фалсафани ҳам қамраб олди. Турли-туман халқаро ташкилотлар, форумлар, съездлар, конгресслар вужудга кела бошладики, бунга ўша даврда алоқа ва оммавий коммуникация воситаларининг фаол ривожланиши ҳам имконият яратди.

Шундай қилиб, амалда бутун дунё кучли давлатлар ва йирик монополиялар ўртасида кескин кураш ва таъсир доираларини бўлиб олиш майдонига айланди ва бу пировардда Биринчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Бу урушда жаҳоннинг кўп сонли халқлари бевосита ёки билвосита иштирок этди, чунки шу давргача дунё миқёсида юзага келган иқтисодий ва сиёсий боғлиқлик сайёранинг бирорта ҳам йирик давлатига урушдан ёки ҳеч бўлмаса унинг таъсири ва оқибатларидан бутунлай четлашиш имконини бермас эди. Бу мазкур даврдан эътиборан тарих фақат Европа тарихи ёки, айтайлик, алоҳида Хитой, Россия, Америка, Ғарб, Шарқ тарихи бўлибгина қолмасдан, инсоният тарихига, яъни том маънодаги жаҳон тарихига ҳам айланганидан далолат беради.



1918 йилда Биринчи жаҳон урушининг тугаши халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати юзага келишига сабаб бўлди ва турли давлатларнинг урушдан кейинги муносабатлари, манфаатлари ва қарама-қаршиликлари янада тарангроқ тугунга боғлаган оқибатларга олиб келди, шу тариқа бутун дунёни барча асосий кўрсаткичлар бўйича жаҳон ҳамжамиятига айлантирди. Пировардда Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда глобаллашув жараёнлари янада бўртиброк намоён бўлди. Бу даврда, глобаллашувнинг асосий белигилари:

биосферага антропоген таъсирнинг кучайиши ва инсоннинг реал «геологик куч»га айланиши;

оммавий маданият, аввало кино, мусиқа, адабиёт, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида фаол ривожлана бошлаши;

телевизорнинг ихтиро этилиши, вақт ўтиши билан у оммавий маданиятнинг асосий тарғиботчисига ва глобаллашув рамзига айланиши;

макон ва вақтни илк бор инсоннинг кундалик ҳаёти кўрсаткичларига қадар узил-кесил «қисқартирган» ҳаво кемаларида қитъалараро қўнмай, тўғри учиб ўтишларларда намоён бўлди.

Аммо ечилмаган зиддиятлар ва умумий боғлиқликнинг кучайиши инсоният тарихидаги энг катта ва давомли уруш – Иккинчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Бу сафар дунё миқёсидаги урушда Ер аҳолисининг тўртдан уч қисми иштирок этди, Биринчи жаҳон урушига қараганда бир неча баравар кўпроқ қурбонлар берилди.

Дунё миқёсидаги жараёнларнинг глобаллашуви нуқтаи назаридан бу урушларнинг иккаласи ҳам амалда айни бир глобал урушнинг турли босқичлари эди. Уларнинг ўртасидаги фарқ фақат миқдор кўрсаткичларида кўринади. Моҳият эътибори билан, иккала уруш ҳам айни бир масалаларни ечиш – XX аср бошида бўлиб олинган, яхлит ва ўзаро боғланган дунёни қайта бўлиб олишга қаратилган эди. Уруш олиб бориш усуллари ҳам деярли бир эди, фарқи эса, техник жиҳозланиш даражаси ва миқёси Иккинчи жаҳон урушида бир неча баравар юқори, мафкуравий таъсир эса аввалги урушда ё

мавжуд бўлмаган радио, телефон, ё ҳали яхши ривожланмаган авиация, денгиз, темир йўл, автомобиль транспорти алоқа ва коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш билан кўп қарра кучайтирилишида намоён бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам, худди аввалги жаҳон урушидек, урушдан кейинги дунёвий тартибнинг ўзига хос хусусиятига айланган бир қатор оламшумул оқибатларга олиб келди. Уларнинг орасида энг муҳими шу бўлдики, уруш мутлақо янги қурол тури (атом ва реактив қурол) яратиш борасидаги тадқиқотлар ва амалий ишларни рағбатлантирди. Мазкур даврда уларнинг илк намуналари жанговар синовдан ўтказилди ва инсониятга бутун дунёни харобазорга айлантириш ва барча тирик мавжудотларни қириб ташлаш учун чексиз имкониятлар яратди. Фан-техника тараққиётининг айна шу ютуқлари кейинчалик «совуқ уруш» даврида авж олган қуролланиш пойгасининг моҳияти ва мазмунини белгилаб берди ва сайёрамизнинг нозиклиги ва маконда туташлигини амалда намоён этди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошқа бир оқибати жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий соҳасида юзага келди ва у турли-туман халқаро ташкилотларнинг мислсиз даражада ўсишида намоён бўлди. Уларнинг орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), ҳеч шубҳасиз, ажралиб туради. Европадаги интеграция жараёнлари ҳам урушнинг тугаши билан боғлиқ бўлиб, Буюк Британия бош вазири У.Черчилль Европа қўшма Штатларини тузишга чақирган 1946 йилни уларнинг санок боши деб ҳисоблаш мумкин.

Бош ҳарбий жиноятчилар гуруҳи ва нацистларнинг асосий ташкилотлари устидан ўтказилган Нюрнберг суд жараёни яна бир муҳим тадбир ва айна вақтда халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида дунё миқёсидаги ҳамкорликнинг илк тажрибаси бўлди. Бу жараён 1945 йил 8 августда ғолиб мамлакатлар – СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан ташкил этилган тарихдаги биринчи Халқаро ҳарбий трибунал томонидан амалга оширилди ва ҳозирги халқаро суд тизимини

ташқил қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Айни шу даврда либерализм ва демократия ғоялари дунё миқёсида кенг тарқала бошлади, ижтимоий борлик асосларини, жамиятнинг ахлоқий негизлари ва ижтимоий ривожланишнинг асосий тамойилларини қайта англаб етишга қаратилган жиддий тадқиқотлар ва назарий ишловлар мажмуи пайдо бўлди.

Глобаллашувнинг серқирралиги. Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи кадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши глобаллашув серқирралиги босқичига хос хусусият ҳисобланади. 1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Айни шу даврда ахборот-технология инқилобининг ривожланиши жадаллашди, миф, дин, фалсафа, фан, экология билан бир қаторда глобал онг ижтимоий онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди.

Глобаллашувнинг серқирраги жаҳон бозорини сезиларли даражада ўзгартирди, жаҳон хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, миллий хўжаликлардан кучлироқ ва муҳимроқ тус олишига имконият яратди. Қуйидагилар глобаллашув серқирралигининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади:

«резонанс эффекти»нинг пайдо бўлиши, бунда иқтисодий юксалишлар ёки тангликлар бир мамлакатдан у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа мамлакатлар ва минтақаларга ўтади;

турли товарлар ва хизматлар жаҳон бозорларининг яратилиши;

кўрсатилган товарлар ва хизматларга жаҳон нархларининг шаклланиши, улар мазкур товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарувчиларининг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаши.

Иқтисодиётнинг интернационаллашуви ва пул ролининг унификациялашуви билан бир қаторда оммавий жамият ва унга мос келувчи оммавий маданиятнинг шаклланиши серқирра глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятига ва муайян даражада унинг қонуний маҳсулига айланди.

Замонавий транспорт ва алоқа воситалари шарофати билан макон ва вақт омиллари амалда муҳим аҳамиятга эга бўлмай қолган глобаллашув шароитида, тил турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, маиший ва ҳоказо алоқалари ва мулоқоти йўлидаги охириги жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Умумий қабул қилинган тилга объектив эҳтиёж доимо мавжуд бўлган, лекин жаҳон савдоси ва капиталларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш ҳажмлари кўп қарра ўсган, сиёсий муносабатлар глобал даражагача кенгайган, халқаро жамоат ташкилотлари, спорт мусобақалари, туристик индустрия ва шу кабилар пайдо бўлган серқирра глобаллашув даврида у айниқса кучайди. Бугунги кунда инглиз тили бир қатор объектив сабабларга кўра маданиятлараро мулоқот тилига айланди.

1991 йилда Интернет пайдо бўлганидан сўнг дунёдаги маълумот жихатдан ҳам узил-кесил туташди. Компьютер инқилоби ва Интернет тармоғининг ривожланиши чегаралардан бошқа ҳамма нарса мавжуд бўлган янги ахборот майдонини вужудга келтирди.

Глобаллашувнинг серқирралиги сиёсатнинг ҳам сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. 1990-йилларгача «совуқ уруш» ҳолатида бўлган икки ҳарбий-сиёсий блокнинг қаттиқ қарама-қаршилиги билан тавсифланган икки кутбилик халқаро муносабатларнинг асосий хусусияти саналган бўлса, социалистик тизим парчаланиши билан вазият бутунлай ўзгарди.

Сўнгги йилларда миллий давлатлар фаолияти билан бир қаторда халқаро муносабатларнинг янги, «ноанъанавий» субъектларининг фаоллиги ва таъсири ҳам анча ўсди. Бу субъектлар ўз сони, молиявий имкониятлари ва сиёсий таъсирига кўра айрим давлатлар билан бемалол беллаша олади. Халқаро муносабатларнинг мазкур субъектлари орасида энг муҳимлари ҳукуматлараро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳисобланади. «Яшиллар», «муқобиллар», антиглобалистлар каби ижтимоий ҳаракатлар ҳам кенг доврақ қозонди.

Глобаллашувнинг серқирралиги маданият, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ соҳасида жиддий таркибий ўзгаришлар ясаш билан бир

каторда ахлоқ, хулқ-атвор меъёрлари, қадриятларга муносабат ва мўлжалларда ҳам муҳим ўзгаришларга кучли эҳтиёжни юзага келтирди. Мутлақо янги ҳодиса – жаҳон жамоатчилик фикри юзага келди ва сайёрамизда ўзини жаҳон фуқароси деб ҳисобловчи одамлар сони кўпайди.

Жаҳон ҳамжамияти янги минг йиллик чегарасидан ўтиб, ўз тарихий ривожланишининг бутунлай янги босқичига қадам кўйди. Бу босқич жаҳон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларининг тарқоқлиги ва парокандалигидан уларнинг бирлиги, яхлитлиги, ягоналиги ва глобаллигига ўтиш билан тавсифланади.

Глобал муаммолар глобаллашувнинг оқибати сифатида. Кўриб чиқилган глобаллашув жараёнлари одамларга янги ғам-ташвишлар ва ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашувидан келиб чиқадиган янги (глобал) муаммолар келтирди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, улар ижтимоий ривожланишда, шунингдек «жамият-табиат» тизимида узоқ вақт мобайнида юз берган миқдор ва сифат ўзгаришлари маҳсули бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон ҳамжамияти нафақат янада ранг-баранг, балки аввалгидан ҳам зиддиятлироқ шакл-шамойил касб этгани билан тавсифландиган ҳозирги вазият тарихда ҳеч қачон бўлмаган.

Бир томондан, у бир-бирига ўхшамайдиган, катта ва кичик, ривожланган ва қолоқ, тинчликсевар ва урушқоқ, ёш ва қадимги кўп сонли маданиятлар, миллатлар ва давлатлардан иборат. Бошқа томондан эса, инсоният учинчи минг йилликка ягона организм сифатида, бир «умумий уй», аниқроқ айтганда, яшаш шароитлари нафақат табиий кўрсаткичлар, яъни яшаш учун яроқли ҳудуд билан, балки ҳаёт фаолияти учун зарур ресурслар мавжудлиги билан ҳам чегараланган Ер деб аталмиш катта ва одамга тўлиб кетган «коммунал квартира» аҳолиси сифатида қадам кўйди. Бу тўла англаб етиш жараёни сўнгги ўн йилликлардагина юз берган ва эндиликда у билан барча мамлакатлар ва халқлар ҳисоблашишга мажбур бўлган борлиқдир.

Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши қандайдир янглишиш, кимнингдир хатоси ёки ижтимоий-иқтисодий

ва сиёсий ривожланишнинг атайлаб танланган стратегияси натижаси эмас. Бу тарих инжиқлиги ёки табиий аномалиялар маҳсули ҳам эмас. Ушбу муаммоларнинг илдизлари анча чуқур бўлиб, индустриал жамият, умуман технократик йўналтирилган маданиятнинг кенг миқёсдаги инқирозини юзага келтирган ҳозирги цивилизациянинг вужудга келиш тарихига бориб тақалади.

Мазкур инқироз одамларнинг бир-бири билан, жамият ва табиат билан ўзаро алоқаларининг бутун мажмуини қамраб олди ва деярли бутун жаҳон ҳамжамятига, ривожланаётган мамлакатларга ва ривожланган мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди. Инсоннинг атроф муҳитга салбий таъсири айнан ривожланган мамлакатларда, асосан бу ерда жадал суръатларда ва стихияли тарзда ривожланган иқтисодиёт билан боғлиқ сабабларга кўра олдинроқ ва бўртиброқ намоён бўлди. Шу маънода 2008 йилда бошланиб, бутун дунёни ларзага солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат ривожланган саноат мамлакатлари, балки ривожланаётган, айниқса бозор муносабатлари қарор топаётган давлатларда ҳам ўз салбий оқибатини ўтказмасдан қолмади. Айни пайтда глобал молиявий инқироз жаҳон молия банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва уни тубдан ислоҳ қилишнинг зарурлигини кўрсатиб берди. Ушбу молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қандай давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари кўп жиҳатдан бир қатор омилларга, хусусан, мамлакат молия валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканлиги, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, олтин валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, шунингдек, иқтисодиётнинг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлик даражаси билан боғлиқ. Дарҳақиқат, И.А.Каримов айтганларидек ”мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2010 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”<sup>1</sup>. Бу эса республикаимиз молиявий-

иқтисодий ва банк тизимларининг барқарор ва ишончилиги, уларнинг ҳимоя механизмларини кучайтириш учун, халқаро молия инқирозининг мамлакат банк тизимига таъсири даражасини эътиборга олган ҳолда, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати дастаклари, ликвидлигини тартибга солиш инструментларини янада такомиллаштириш, банк хизматларидаги инновацияларни ҳисобга олган ҳолда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги кунда бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашуви. Бундай ривожланиш, аввало, атроф муҳитнинг таназзулига олиб келди ва тез орада инсоннинг ўзи ҳам таназзулга юз тутганини намоён этди. Зеро инсон хулқ-атвори, тасаввурлари ва фикрлаш тарзи унинг атрофида юз бера бошлаган ўзгаришларга мувофиқ ўз вақтида ўзгаришга қодир бўлмай қолди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланишига эса инсоннинг ўзи ва унинг фан ва техника соҳасидаги янги ва янги ютуқлар билан кўп қарра кучайтирилган изчил ўзгартирувчи фаолияти сабаб бўлди.

Сўнги ўн йилликларнинг ўзида фан-техника ютуқлари ўсиши натижасида жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида аввалги юз йилликларга қараганда кўпроқ ўзгаришлар рўй берди. Бунда ўзгаришлар жараёни ўсиб боровчи тезликда ривожланди ва ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда янада чуқурроқ ва жиддийроқ ўзгаришлар ясади. Масалан, вербал (оғзаки) мулоқотдан ёзувнинг яратилишига қадар инсоният тахминан уч миллион йилга, ёзувдан китоб босмаси ихтиро қилингунга қадар тахминан беш минг йилга, китоб босмасидан телефон, радио, телевидение каби аудиовизуал воситалар яратилгунга қадар тахминан беш юз йилга тенг йўлни босиб ўтган бўлса, одатдаги аудиовизуал воситалардан замонавий компьютерларга ўтиш учун эллик йилдан камроқ вақт талаб этилди. Мисли кўрилмаган суръатларда-атиғи 10-15 йил ичида одамлар Интернет ва уяли алоқа ёрдамида мулоқот қилиш учун чексиз имкониятларни қўлга киритдилар. Янги ихтиролар яратилганидан улар амалга жорий этилгунга

кадар ўтадиган вақт ҳам янада қисқарди; улар энди аксарият ҳолларда йиллар билан эмас, балки ойлар ва ҳатто кунлар билан ўлчанади. ХХІ асрнинг энг сўнгги кашфиётларидан бири бўлмиш нанотехнологияларнинг (митти технологиялар) яратилиши инсоннинг барча соҳадаги имкониятларини янада кенгайтди. (Бу ҳақда Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари мавзусида батафсил маълумот берилган).

Шундай қилиб, атиги икки-уч юз йил муқаддам турли миллатлар асосан алоҳида-алоҳида яшаган, уларнинг ўзаро алоқалари яхши йўлга қўйилмаган бўлса, эндиликда Ерда нафақат «оқ доғлар», яъни инсон оёғи етмаган жойлар қолмади, балки табиий ҳолатига инсон бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган соф ҳудудлар, сув ва фазо бўшлиқлари ҳам деярли мавжуд эмас. Буларнинг барчаси энди бизнинг сайёрамизни «умумий уй», «Коинотдаги оролча», «қаттиқ тўлқинланаётган океандаги кайик», «дунёвий қишлоқ» деб, барча одамлар учун умумий тус олган муаммоларни эса - оламшумул, умуминсоний, глобал деб номлаш учун асос бўлмоқда.

Глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти. Жаҳонда юз бераётган ўзгаришларнинг баъзи бир тенденциялари олимлар ва файласуфлар диққат марказидан бу ўзгаришлар барчага равшан бўлишидан олдинроқ ўрин олди. Масалан, ижтимоий ривожланишга турли цивилизацияларнинг олдинмакетин алмашиши сифатида қараган инглиз тарихчиси А.Тойнби (1889-1975) компьютер инқилобидан анча олдин «ХХ асрда умумжаҳон тарихи бошланди» деган хулосага келди. Шу тариқа туб ўзгаришлар нафақат жамият курилиши негизларида, балки дунё миқёсида юз бераётган ижтимоий жараёнларнинг асосий тенденцияларида ҳам акс этгани таъкидланди.

Ҳозирги замон немис фалсафасининг атоқли намояндаси К.Ясперс (1883-1969) бу хусусда янада аниқроқ фикр билдирди. У 1948 йилда эълон қилган «Тарих куртаклари ва унинг мақсади» асарида, жумладан, шундай деб ёзади: «Илк бор оламшумул аҳамият касб этган бизнинг тарихан янги шароитимиз Ерда одамларнинг реал бирлигидан иборатдир. Замонавий алоқа



воситаларининг техник имкониятлари шарофати билан сайёрамиз инсонга тўла очик бўлган ягона яхлитликка айланди» .

Бу, юкорида кўрсатиб ўтилганидек, тарихий ўлчовларга кўра жадал суръатларда эмас, балки мисли кўрилмаган шитоб билан юз берди. Бунда дунёнинг ягоналиги тарихий тараққиётни белгиловчи муҳим омилга айланди. Иккинчи жаҳон уруши жаҳон ҳамжамиятининг парокандалигига узил-кесил чек қўйди. Уруш тугагани заҳоти К.Ясперс «Шу даврдан эътиборан яхлит бир бутуннинг ягона тарихи сифатидаги жаҳон тарихи бошланади, - деб кайд этди. Энди бутун дунё асосий муаммо ва вазифага айланди. Шу тариқа тарихнинг бутунлай ўзгариши юз беради. Дунё мамлакатлари ва халқлари туташди. Ер курраси яхлит ва ягона тус олди. Янги хавфлар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Барча муҳим муаммолар дунё миқёсидаги муаммоларга, вазият – бутун инсоният вазиятига айланди» .

Борлиқ, онг, ҳаётнинг мазмуни азалий фалсафий муаммоларига ва фалсафада муттасил муҳокама қилинадиган бошқа масалаларга ҳозирги давр шу тариқа илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, мутлақо янги мавзу – инсониятнинг ягона тақдири ва Ердаги ҳаётни сақлаш мавзусини кўшимча қилди.

XX асрда фан ва техника соҳасидаги ақлни лол қолдирадиган натижалар таъсирида илк технократик ижтимоий назариялар пайдо бўлди. Шулардан бирининг муаллифи – америкалик иқтисодчи ва социолог Т.Веблен жамиятнинг ривожланишида саноат ишлаб чиқариши ва техника тараққиётининг етакчи ролини биринчилардан бўлиб фалсафий жиҳатдан асослаб берди. Унинг фикрича, ҳозирги замон давлати муҳандислар ва техниклар томонидан бошқарилиши лозим, чунки ишлаб чиқаришни жамият манфаатларида ривожлантириш (бу ғоя Т.Веблен технократик назариясининг мағзини ташкил этади) фақат уларнинг қўлидан келади ва сиёсий ҳокимият уларга айни шу мақсадни рўёбга чиқариш учун керак.

Шу даврда янги тенденцияларга нисбатан бошқача муносабатни илгари сурувчи ёндашувлар ҳам пайдо бўлди. Хусусан, табиат билан жамиятнинг

ўзаро муносабати муаммоларини англаб етишда В.И.Вернадскийнинг роли ва у ноосферани яхлит умумбашарий ҳодиса сифатида тушуниши мҳим аҳамиятга эга бўлди.. Шунга ўхшаш фикрларни таниқли француз файласуфи, теолог П.Тейяр де Шарден ҳам илгари суради. Биосферанинг таркибий қисми сифатида инсоннинг бетакрорлигини асослашга ҳаракат қилар экан, у инсоннинг табиат билан муносабатларини уйғунлаштириш концепциясини ривожлантирди ва бутун инсониятнинг бирлашиши йўлида эгоистик ниятлардан воз кечишга чақирди .

Шундай қилиб, файласуфлар ва олимлар XX асрнинг биринчи ярмидаёқ нафақат янги давр – умумбашарий ҳодисалар даври бошланаётганини, балки бу янги шароитларда одамлар табиий ва ижтимоий стихияга фақат баҳамжихат қаршилик кўрсата олиши мумкинлигини ҳам англаб етдилар.

Технооптимизм. Аммо қайд этилган қарашлар 60-йилларнинг бошларига келиб технократик кайфиятларнинг янги тўлқини билан четга суриб қўйилди ва қарийб икки ўн йиллик мобайнида оммавий онгга ўз таъсирини йўқотди. Бунга урушдан кейинги даврда жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларини қамраб олган саноат юксалиши сабаб бўлди. 50-60-йилларда ижтимоий тараққиёт истиқболлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам аксарият мамлакатлар учун порлоқ бўлиб туюлар эди.. Ижтимоий онгда ҳар қандай дунёвий ва ҳатто коинот муаммоларини фан ва техника ёрдамида ҳал қилиш мумкин деган иллюзияни яратган технооптимистик кайфиятлар кучайди Бундай қарашлар «истеъмол жамияти»ни ижтимоий ривожланиш мақсади деб эълон қилган кўп сонли назарияларда ўз аксини топди. Айти шу даврда «индустириал», «постиндустириал», «технотрон», «информацион» жамиятларнинг турли концепцияларини яратиш устида фаол иш олиб борилди.

1957 йилда таниқли иқтисодчи ва социолог Ж.Гелбрейт «Сербгарчилик жамияти» китобини эълон қилди ва унинг асосий ғояларини кейинчалик ўзининг «Янги индустриал жамият» деб номланган бошқа

асарида ривожлантирди. Унинг асарларида инсон фан ва техника соҳасида эришадиган ютуқларга юксак ва фақат ижобий баҳо берилади, мазкур ютуқлар таъсирида жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларида чуқур ўзгаришлар юз бераётганига эътибор қаратилади.

Таниқли француз файласуфи Р.Арон асарларида, шунингдек, унинг 1956-1959 йилларда Сорбонна университетида ўқилган маърузаларида, америкалик сиёсатшунос У.Ростоунинг 1960 йилда чоп этилган ва ўз даврида шов-шувга сабаб бўлган «Иқтисодий ўсиш босқичлари. Нокоммунистик манифест» китобида «индуриал жамият» назарияси янада тўлароқ асослаб берилди.

Бу олимлар фикрига кўра, фан-техника инқилоби таъсирида «одатдаги» аграр жамият ўрнини саноат жиҳатидан тараққий этган «индуриал» жамият эгаллайди ва бу ерда бозор шароитида оммавий ишлаб чиқариш биринчи ўринга чиқади. Саноатнинг ривожланиш ва техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси бундай жамият прогрессивлигининг бош мезонларига айланади.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларига компьютарларнинг кенг жорий этилиши янги назариялар, чунончи: «постиндуриал», «информацион» (Д.Белл, Г.Кан, Ж.Фурасье, А.Турен), «технотрон» (З.Бжезинский, Ж.Ж.Серван-Шрайбер), «ўта индуриал», «компьютар» (А.Тоффлер) жамияти назариялари юзага келишига сабаб бўлди. Уларда ижтимоий тараққиётнинг асосий мезони сифатида техника ютуқлари, аниқроғи фақатгина улар эмас, балки фан ва таълимнинг ривожланиши амал қилади. Компьютар техникаси негизида яратилган янги технологияларнинг амалга жорий этилиши тараққиётнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Америкалик таниқли файласуф ва социолог Д.Белл бўлғуси ижтимоий қурилиш шакл-шамойилларини белгилар экан, ҳали Интернет пайдо бўлишидан анча олдин шундай деган эди: «Шунга ишончим комилки, ахборот ва назарий билим постиндуриал жамиятнинг стратегик

ресурсларидир. Бундан ташқари, ўзининг янги ролида улар ҳозирги тарихнинг туб бурилиш нуқталаридир» .

Д.Белл биринчи бурилиш нуқтаси сифатида ҳозирги жамиятда «умумий билим» сифатида асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланган фан хусусиятининг ўзгаришини қайд этади. Иккинчи бурилиш нуқтаси янги технологиялар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар, саноат инқилоби даври технологияларидан фаркли ўлароқ, ўта мослашувчан ва осонгина қайта ихтисослаштирилиши мумкин. У «Ҳозирги технология бетакрор ва айни вақтда ранг-баранг натижаларга эришиш учун кўп сонли муқобил йўллар очади, бунда моддий неъматлар ишлаб чиқариш мислсиз даражада ўсади. Булар – имкониятлар, ҳамма гап уларни рўёбга чиқаришда» , деб қайд этган эди.

Технопессимизм фан техника ютуқлари инсониятни боши берк кўчага олиб киради ва пировардда у ҳалок бўлади деб ҳисоблайди. Кўриб чиқиладиган назарияларнинг айрим тарафдорлари фан-техника инқилобининг салбий оқибатларига, хусусан атроф муҳитнинг ифлосланиши муаммоларига маълум даражада эътибор берган бўлсалар-да, лекин, умуман олганда, уларнинг ҳеч бири бундан 1980-йилларнинг ўрталаригача жиддий ташвишга тушмади. Чунки, фан-техника тараққиёти ҳамма нарсага қодир эканлигига ишонч ҳаддан ташқари катта эди.

Айни замонда 1960-йилларнинг охирларидан экологик қийинчиликлардан ташқари аксарият давлатлар ва ҳатто қитъаларга таҳдид солган бошқа муаммолар: аҳолининг назоратсиз ўсиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг нотекислиги, хом ашё ресурслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар тобора бўртиброқ намоён бўла бошлади. Тез орада улар фан ва фалсафа диққат марказидан ўрин олиб, қизгин баҳс ва мунозаралар предметиға айланди.

Кўрсатилган муаммоларни фалсафий таҳлил қилиш борасидаги дастлабки уринишларнинг ўзиёқ технократик тенденцияларга зид бўлган,

кейинчалик «технологик пессимизм» деб номланган карашларни намён этди. «экопессимизм», асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳолдир.

Кўпгина таникли олимлар ва файласуфлар, хусусан Г.Маркузе, Т.Роззак, П.Гудмен ва бошқалар ўз ўтмишдошларини шафқатсиз сциентизмда, инсонни фан ва техника қулига айлантиришга уринишда айблаб, фан-техника тараққиётига қарши чиқдилар. Фан-техника тараққиётига ва умуман ижтимоий тараққиётга қарши норозиликнинг янги тўлқини юзага кела бошлади. Бу тўлқин таъсирида пайдо бўлган ғоялар «аксилитеъмол» жамиятини асослашга ҳаракат қилар ва «ўртача одам»ни озгинага қаноат қилиш лозимлигига ишонтиришга қаратилган эди. Глобал муаммолар пайдо бўлишининг айбдорини топишга уриниш жараёнида асосий айб «замонавий технология»га қўйилди. Нафақат фан ютуқлари, балки тараққиёт ғояси ҳам шубҳа остига олинди. Ўз даврида Ж.Ж.Руссо илгари сурган «табиат бағрига қайтиш»га чорловлар пайдо бўлди, иқтисодий ривожланишни эришилган даражада «тўхтатиш» таклиф қилинди.

Рим клуби. Юқорида қайд этилган карашлардаги туб бурилиш асосан Рим клуби фаолияти таъсирида юз берди. 1968 йил Римда ўзининг биринчи мажлисига йиғилган олимлар, файласуфлар ва жамоат арбобларининг бу нуфузли халқаро ташкилоти ҳозирги даврнинг энг муҳим умуминсоний муаммолари бўйича маърузалар тайёрлаш ва эълон қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу ташкилотнинг 1972 йилда эълон қилинган «Ўсиш чегаралари» деб номланган биринчи маърузасиёқ жуда катта шов-шувга сабаб бўлди, чунки инсоният ўзи англамаган ҳолда «порохли бочка устида ўтириб, гугурт ўйнаётгани»ни кўрсатиб берди. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти Аурелли Печчеи мазкур тадқиқотга ёзган сўзбошида шундай деб қайд этган эди: «Эндиликда она-Еримиз ҳар қандай ўсиш суръатларига дош беришга, инсоннинг ҳар қандай эркаликларини кўтаришга кодир эканлигига соғлом фикрлайдиган одамларнинг бирортаси ҳам

ишонмайди. Ўсиш чегаралари борлиги равшан, лекин уларнинг қандайлиги ва қаердалигини ҳали аниқлаш лозим» .

Мазкур маъруза муаллифлари шундай аниқлаш билан шуғулландилар. Олинган натижаларнинг мухтасар мазмуни шундан иборат эдики, сайёрамиз ҳажмининг чегаралари муқаррар тарзда инсон имкониятининг чегараларини ҳам назарда тутлади; моддий ўсиш чексиз даражада давом этиши мумкин эмас; ижтимоий ривожланишнинг ҳақиқий чегаралари моддий омиллар билан эмас, балки экологик, биологик ва ҳатто маданий омиллар билан белгиланади. Улар жаҳон ривожланиши асосий тенденцияларининг компьютер моделини тузиб, мазкур тенденциялар сақланган ҳолда учинчи минг йиллик бошидаёқ инсоният воқеалар устидан назоратни бутунлай йўқотиши ва натижада ҳалокатга юз тутиши мумкин, деган тўхтамга келдилар. Бундан ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш, тобора кўпайиб бораётган аҳоли сонини эса тегишли ижтимоий сиёсат ёрдамида барқарорлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Маъруза жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилди ва дунё бўйлаб кенг тарқалди, ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш ғояси тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сўнгра навбатдаги маърузалар мажмуи (бугунги кунда улар йигирматадан ошиб кетди) пайдо бўлди. Бу маърузалар умуминсоний муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини ёритиб берди ва уларга нафақат олимлар ва файласуфлар, балки сиёсатчилар, жамоат арбоблари, умуман жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди.

Глобал муаммоларни ечишда фалсафанинг роли. Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўллариини излашга мажбур қилди.

Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида камраб олувчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро ўз тадқиқоти объекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа глобал муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қилади. Шу сабабли у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан катъий назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охир-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Ҳар қандай айрим фанлар муайян босқичда ўз тадқиқот предметини фалсафий жиҳатдан англаб етишга у ёки бу даражада муҳтож бўлади. Муайян фан предметига ва инсоният олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг ёндашувсиз фундаментал кашфиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, айтиш ҳолда, бир томондан, масалаларнинг фалсафий ечими тўғрисида, бошқа томондан эса – фалсафа фанларнинг кенг доираси ўзаро алоқа қилишини рағбатлантириши, бунда уларнинг фанлараро бирлашуви муҳим ўрин тутиши тўғрисида сўз юритилади.

Гарчи фалсафа одамларнинг кундалик ҳаёти ва амалиётидан анча узоқда бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд бўлса-да, у (фалсафа) глобал муаммоларни ечишда муҳим рол ўйнайди. Зеро, умумий назариялар баъзан билимнинг аксарият муайян соҳаларига қараганда кўпроқ самара бериши мумкинлиги яхши маълум. Албатта, фалсафа сиёсий ва бошқа қарорлар қабул қилиш жараёнига муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш унча ўринли бўлмайди. Зеро, унинг бош вазифаси дунёқарашни шакллантириш ва шу тариқа амалий қарорлар ишлаб чиқиш жараёнига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат. Унинг вазифаси глобал муаммоларнинг табиий-илмий

ва техникавий жиҳатларини бевосита ўрганишдан эмас, балки бошқа фанлар таклиф қиладиган тегишли ечимларнинг фалсафий, методологик, маданий ва ахлоқий негизини таъминлашдан иборат.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганadi. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув глобал муаммоларни уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутadi. Бундай тадқиқот аввало глобал муаммоларнинг моҳиятини аниқлашни назарда тутadi, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Глобал муаммоларни фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи методологик функцияси айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларини таърифлайди ва шу сабабли глобал муаммоларни ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ



бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршилиқларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаралади.

Тўртинчидан, фалсафа глобал муаммолар ривожланишининг умумий тенденциясини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий - маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, глобал муаммоларга оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараёни яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттинчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига кўядики, бу инсониятга глобал муаммолар таҳдид солаётган шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим методологик функцияси шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан рол ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

Ҳозирги даврнинг глобал муаммоларини ўрганишга нисбатан фалсафий ёндашув ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилгач, энди глобаллашув

жараёнлари кучайишига қараб аҳамияти ошиб бораётган муаммоларнинг ўзини шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Глобал муаммоларнинг моҳияти. «Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» тушунчаси 1960-йиллар охири – 1970-йилларнинг бошларида кенг тарқалди ва шундан бери илмий ва сиёсий муомала(лексикон) ҳамда оммавий онгдан мустаҳкам ўрин олди. Аксарият ҳолларда у глобал саналмаган воқеалар ва ходисаларга нисбатан қўлланиладиган атама сифатида ишлатилади. Бундай ҳолга миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик воқеалар тенглаштирилганида, масалан, муайян бир мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини назарда тутиб, улар «глобал» деб номланган ҳолда дуч келиш мумкин.

Фалсафада бу вазифани ечиш учун тегишли мезонлар белгиланган бўлиб, уларга мувофиқ у ёки бу муаммо глобал деб белгиланади ва шу тариқа бундай хусусиятга эга бўлмаган бошқа кўп сонли муаммолардан фарқланади.

Этимологик жиҳатдан «глобал» атамаси, «глобаллашув» атамаси каби, ер курраси билан боғлиқ. Айни шу сабабли бутун инсоният манфаатларига дахлдор муаммоларни ҳам, дунёнинг турли нуқталаридаги ҳар бир айрим инсонга тегишли бўлган, яъни умуминсоний хусусият касб этадиган муаммоларни ҳам «глобал» деб номлаш одат тусини олган. Улар жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим объектив омили сифатида айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларни ечиш аксарият давлатлар ва ташкилотларнинг куч-ғайратини халқаро даражада бирлаштиришни назарда тутди. Айни вақтда глобал муаммоларнинг ечилмай қолиши бутун инсоният келажаги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Муаммоларнинг турли даражалари. Глобал муаммолар бутун дунёгагина тегишли бўлмай, унинг минтақалари ва ҳатто айрим мамлакатлар даражасида намоён бўлгани боис, илмий адабиётларда уларнинг умуминсоний аҳамиятини тан олиш билан бир қаторда, уларни моҳияти ўзгача, таъсир доираси эса торроқ бўлган айрим, маҳаллий, минтақавий

муаммолардан фарқлаш ҳам амалга оширилади. Турли даражадаги муаммоларни «умумийлик», «хусусийлик» ва «яккалик» фалсафий категорияларининг муайян ифодаси сифатида ўрганар эканлар, уларни одатда шундай талқин қиладиларки, хусусий муаммолар айрим муаммолар сифатида, маҳаллий ва минтақавий муаммолар – хусусий муаммолар сифатида, глобал муаммолар эса – умумий муаммолар сифатида амал қилади. Зикр этилган муаммоларни фарқлаш замирида ётувчи асосий мезон ҳам айна шу ёндашувни белгилайди. У географик деб аталади, чунки макон омилини ёки, бошқача айтганда, муайян муаммолар мавжуд ҳудудни акс эттиради.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир. Булар, одатда, турли авариялар, носозликлар натижасида юзага келадиган ҳар хил муаммолар, маҳаллий ижтимоий конфликтлар ва ш.к.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли zilzilalar, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади. Бундай муаммоларга Шарқий Европанинг бир неча мамлакатлари ҳудуди радиоактив захарланишига олиб келган Чернобил фожиаси ёки бир қатор давлатларни қамраб олувчи анча катта ҳудудларда юз берган иқлим ўзгаришлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилда Сахел минтақасида юз берган қурғоқчилик «аср

фалокати» деган ном олди. У Африка қитъасининг 18 давлатини қамраб олди, бунда очарчилик натижасида 250 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди, тахминан 18 миллион бош қорамол нобуд бўлди, хавфли касалликларнинг эпидемиялари юзага келди, бу улкан минтақа худуди эса деярли тўла саҳрога айланди.

Глобал муаммолар бутун ер куррасини, унинг нафақат одамлар бевосита яшайдиган қисмини, балки Ернинг қолган юзаси, ер ости бўшлиқлари, атмосфера, гидросфера ва ҳатто инсон фаолияти доирасига кирувчи космик фазони қамраб олиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, глобал муаммолар тўғрисида сўз юритилганда бутун сайёра назарда тутилади, унинг энг йирик таркибий бирлиги сифатида эса минтақа қабул қилинади. Бунда минтақалар сони ва уларнинг миқёси кўриб чиқиладиган муаммолар хусусияти билан белгиланади. Масалан, дунё миқёсидаги иқтисодий қолоқлик муаммосини тадқиқ этишда одатда бутун сайёрани икки минтақа – ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга ажратиш билан кифояланилади. Демографик, энергетик муаммолар ёки хом ашё муаммоларини ўрганишда эса, минтақалар сони кўпаяди ва ҳар сафар тадқиқотнинг муайян мақсадлари билан белгиланади.

Бунда шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай муаммо сайёранинг исталган минтақасига нисбатан муҳим саналган, яъни уларнинг ҳар бирида намоён бўлган ҳолдагина глобал деб ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда бир ёки бир неча минтақаларнинг муаммолари (ёки бундан ҳам кичикроқ миқёсдаги муаммолар) тўғрисида сўз юритилади.

Бундан барча глобал муаммолар айни вақтда минтақавий аҳамият ҳам касб этади, лекин минтақавий даражада аниқланган барча муаммолар ҳам глобал бўлавермайди, деган хулоса келиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, глобал муаммолар сони камроқ бўлади. Бошқа даражаларга келсак, глобал муаммолар бевосита маҳаллий ёки хусусий кўринишга эга бўлмаслиги ёки бу ерда унча сезилмаслиги мумкин.

Масалан, Антарктидада ёки сайёрамизнинг атроф муҳит ифлосланадиган асосий марказлари ва манбаларидан анча узоқда жойлашган бошқа бурчакларида ҳаво ёки сув ҳавзаларининг ҳолати қониқарли бўлиши, табиий муҳитга антропоген таъсир эса деярли сезилмаслиги мумкин. Шунга карамай бу кескинлик даражаси табиий муҳитга антропоген таъсирнинг нотекислигига боғлиқ бўладиган экологик муаммонинг глобал хусусиятига шак-шубҳа туғдирмайди. Ўз навбатида, барча маҳаллий ёки хусусий муаммолар глобал муаммолар билан боғланавермайди, зеро уларнинг сони таққослаб бўлмайдиган даражада кўпроқдир.

Келтирилган мулоҳаза глобал ва минтақавий муаммоларни нафақат илмий балки, амалий жиҳатдан ҳам фарқлаш имконини беради, чунки барча глобал муаммолар ўз миқёсида ўзгармайдиган ягона тизим – бутун сайёрага тегишлидир. Шу сабабли мазкур тизим учун уларнинг сони маълум тарихий босқичда муайян ҳисобланади. Айни вақтда бошқа даражадаги муаммолар сонининг аниқ ҳисобини юритиш мумкин эмас, зеро минтақаларнинг ва турли ҳудудларнинг чегаралари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига қараб шартли олинади.

Глобаллик мезонлари. Фан ва фалсафада глобал муаммоларни янада аниқроқ тавсифлаш учун юқорида зикр этилган «географик» мезондан ташқари бу муаммоларни бошқа томондан – уларнинг сифати, ва муҳим хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифловчи кўшимча мезонлар қўлланилади.

Биринчидан, глобал муаммолар ўз моҳиятига кўра нафақат айрим кишиларнинг манфаатларига, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир. Иккинчидан, уларни бартараф этиш учун бутун сайёра аҳолиси ҳеч бўлмаса аксарият қисмининг куч-ғайратини бирлаштириш ва улар баҳамжиҳат, изчил иш кўриши талаб этилади.

Учинчидан, бу муаммолар дунё ривожланишининг объектив омили ҳисобланади ва бирон-бир мамлакат уларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас.

Тўртинчидан, глобал муаммоларнинг ечилмагани келажакда бутун инсоният ва унинг яшаш муҳити учун жиддий, балки тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қайд этилган мезонлардан ташқари баъзан глобал муаммоларнинг бошқа бир катор хусусиятлари ҳам кўрсатилади. Хусусий, маҳаллий ва минтақавий муаммолардан фарқли ўлароқ, глобал муаммолар нисбатан турғунроқдир. Улар глобалликнинг юқорида санаб ўтилган барча мезонларига мос келишдан олдин зимдан ва узок шаклланади, ечилишига қараб эса (назарий жиҳатдан) қуйроқ даражага тушиб, дунё миқёсида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Аммо тенденцияларни тесқари йўналишда ўзгартириш камида бутун жаҳон ҳамжамиятининг изчил ҳаракатларини талаб этувчи ўта оғир иш бўлиб, ҳали бунга эришилганича йўқ. Глобал муаммолар мавжудлигининг нисбатан қисқа тарихига нафақат уларнинг қуйроқ даражага тушиши, балки сусайиш ҳоллари ҳам маълум эмаслигининг сабаби ана шундадир.

Глобал муаммоларнинг бошқа бир муҳим хусусияти – уларнинг барчаси бир-бирига шу даражада боғлиқки, улардан бирини ечиш ҳеч бўлмаса унга бошқа муаммоларнинг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутлади.

Глобал муаммоларнинг таснифи. Глобал муаммоларнинг келтирилган мезонлари ва ўзига хос хусусиятлари асосан мазкур соҳадаги аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларини акс эттиради ва глобал муаммоларни бошқа барча муаммолардан фарқлаб, аниқ айтиш имконини беради. Бунда у ёки бу муаммонинг кескинлик ва муҳимлик даражасини белгилаш, унинг бошқа муаммолар билан ўзаро нисбатини аниқлаш учун одатда турли таснифлашлар амалга оширилади, улар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Таснифлаш бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, балки ҳозирги даврнинг ўта кескин зиддиятларини комплекс ўрганишнинг муҳим элементи сифатида амал қилади ва мазкур муаммоларни уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради. У

муҳим алоқаларни фарқлаш, устуворликларни ва объектив мавжуд глобал муаммоларнинг кескинлашув даражасини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, таснифлаш глобал муаммоларнинг тизимли ўзаро алоқасини янада теранроқ тушунишга кўмаклашади ва амалий қарорлар қабул қилиш кетма-кетлигини белгилашга ёрдам беради.

Изчил ва аниқ амалга оширилган таснифлаш билишнинг мазкур соҳасидаги аввалги тадқиқотларни маълум даражада сарҳисоб қилади ва айтиш мумкин бундай тадқиқотларнинг ривожланишида янги босқич бошланганини қайд этади.

Ҳозирги замонда глобал муаммоларни таснифлашга нисбатан ҳар хил ёндашувлар орасида айниқса кенг эътироф этилган таснифга мувофиқ глобал муаммоларнинг барчаси уларнинг кескинлик даражаси ва ечимининг аҳамиятига, шунингдек реал ҳаётда уларнинг ўртасида қандай сабабий боғланишлар мавжудлигига қараб уч катта гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ энг катта умумийлик ва муҳимлик даражаси билан тавсифланадиган муаммолар. Улар турли давлатлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Айтиш мумкин бу сабабли улар интерижтимой глобал муаммолар деб аталади. Бу ерда жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва адолатли дунёни таъминлаш; янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш каби икки ўта муҳим муаммо фарқланади:

Иккинчи гуруҳ жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар бўлиб, улар одамларни энергия, ёнилғи, чучук сув, хом ашё ресурслари ва шу каби билан таъминлаш кабилардир. Бу гуруҳга экологик муаммолар, шунингдек Жаҳон океани ва космик фазони ўзлаштириш ҳам киради.

Учинчи гуруҳни «инсон – жамият» тизими билан боғлиқ муаммолар яъни демография муаммоси, соғлиқни сақлаш, таълим, халқаро терроризм таҳдиди маънавий масалалари ва шу кабилардир.

У ёки бу муаммонинг муайян гуруҳга киритилиши маълум даражада шартли хусусият касб этади ва муҳим омилларга, уларни ажратиш

асосларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳар қандай тасниф масала ечимининг узил-кесил варианты сифатида эмас, балки мураккаб тизимни қайта тузишнинг глобал муаммолар ўзаро алоқаси табиатини яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган усулларида бири сифатида қаралиши лозим.

Энди бутун инсониятга жиддий хавф туғдираётган энг муҳим муаммоларга қисқача тавсиф берамиз.

Асосий глобал муаммолар тизими. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ўз ҳолатини замонда тинимсиз ўзгартирадиган ягона, фаол ва очик тизим ҳисобланади, чунки унга умуминсоний аҳамиятга молик бўлган янги муаммолар кириши, аввалги муаммолар эса, уларнинг ечилишига қараб, йўқолиши мумкин. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти А.Печчеи бу ҳолатга эътиборни қаратиб, инсоният қаршисида кўндаланг бўлган аксарият муаммолар «бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут чангали янглиғ бутун сайёрани ўз исканжасига олмоқда... ечилмаган муаммолар сони ўсиб бормоқда, улар янада мураккаброқ тус олмоқда, уларнинг чирмашуви янада чигаллашмоқда, уларнинг «исканжаси» эса сайёрамизни ўз чангалида тобора қаттиқроқ сиқмоқда», 1 деб ёзган эди.

Аммо глобал зиддиятлар тугуни қанчалик чигал бўлмасин, уни фан ва фалсафа ёрдамида ечиш, яъни сабабни оқибатдан, муҳим тафсилотларни иккинчи даражали тафсилотлардан, объективни субъективдан фарқлаш учун назарий жиҳатдан англаб етиш лозим. Дунё миқёсидаги жараёнларга таъсир кўрсатиш учун одамларнинг имкониятлари ва ресурслари чекланганини ҳисобга олиб, муаммоларнинг қайси бири дарҳол ечишни талаб қилиши ва қайси бири иккинчи даражали аҳамият касб этишини ҳам фарқлаш муҳимдир.

Демографик муаммо. Ҳозирги замонда инсониятнинг энг муҳим муаммолари орасида, аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади. Айрим мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, сайёрада мавжуд энергетика, хом ашё, озиқ-овқат ва бошқа ресурслар Ерда фақат бир



миллиардга яқин киши («олтин миллиард») муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши мумкин. Ваҳоланки, охириги минг йиллик мобайнида сайёрамиз аҳолиси 15 баравар кўпайди ва бугунги кунда 6 миллиард кишидан ошиб кетди. Бунда нафақат миқёс, балки аҳолининг ўсиш суръатлари ҳам ақлни лол қолдиради. Хусусан, биринчи икки баравар кўпайиш 700 йил ичида, иккинчиси – 150 йил ичида, учинчиси – 100 йил ичида ва охиригиси – 40 йилдан камроқ вақт ичида юз берди. Шунини айтишнинг ўзи кифояки, 1956 йил Ерда 2,8 миллиард киши яшаган бўлса, XX аср охирига келиб бу рақам 6 миллиардга етди.

XX асрда ер кураши аҳолисининг «демографик портлаш» деб номланган мислсиз даражада ўсиши биологик қонунларнинг эмас, балки стихияли, нотекис ижтимоий ривожланиш ва инсоният катта машаққатлар билан бартараф этишга ҳаракат қилаётган чуқур ижтимоий зиддиятлар маҳсули бўлди. Бу аввало ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлиб, уларга жаҳон аҳолиси ўсишининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу ердаги вазият ривожланган мамлакатларга XX аср бошидаёқ хос бўлган ўлим даражасининг юқорилиги ва бутун инсониятга XVIII асрга хос бўлган туғилиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги даражаси ва аҳоли жон бошига олинадиган даромад миқдорига, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражаси ва қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига, аҳолининг саводхонлик даражаси ва умумий маданий савиясига кўра бу мамлакатлар халқларининг аксарияти ҳали XIX асрда яшамокда.

Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Уларни ечиш кечга сурилгани сари, янада мураккаброқ ва чигалроқ тус олади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукуматлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан Ўзбекистонда 1995 йилда “Оилани режалаштириш” давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурда ҳар бир оилада фарзанд туғилишини

режалаштиришнинг она ва бола соғлигини асрашга йўналтирилган саъй ҳаракатлардан бири бўлиши билан бир қаторда, мамлакатда демографик портлашнинг олдини олиш вазифасини босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада барча вилоятларда, қишлоқ ва овулларда репродуктив саломатлик бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур муаммо ривожланган мамлакатларда ҳам кескинлашди, лекин бу ерда унинг акс кўринишига дуч келиш мумкин. Умр узунлигининг ва кекса одамлар сонининг ўсиши жараёнида хатто аҳолининг оддий кўпайишини ҳам таъминламайдиган туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Айни ҳолда депопуляция, яъни аҳоли сонининг камайиши тўғрисида сўз юритиладики, (Россия аҳолиси ўртача 54 ёшни ташкил қилади,)бу ҳам миллий манфаатлар, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, пенсия таъминоти ва шу кабиларга тегишли кўшимча қийинчиликларни юзага келтиради. Россиядаги сўнгги 20 йилликдаги демографик жараёнлар бунга ёрқин мисол бўлади. Бироқ, кейинги беш йилда бу масалада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан аҳоли сони ортиши ва ўртача умргузаронлик 4 йилга ошди.

Таълим муаммоси. Демографик портлаш сабаблари таълим муаммоси билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда жаҳонда саводсизлар сони фоиз ҳисобида камайган бўлса, мутлақ ҳисобда ўсишда давом этмоқда. Бунда маълумотсиз одамларнинг ҳаёти амалда кўп болаликни хурофий ақидалар билан оқлайдиган архаик оилавий анъаналарга бўйсунди. Пировардда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут бу жиҳатдан ҳам ортишда давом этмоқда. Ҳозирги вақтда ажабтовур вазиятни кузатиш мумкин: саводхонлик мутлақ рақамларда ўсаётган бир пайтда, саводсизлар, яъни ўқиш, ёзиш, оддий арифметик амалларни бажаришни билмайдиган одамлар сони ҳам ўсиб бормоқда (Ҳиндистон аҳолисининг 70%, Покистон аҳолисининг 60%, Африка мамлакатлари аҳолисининг 80% саводсиз).

Шу билан бир қаторда аксарият одамларнинг маълумот даражаси янги технологиялар ва компьютер техникасидан кенг фойдаланувчи ҳозирги жамиятда тўлақонли яшаш ва меҳнат қилиш имконини бермаслиги билан боғлиқ функционал саводсизлик ҳам ўсиб бормоқда.

Бу муаммонинг бошқа бир жиҳати шундан иборатки, жаҳоннинг аксарият давлатларида таълим олиш имконияти барчага тенг даражада таъминланмаган бўлиб, бу ижтимоий кескинликнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Шунингдек ҳозирги даврда таълим сифатини яхшилаш, унинг мазмунини ижтимоийлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки таълимнинг ижтимоийлашуви ўқув жараёнида гуманитар фанларнинг ўқув соатлари ёки фанлар сонини кўпайтириш эмас балки, табиий илмий фанлар мазмунини гуманитарлаштириш, ҳар қандай илмий кашфиётни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириши лозим. Шундагина инсон ўз мавжудлигини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 1997 йилда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида” айнан шу мақсадларни ўзида ифодалайди. “Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди”<sup>1</sup>. Зеро, инсоннинг нафақат билим олиши, балки касбий малакаларга эга бўлиши ижтимоий саводсизликни бартараф қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш. Аҳоли сони ва унинг яшаш шароити, шунингдек атроф муҳит ҳолати ҳозирги даврнинг яна бир глобал муаммоси билан узвий боғлиқ. Аксарият касалликлар ва атроф муҳитдаги антропоген ўзгаришлар ўртасида бевосита ва билвосита алоқа мавжуд. Ҳозирги одамлар авлодига атроф муҳит ифлосланишининг ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган кўп сонли физик (аввало электромагнит), кимёвий ва биологик омиллари таъсир кўрсатмоқда. Аввало, иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолиси касалликларининг таркиби ва хусусиятида юз берган ўзгаришлар айти шу ҳол билан изоҳланади.

Бу ерда юқумли касалликлар бартараф этилган бўлиб, улар одамлар ўлимининг асосий сабаблари ҳисобланмайди. Лекин юрак-қон томир касалликлари, руҳий касалликлар сезиларли даражада кўпайди, «цивилизация касалликлари» деб номланган бутунлай янги касалликлар: рак, ОИТС ва бошқалар пайдо бўлди. Бундай касалликлар, хусусан юрак-қон томир касалликлари ўсишининг асосий сабаблари кам ҳаракатчан турмуш тарзи, семириш, чекиш, руҳий зўриқиш, стресс ҳолатлари эканлиги аниқланган. Бу ҳодисалар инсонга табиатнинг қудратли кучларини жиловлаш ва ўзини жисмоний меҳнатдан асосан халос этиш, мазкур ишни машиналар, техника воситаларига юклаб, ўзига асосан ақлий меҳнат, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини қолдириш имконини берган XX аср цивилизациясининг ривожланиш маҳсулидир.

Ривожланаётган мамлакатларда бошқача вазиятни кузатиш мумкин: бу ерда касалликлардан азоб чекаётганлар сони ривожланган мамлакатлардагидан кўпроқ, касалликнинг олдини олиш ёки даволаниш имконияти эса сезиларли даражада камроқдир. Тиббиёт сифатининг пастлиги, қашшоқлик ва антисанитария туфайли ривожланаётган мамлакатларда болалар ўлими, безгак, сил, трахома, қоқшол билан касалланиш даражаси, эпидемик юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ривожланган мамлакатлардаги ҳолат билан таққослаб бўлмайдиган даражада юқоридир.

Сўнги маълумотларга кўра, дунё бўйича юрак қон—томир касалликлари кун сайин ортиб бормоқда. Бундай касалликлар аксарият ҳолларда ўлим билан тугаганлиги сабабли жамият учун катта таҳдид саналади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) ҳисоботига кўра, 2005 йилда юрак қон-томир касалликларидан 17,5 миллион инсон вафот этган. Ушбу кўрсаткич барча ўлим ҳолатларининг 30 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, 7,6 миллион киши юрак ишемик касаллигидан 5, 7 миллион киши инсульт оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирги вақтда ўрнатилган интернационал алоқалар натижасида давлатлар ўртасидаги улкан

юк оқимлари, одамларнинг фаол миграцияси ва кенгайган иқтисодий муносабатлар оламшумул хусусият касб этди ва кўпгина юқумли касалликларнинг тарқалиш тезлигини оширди. Нотипик зотилжам, куш гриппи, чўчка гриппи каби илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, янги касалликларнинг пайдо бўлиши сабабларини ҳам айтиш эрдан излаш лозим.

Айтиш пайтда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, XX-XXI асрда янги касалликлар сони кўпайиб борсада, касалликларга қарши кураш воситалари ҳам такомиллашиб бормоқда. Жумладан XXI аср фанининг энг катта ютуғи сифатида 2008 йилда немис олими Харелд цур Хаузен (1936) аёлларда бачадан саратони касаллигини “папилома” вируси келтириб чиқаришини аниқлаган ва унга қарши эмлаш воситасини яратгани учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлди. Дунё бўйича умумий саратон касаллигининг 5%ини бачадон раки ташкил қилар, ва ҳар йили икки юз мингга яқин аёллар шу касалликдан бевақт оламдан кўз юмар эди. Ушбу касалликка қарши вакцинациянинг оммалашуви юзлаб аёлларнинг соғлиги гаровига айланмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда 12-14 ёшдаги қизларда бачадон саратони касаллигига қарши эмлаш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Харелд цур Хаузеннинг кашфиёти аср бошининг энг буюк кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлиги бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра барча вилоятларда скрининг марказлари ташкил қилинди, она ва бола саломатлигининг профилактикаси, “тез ёрдам” марказларининг фаолияти йўлга қўйилди, аҳолини нотипик грипп касаллигига қарши эмлаш ишлари режали амалга оширилмоқда. “Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудларида болаларнинг 98 фоизидан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингикок

инфекцияси 28 фоиз, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, 1997 йилда 1сонли юқумли касалликлар илмий тадқиқот институтида янги лабораториянинг ташкил қилиниши Ўзбекистонда (гиппотит) одам организмида сариқ касаллигининг нафақат А ва В вируси, балки С, Д, Е вирусларини аниқлаш имконини яратди. “” “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди....одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди”<sup>1</sup>. Замонавий диагностика технологияларидан кенг миқёсда фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, сурункали сариқ касаллигининг оқибати бўлмиш жигар церрозининг камайишига ва аҳолининг умумий умргузаронлигини ошишига олиб келди.

Озиқ-овқат муаммоси. Оммавий касалликлар ва умрнинг сезиларли даражада қисқариши сабабларидан бири озиқ-овқат муаммосидир. Хусусан, сурункали тўйиб овқат емаслик ва номутаносиб овқатланиш кам ривожланган мамлакатлар аҳолисида оммавий тарзда намоён бўлаётган муттасил оқсил очлиги ва витамин тақчиллигига олиб келмоқда. Натижада жаҳонда ҳар йили очликдан бир неча ўн миллионлаб одамлар, катталардан кўра кўпроқ болалар ҳалок бўлмоқда.

Озиқ-овқат тақчиллигига дуч келган мамлакатлар уни импорт қилишга мажбур, лекин бу, одатда, очарчиликка қарши курашда кам самара беради ва бундан ташқари, мазкур мамлакатларни экспортчиларга қарам қилиб қўяди. Шу тариқа ғалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тазйиқ ўтказишнинг самарали воситасига ва моҳият эътибори билан, аввало энг қашшоқ мамлакатларга қарши «озиқ-овқат қуроли»га айланади.

1960-йилларда озиқ-овқат муаммосини ечиш ривожланаётган мамлакатлар учун «яшил инқилоб»ни амалга ошириш билан боғланган эди. Бу тадбирнинг моҳияти буғдой ва шолининг ўта унумли янги навларидан

фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини кескин оширишдан иборат эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар ёрдамида модернизация қилиш мўлжалланди. «Яшил инқилоб» аксарият ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинди, лекин амалда ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Қишлоқни қайта ташкил этиш учун тегишли ижтимоий шарт-шароитлар ва бунинг учун зарур маблағлар мавжуд бўлган давлатларда у ижобий самара берди. Аммо бундай мамлакатлар унча кўп эмас, масалан Ҳиндистон, Покистон шулар жумласидан. Техника ва ўғитлар харид қилиш учун маблағлар мавжуд бўлмаган, аҳолининг маълумот даражаси жуда паст бўлган, турғун анъаналар ва хурофий ақидалар хўжалик юритишнинг илғор шаклларини амалга жорий этишга тўсқинлик қилган ўта қолоқ мамлакатларда эса «яшил инқилоб» самара бермади. Шунингдек, у одатдаги майда хўжаликларни вайрон қила бошлади, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини кучайтирди. «Яшил инқилоб» эски қишлоқ хўжалиги ўрнида янги, замонавий қишлоқ хўжалигини барпо эта олмади, яъни эски уйни бузиб, унинг ўрнида янги иморат кура олмади, бу эса озиқ-овқат муаммосини янада кескинлаштирди.

Ўзбекистонда бу муаммонинг ечимини топишга оқилона ёндошилди. Пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиб, ғалла, шоли, чорма молларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологияларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги. Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган халқаро муносабатлар тизими беқарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади. Сўнги йилларда дунё миқёсида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, бойлар ва камбағаллар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги улкан тафовут янада ошди.

Бу муаммо баъзан «бой Шимол» ва «қашшоқ Жануб» ўртасидаги қарама-қаршилиқ сифатида ҳам тавсифланади.

1960-йилларда аксарият мамлакатларнинг тўғридан-тўғри мустамлака қарамлигидан халос бўлиш жараёни янги, лекин ўзгача тусдаги қарамлик ўрнатилишига олиб келди. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдосининг ўсиши ва давлатлараро алоқаларнинг кучайиши юз берди. Айтилишича, Ғарб давлатлари иқтисодий ҳаётда монополиялашув жараёни кучайди ва трансмиллий корпорациялар пайдо бўла бошлади. Улар арзонроқ ишчи кучи топиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қўшимча харажатлардан қўқунлиш мақсадида меҳнат сарфи катта бўлган ва экологик жиҳатдан ифлос ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга экспорт қила бошладилар. Бу ҳол, бир томондан, ривожланган капиталистик мамлакатларда атроф муҳитни ҳимоя қилиш учун оммавий ҳаракатнинг фаоллашуви ва экологик қонунчиликнинг янада кескинлашуви билан, бошқа томондан эса, ривожланаётган мамлакатлар ўзининг қашшоқлиги туфайли, қатъий экологик меъёрлар ва бу билан боғлиқ чеклов чоралари жорий этишни ўзига доим ҳам эп кўра олмаслиги билан изоҳланар эди.

Сўнгги ўн йилликларда вазият яна ривожланаётган мамлакатлар зарарига ўзгара бошлади. Ривожланган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ва иқтисодий ҳаётга компьютерлар ва микроэлектроника жадал суръатларда жорий этила бошлади. Шунингдек технологик новациялар ва янги (юксак) технологиялар роли ҳам сезиларли даражада ошди, бу эса ишлаб чиқаришга маълумотли, малакали ишчи кучини жалб қилишни тақозо этди. Шу сабабли иқтисодий ўзаро алоқалар ва жаҳон савдоси асосан иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасидаги алмашинув ҳисобига амалга оширила бошлади, ривожланаётган мамлакатлар эса, агар улар кўп миқдорда хом ашё ресурсларига эга бўлмаса, жаҳон бозоридан сиқиб чиқарилди.

Ўзбекистонда эса, мустақиллик йилларида “...ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 барабар ўсди, ўртача иш ҳақи 14



баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда<sup>1</sup>.

Энергетика ва хом ашё ресурслари. Яна бир глобал муаммо – инсониятни энергетика ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш халқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар, шу жумладан ҳарбий можаролар манбаига айланди. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб инсон ҳаётида тобора муҳимроқ рол ўйнайди.

Мазкур ресурслар тикланадиган, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, қуёш энергияси ва ш.к.) ва миқдори мавжуд табиий захиралар билан чегараланган тикланмайдиган ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади.

Ҳозирги истеъмол суръатлари сақланган тақдирда тикланмайдиган ресурсларнинг аксарияти инсониятга бир неча ўн йиллардан бир неча юз йилларгача бўлган муддат билан ўлчанадиган яқин келажакда фойдаланишгагина етиши ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек мавжуд захираларнинг анчагина қисми мураккаб шароитда жойлашган конларда жамланган ёки нисбатан қашшоқ рудалардан иборат.

Яқиндагина одамлар аксарият фойдали қазилмаларни очиқ усулда ёки 600 м дан ошмайдиган чуқурликда қазиб олган бўлсалар, бугунги кунда вазият сезиларли даражада ўзгарди. Қулай жойлардаги фойдали қазилмалар тугаб бормоқда ва эндиликда 8-10 км чуқурликда ёки океан тубида жойлашган конларни ишга солиш вазифаси пайдо бўлмоқда. Бу эса нафақат кўп миқдорда капитал қўйилмаларни, балки уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун янги техника ва технологиялар яратишни ҳам тақозо этади. Шу сабабли чиқиндисиз технологияларни ривожлантириш билан бир қаторда инсоният ихтиёрида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уруш ва тинчлик муаммоси. Ҳарбий соҳа жамият ҳаётининг энг исрофгар соҳаси ҳисобланади. Айни шу сабабли жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаш бутун дунёда мавжуд барча глобал муаммолар орасида энг муҳими деб эътироф этилади. Унинг кескинлиги барча замонларда ҳеч қачон пасаймаган бўлса-да, XX асрда у нафақат айрим кишилар, халқлар, балки бутун инсоният олдига «ўлиш ё қолиш?» деган мудҳиш саволни қўйиб, алоҳида, фожевий мазмун ва аҳамият касб этди.

Бу ҳол илгари мавжуд бўлмаган имконият – Ердаги ҳаётни йўқ қилиш имкониятини яратган ядро қуроли пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ядро қуроли 1945 йил августда (Хиросима ва Нагасаки) илк бор қўлланилган пайтдан эътиборан мутлақо янги давр – инсон ҳаётининг барча жабҳалари: сиёсат, иқтисод, тафаккурда, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида туб ўзгаришлар ясаган ядро даври бошланди. Аммо муҳими шундаки, мазкур даврдан эътиборан нафақат айрим инсон, балки бутун инсоният ўлиши мумкин бўлиб қолди. Тейяр де Шарден янги вазиятга баҳо берар экан, шундай дейди: «Бир индивид ўлса, унинг ўрнини доим бошқа бир индивид эгаллайди. Индивиднинг ўлими ҳаётнинг давом этишига тўсиқ бўла олмайди. Аммо бутун инсоният ўлса-чи?...» .

1940-йилларнинг охирида таърифланган бу масала вақт ўтиши билан айниқса муҳим аҳамият касб этди. Атом бомбаси пайдо бўлиши билан «қиёмат-қойим» хом-хаёл бўлмай қолди. Ўша даврда янги ихтиронинг бутун хавфини кўпчилик ҳали тушунмаган, айрим файласуфлар ва олимлар ядро уруши таҳдид солаётган шароитда одамлар ўзининг ўзгарган ҳолатини англаб етишлари ва инсоният ҳалок бўлишининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди.

Албатта, ўзини ўзи қириб ташлаш имконияти одамларда дарҳол пайдо бўлгани йўқ. Ядро қуролини яратиш ва уни бутун тирикликни қириб ташлаш учун етарли миқдорда жамғариш учун вақт, жуда катта моддий, молиявий ва бошқа харажатлар, шунингдек жаҳоннинг турли мамлакатларидаги олимлар,

муҳандислар ва ишчилар кўп миллионли армиясининг куч-ғайрати талаб этилди. Аммо биринчи ядро портлашларидан сўнг юзага келган вазиятнинг жиддийлигини жаҳон ҳамжамиятининг кенг давралари англаб етиши учун ҳам қарийб 30 йил вақт ўтиши керак бўлди.

АҚШ ва Собиқ иттифокда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш олиб борган олимлар икки жамоаси тадқиқотларининг ақлни лол қолдирувчи натижаси бўлган «ядро киши» концепцияси пайдо бўлган 1980-йилларнинг бошига келибгина инсоният ядро қуроли яратилиши, шунингдек глобал муаммолар пайдо бўлиши билан у ўзининг аввалги «умрбоқийлиги»ни йўқотганини узил-кесил англаб етди.

Компьютерда яратилган моделларда анча аниқ ҳисоблаб чиқилган мазкур концепциянинг асосий мазмуни шундан иборатки, жаҳонда Ердаги ҳаётни бутунлай йўқ қилиш учун етарли миқдорда ядро зарядлари тўпланган. Улар портлатилган тақдирда тўғридан-тўғри шикастлантирувчи таъсирдан ташқари ҳавога сон-саноксиз миқдорда чанг, тутун ва кул кўтарилади ва уларнинг қалин пардаси сайёрамизни кўёш нурларидан бутунлай тўсиб кўяди. Бу атмосфера ва Ер юзасининг температураси кескин пасайишига сабаб бўлади ва уни муз босишига олиб келади. «Ядро киши» концепцияси одамларни улар янги хавф даражасини англаб етишга ва цивилизацияни қутқариш учун ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиб, чоҳ ёқасидан узоқлашишга қодирми, деган саволга жавоб беришда муқобилдан узил-кесил маҳрум қилди.

Муҳокама қилинаётган муаммонинг бошқа бир ўзига хос хусусияти шундаки, у моҳияти ва ҳозирги ҳолати «Табиат фалсафаси»мавзусида кўриб чиқилган экология билан узвий боғлиқ. Биз фан-техника тараққиёти даражаси экологик тангликни бартараф этиш борасидаги имкониятларни белгилашини қайд этган эдик, аммо қурол-яроғларнинг вайронкор имкониятлари, уларнинг шакллари, қўллаш методлари ва усулларининг ранг-баранглиги ҳам айни шу даражага боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, инсон ўз ҳаётини табиат билан уйғунликда йўлга қўйиш имкониятларини қўлга

киритиш билан бир каторда бутун тирикликни йўқ қилиш қобилятини ҳам кўп карра оширди. Жамиятнинг ҳарбийлашуви, қуролланиш пойгаси ва ҳарбий можароларнинг салбий оқибатлари атроф муҳитнинг бузилиш жараёнларини янада жадаллаштирмоқда. Ядро қуроли билан бир каторда уруш олиб боришнинг «географик» воситалари ҳам олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлардан иборат алоҳида хавф туғдиради. Бу оқибатлар инсон сунъий йўл билан табиий офатлар, вайронгарчиликлар ва шу кабиларга эришиш мақсадида табиий жараёнларга изчил таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Уруш ҳаракатлари олиб боришнинг бундай усуллари, масалан муайян ҳудуд устидаги озон қатламини атайлаб вайрон қилиш ва шу кабилар ядро қуролининг қўлланилиши билан тенг оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳарбий қарама-қаршилик маълум даражада сусайганига қарамай, аксарият мамлакатларда мудофаа ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш харажатларида улкан номутаносиблик ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Бу тафовут мудофаа фойдасига баъзан эллик баравар ва ундан кўпроқ даражага етади. Бу ҳол «учинчи дунё» мамлакатларида айниқса бўртиб намоён бўлади. Бу ерга, бир томондан, қурол-аслаҳа, бошқа томондан эса – мураккаб экологик вазиятни янада оғирлаштирувчи эскирган асбоб-ускуна ва ноэкологик технологиялар тобора кўпроқ етказиб берилмоқда. Натижада ифлосланиш ва табиатнинг завоқ топиш суръатлари бу ерда ривожланган мамлакатлардагидан анча юқоридир.

Қуролланиш пойгаси нафақат улкан моддий ресурсларни, балки меҳнат ресурслари, интеллектуал ресурсларни ҳам беҳуда сарфламоқда. Бутун дунёда олимларнинг тўртдан бир қисми, одатда, энг малакали кадрлар урушга тайёргарлик кўриш борасидаги ишларга жалб қилинган бўлиб, уларнинг билим ва кўникмалари вайронкорлик воситаларини яратишга йўналтирилган. Аммо олимлар инсоният дуч келган хавф даражасини биринчи бўлиб (уларнинг энг илғор вакиллари) англаб етдилар.

Қуролланиш пойгаси авж ола бошлаган 1955 йилда таниқли инглиз файласуфи Б.Рассел тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш ташаббуси билан чиқди. У А.Эйнштейн билан ҳамкорликда Ф.Жолио-Кюри, М.Борн, С.Пауэлл, Л.Инфельд ва бошқа йирик олимлар томонидан қўллаб-қувватланган машҳур Манифестни эълон қилди. Бу Манифестда инсоният унга таҳдид солаётган хавф ҳақида огоҳлантирилди, шунингдек ядро асрида цивилизацияни асраб қолиш учун «янгича фикрлашни ўрганиш» лозимлиги уқтирилди.

Б.Рассел нафақат хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантирди, балки уларни ечиш йўллари ҳам таклиф қилди. Хусусан, у барча урушларга чек қўйиши лозим бўлган жаҳон ҳукуматини ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, БМТ\* бундай ҳукумат негизи бўлиши мумкин. У шунингдек давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ечиш учун жаҳон конференцияси чақиришни талаб қилди.

Тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик учун кураш бошлаган жаҳон илмий ҳамжамияти бу борада ўз куч-ғайратини бирлаштириш лозимлигини англаб етди ва 1957 йилда Пагоуш (Канада)да ўз тарафдорларининг биринчи конференциясини ўтказди. Пагоуш ҳаракати деб номланган бу ташкилот тинчлик учун кураш олиб борувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Эндиликда унга ҳозирги глобаллашув муаммолари ва номутаносибликларини бартараф этиш йўлида кураш олиб бораётган бошқа кўп сонли ташкилотлар ва ҳаракатлар (Гринпис, Рим клуби, антиглобалистларнинг ҳаракатлари ва бошқалар) қўшилди. Тинчлик ва қуролсизлантириш, халқаро терроризмга қарши биргаликдаги кураш ғоясини 1993 йилда И.А. Каримов БМТнинг 48 сессиясида таклиф қилган эди. Ўзбекистонда 1999 йил 16 феврал воқеалари, 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг марказида кўп қаватли савдо уйининг портлатиши, Чеченистондаги чексиз террорчилик ҳаракати натижасидаги минглаб қурбонлар Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг нечоғлик ҳақлигини яна бир қарра исботлади. Глобал онгни шакллантириш зарурияти.

Глобаллашув жараёнларини назарий жиҳатдан англаб этиш ва глобал муаммоларни бартараф этиш нафақат ўта оғир ва узок давом этадиган, балки кутилган натижаларга қандай эришиш мумкинлиги хусусида ҳали аниқ жавоблар ва узил-кесил ечимларга эга бўлмаган ишдир. Айни вақтда аксарият тадқиқотчилар глобал тангликларни бартараф этиш имкониятини оммавий онгда янгича ахлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсонпарварлашуви билан боғламоқдалар. Бунинг учун жиддий асослар бор, зеро одамларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, пировард натижада эса улар эришишга ҳаракат қиладиган натижа асосан уларнинг ҳаётга муносабати ва фикрлаш тарзи билан белгиланади.

Дарҳақиқат, асрлар мобайнида сақланиб қолаётган дунё ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш, қотиб қолган фикрлаш андозаларини бартараф этиш ва одамлар онгида инсонийликнинг янгича тамойилларини шакллантиришнинг ўзи умуминсоний муаммолар ечими эмаслиги ҳам равшан. Бу мазкур муаммоларни бартараф этиш йўлидаги зарур, лекин фақат биринчи қадам ва у муттасил ўзгарувчи вазиятга мос бўлган ва ҳозирги давр руҳини аниқ акс эттирадиган дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бундай янгиланган дунёқараш замирида фақат сўнгги юз йилликка хос бўлган жамият ҳаёти интернационаллашувининг кескин ўсиши билан белгиланадиган ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмуни ва шакл-шамойилларини акс эттирувчи янгича инсонийлик ётиши лозим. Мазкур янгича инсонийлик глобал онгни шакллантиришга қаратилиши ва уч асосий негиз: глобаллик туйғуси, зўравонликка нисбатан муросасизлик ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини тан олишдан келиб чиқадиган адолатпарварликни ўз ичига олиши даркор.

Халқаро кучларнинг бирлашуви. Одамлар дунёқарашини нафақат уларнинг дунё ҳақидаги билимларида, балки улар бу билимни қандай талқин қилиши, қандай хулосалар чиқариши ва қандай иш кўришида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли глобал муаммоларни бутун дунё баҳамжиҳат ҳал

қилиши лозимлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, инсоният назарияда муайян ютуқларга ва баъзи бир амалий натижаларга эришган ҳолда, дунё ривожланишининг салбий жараёнларини тўхтатишга ҳали муваффақ бўлмаганини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин эмас. Халқаро кучларнинг муайян даражада бирлашуви, уларнинг мувофиқлаштирилган, изчил ва энг муҳими, самарали ҳаракатлари ҳам ҳали мавжуд эмас. Нега шундай бўляпти ва бунга нима халақит беряпти? Ҳозирги ранг-баранг ва зиддиятларга тўла дунёда келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунга қандай асосда эришиш мумкин? Булар бугунги кунда ижтимоий тафаккур, шу жумладан фалсафа ечишга ҳаракат қилаётган бош масалалардир.

Тарихий тажриба турли халқларнинг яқинлашуви уларнинг манфаатлари мос келган жойда айниқса яхшироқ юз беришини кўрсатади. Ўзаро манфаатдорлик турли қийинчиликларни тез бартараф этиш, савдототиқни фаол ривожлантириш, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Одатда бу йўлда енгиларга тўғри келадиган энг катта қийинчиликлар эскича қарашлар, қотиб қолган фикрлаш услуби, анъаналар билан боғлиқ бўлади. Улар ўзгариш хусусиятига эга, лекин бу жуда узоқ, катта қийинчиликлар билан ташқи ёки ички омиллар таъсирида юз беради. Масалан, ташқи омиллар қаторига экологик тангликнинг кучайиши, «демографик портлаш» оқибатлари, уруш хавфи ва нафақат одамларнинг турмуш тарзини сезиларли даражада ўзгартирган, балки уларнинг онгига ҳам ўз таъсирини кўрсатган бошқа глобал муаммолар киради. Ички омиллар инсон манфаати, унинг субъектив, шахсий асоси билан боғлиқ. У ёки бу муаммоларнинг кескинлик даражаси, ҳатто бунинг учун зарур шарт-шароит ва етарли асослар пайдо бўлган ҳолларда ҳам, нима учун пасаймаяпти, деган саволга жавоб топишда юқорида зикр этилган омиллар, айниқса манфаат омили албатта ҳисобга олиниши лозим.

Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар. Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат халқаро муносабатларнинг у ёки бу тартибда, давлатлараро савдо оқимларининг йўналиши ва капиталларнинг тақсимланишида ўз муайян манфаатига эга бўлади. Улар табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳитни сақлаш ва шу каби масалаларда доим ўз манфаатларини ҳимоя қиладики, бу уларнинг сиёсатида умумий масалаларда ҳам, хусусий масалаларда ҳам бевосита акс этади ва бошқа мамлакатлар сиёсатига ўхшамаслигига сабаб бўлади. Баъзан ички манфаатлар умумий манфаатлардан устунлик қилади. Бундай ҳолларда мазкур сиёсат бошқа давлатларнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилади. Масалан, экология нуқтаи назаридан бу кўшни ҳудудларда яшовчи халқларнинг қарама-қарши манфаатлари тўқнашган ҳолларда кўп кузатилади.

Аммо ҳозир, жамият ҳаётининг интернационаллашуви ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиб бораётган интеграциялашуви шароитида, сайёрамизнинг турли бурчакларида жаҳон ҳамжамиятининг ядро уруши, экологик танглик, демографик кескинлик ва ресурслар тақчиллигини бартараф этишдан иборат объектив манфаатларини ўзларининг умумий манфаати деб билувчи одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маърифатли сиёсий ва жамоат арбоблари янада аниқроқ англаб етаётган келишилган ҳаракатларга бўлган бу объектив эҳтиёж ҳозирнинг ўзидаёқ айрим давлатлар хулқ-атворида таъсир кўрсатмоқда ва ҳатто уларнинг ички ва ташқи сиёсатини маълум даражада белгиламоқда. Инқироз илдизлари. Айрим мамлакатларда ҳам, бутун дунёда ҳам барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш технократик жамият тузилиши ва моҳиятидан келиб чиқадиган катта қийинчиликлар билан боғлиқ. У компьютер инқилоби таъсирида ўзгарганига қарамай, техноген цивилизациянинг асосий шакл-шамойилларини сақлаб қолмоқда ва шу сабабли ҳозирда мавжуд кўринишда нафақат бундай жамият танқидчиларини, балки техника тараққиёти тарафдорлари (технократик оптимистлар) собиқ издошларининг бир қисмини ҳам қаноатлантирмапти.



Уларнинг аксарияти фикрига кўра, ҳозирги Ғарб цивилизацияси инсоният учун шикастли бўлган кўпгина зиддиятларни юзага келтирди, чунки унинг замирида табиат ва унинг ресурсларига нисбатан истеъмолчилик ёндашуви ётади. Тегишли кадриятлар тизимидан мустақкам ўрин олган бундай тасаввурлар тарихан саноат инқилоби, кейинроқ - фан-техника инқилоби даврида шаклланган бўлиб, ўз илдизлари билан инсон, худди Ердаги Худо каби, дунёни бунёд этади, уни табиат имкониятлари ва ўз имкониятлари билан ҳисоблашмасдан ўз ихтиёрига кўра ўзгартиради, деган дунёқарашга бориб такалади. Пировардда нафақат экологик ва демографик тангликлар, балки маънавий инқироз ҳам юзага келади, бунда аввалги дунёқараш мўлжаллари объектив шароит тазйиқи остида ўзгараётган амалиёт билан тўқнашади. Шу боис Ўзбекистонда айнан маънавий инқирознинг олдини олиш мақсадида 1994 йилда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил қилинди, 1996 йилда марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди ва унга кўра 1997 йилдан барча таълим муассасаларида “Маънавият асослари” фанини ўқитиш жорий қилинди. 1999 йилда Маънавият ва маърифат марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Маънавият кенгаши ташкил қилинди. 2008 йилда республикамиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавий таҳдидлар ва маънавий юксалиш омилларини назарий асослади, зеро “Маънавият-инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир” , фақат маънан етук инсонгина ҳар қандай таҳдидга қарши курашга ўзида куч топиши мумкин.

Янги кадриятлар тизими. Айни шу сабабли кадриятлар муаммоси, ижтимоий ривожланишнинг янги устуворликларини ва бошқа дунёқараш мўлжалларини излаш жамиятни маънавий янгилашнинг бош вазифаларига айланади. Бугунги кунда турли мамлакатларнинг олимлари бошқа кадриятларга мувофиқ бунёд этилган ўзга цивилизацияга ўтиш амалга оширилган тақдирдагина инсоният экологик ва бошқа глобал муаммоларни бартараф эта олиши мумкинлигини деярли яқдиллик билан қайд этмоқдалар.

Уларнинг фикрича, мазкур кадриятлар табиат ва унинг эҳтиёжларини табиатдан устун қўювчи антропоцентризмга эмас, балки ҳаёт феноменининг бетакрорлигига ва биосферани мувозанат ҳолатида сақлаш лозимлигига эътиборни қаратувчи биосфероцентризмга асосланиши лозим. Инсон эса, ақлли мавжудот ва мазкур мураккаб тизимнинг таркибий қисми сифатида, бу билан нафақат ҳисоблашиши, балки тегишли тарзда иш кўриши ҳам лозим. Унинг дунёга муносабатини ўзгартириш, инсонпарварлик ва коэволюция, яъни табиат ва жамиятнинг муштарак ривожланиши тамойилларига таяниб, янги кадриятлар тизимини ва ижтимоий ривожланиш мўлжалларини яратишдан бошқа йўли йўқ.

Дунё халқлар ўртасида ўзаро алоқа ва асосли ҳамкорлик йўлига янада ишонч билан кириши, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти эса табиат билан зиддиятга киришмаслиги учун дунёда юз бераётган ҳозирги жараёнлар ҳақидаги илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек одамларнинг юз бераётган ҳодисалар ва жараёнларга ўз жавобгарлигини янада теранроқ тушунишига эришиш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, замонавий электрон қурилмалар ва ҳисоблаш техникаси инсоннинг ўз фаолияти натижаларини ҳам, улар олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни ҳам чамалаш ва башорат қилиш қобилиятини кўп қарра оширади. Шу сабабли ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда олимнинг роли ортиши билан бир қаторда унинг инсон учун ҳам, атроф муҳит учун ҳам муайян экологик, тиббий ва бошқа оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган техник лойиҳалар бўйича қарорлар ва тавсиялар учун жавобгарлигини мислсиз даражада ошириш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда генетика соҳасидаги тадқиқотлар ва амалий ишлар ўзига тобора кўпроқ эътиборни тортмоқда. Бу ерда жонли организмларни, шу жумладан инсонни ҳам клонлаш имконини берувчи ген инженерияси учун кенг имкониятлар очилмоқда. Бу кўп сонли ахлоқий ва психологик масалаларни юзага келтиради, чунки инсон шахс сифатида генлар таъсирида

фақат эллик фоизга шаклланади, қолган жихатдан у ижтимоий муҳит ва муайян яшаш шароитлари билан белгиланадиган ижтимоий мавжудотдир.

Шу муносабат билан энг янги фалсафий адабиётларда инсонпарварлик масалалари яна биринчи ўринга чиқмоқда. Фан-техника тараққиётини нафақат айрим инсоннинг, балки бутун инсониятнинг ахлоқий фазилатларига бевосита бўйсундирувчи инсон фаолиятини бутунлай ўзгартириш лозимлигини ифодаловчи «илмий инсонпарварлик» атамаси фаол ишлаб чиқилмоқда. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бу хусусда: «Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажagini таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир – оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин» деган эди.

Умуминсоний қадриятлар. Ҳозирги шароитга татбиқан муайян универсал асос сифатидаги «янги инсонпарварлик»нинг моҳияти ер куррасида яшовчи барча одамларнинг муҳим манфаатларини акс эттирадиган ва шу сабабли бутун дунёда умумий қадриятлар сифатида идрок этиладиган борлиқ меъёрлари ва тамойилларини қарор топтиришдан иборат. Бундай қадриятларнинг айримлари илк бор жаҳон динларида умуминсоний қоидалар сифатида таърифланган.

Кейинчалик муайян инсон дунёвий ахлоқ ва қадриятлар умумий тизимини яратишнинг бошланғич таянч нуқтасига айланди. Бу одамлар, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда ахлоқ «олтин қондаси»ни рўёбга чиқариш мумкинлиги ва зарурлигини эълон қилган Форобий, Ибн Сино, Т.Гоббс, П.Гассенди, М.Вольтер, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гердер ва бошқа мутафаккирлар этикасида айниқса бўртиб намоён бўлди. Унинг бизгача турли кўринишларда етиб келган мазмуни Вольтер баёнида барча одамларга қаратилган инсоний чорлов сифатида янграйди: «Ўзинг билан қандай муомала қилишларини истасанг, бошқалар билан шундай муомала қил». Айни шу XVII асрда инглиз либерализмининг ёрқин вакили Ж.Локк (1632-1704) инсоннинг узвий ҳуқуқлари (яшаш, эркинлик, мулк ҳуқуқи ва б.)

дахлсиз эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Алишер Навоий ўзининг машҳур «эркинлик», «тенглик», «бирдамлик», «адолат» шиорларини эълон қилиб, одамларнинг умуминсоний қадриятларга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Улар тўла ҳолда БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топди ва 1975 йилда халқаро Хельсинки битими билан тасдиқланиб, жаҳон ҳамжамияти тан олувчи умумий нормага айланди.

Хулосалар. Инсоният ўзини ўзи ташкил этувчи жонли тизим сифатида ўз мавжудлиги учун кураш олиб бормоқда, яхшироқ келажакка эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунда ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва улар юзага келтираётган турли муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтилофларни енгиб, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва халқларнинг хусусиятларини сақлашдан бошқа чора қолдираётгани йўқ. Бундай бирлашувга эса, фақат умуминсоний қадриятларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш орқали эришиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг жамият тараққиёти қонунлари билан узвий боғлиқлиги
2. Назария ва амалиёт бирлигига эришишнинг ўзига хос мураккабликлари
3. Мустақиллик даврида миллий ғоя соҳасига эришилган ютуқлар
4. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янада мустаҳкамлаш омиллари
5. Миллий ғоя ривожланишида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш истиқболлари

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

##### **1-амалий машғулот: Миллий ғоя назарияси ва ижтимоий тараққиётнинг узвий боғлиқлиги**

1. Назария ва амалиёт бирлиги. Унга эришиш зарурлиги.
2. Миллий ғоя назарияси ва амалиётида мафкуравий жараёнларни ўрганишнинг тизимли таҳлили
3. Ижтимоий ҳаёт ривожда Миллий ғоя назарияси ва амалиётини акс этиши. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.

##### **2-амалий машғулот: Мамлакат тараққиётини таъминлашда миллий ғоя назарияси ва методологиясининг аҳамияти**

1. Мамлакат тараққиётида миллий ғоянинг ишлаб чиқилишини методологик асослари.
2. Миллий ғоя мақсадларини мамлакат тараққиётига йўналтириш усуллари.
3. Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни янада ошириш

##### **3-амалий машғулот: Миллий ғоя назарияси ва амалиётининг узвий боғлиқлигини ижтимоий ҳаёт соҳаларида акс этиши**

1. Миллий ғоя мақсадларини давлат ва жамият ривожланишида акс этиши.
2. Ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий ғояга зид назария ва амалиёт бирлигига тўғри келмайдиган айрим ҳолатлар.
3. Халқ билан мулоқот, давлат идоралари халқ учун ишлаши кераклиги ғоясининг амалий аҳамияти.

#### **4-амалий машғулот. Мустақил тараққиёт, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик**

1. Мустақил демократик тараққиёт ва унинг зарурлиги, кадриятлар назарияси

2. Миллий тараққиётда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш йўллари.

3. Ёшларни миллий-маънавий кадриятларга ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.

#### **5-амалий машғулот. Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашда ютуқлар, мураккабликлар ва истиқболлар**

1. Миллий ғоя назариясини ҳаётга тадбиқ этишда назария ва амалиёт бирлиги принципи.

2. Назарияни амалиётга мос келишидаги асосий шарт-шароитлар омиллар.

3. Миллий ғоя назария ва амалиёт бирилигини таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти ва истиқболлари.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс

Миллий ғоя назарияси ва амалиётида мафкуравий жараёнларни ўрганишнинг тизимли таҳлил қилинг.

### 2-кейс

Назария ва амалиёт бирлиги. Унга эришиш йулларини қиёсий таҳлил этинг.

### 3-кейс

Ижтимоий ҳаёт соҳаларида назария ва амалиёт бирлигини акс этишини асосланг.

### 4-кейс

Миллий ғоя назарияси ва амалиётида учрайдиган муаммоларни қиёсий таҳлил этинг.

### 5-кейс

Миллий ғоя назарияси ва амалиётини ўрганишнинг методологик асослари нималардан иборат.

### **6-кейс**

Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни янада ошириш шарт-шароитлари ва омилларини илмий асосланг.

### **7-кейс**

Миллий ғояга зид ёт ва зарарли ғояларни Кластер усулида таҳлил этинг.

### **8-кейс**

Давлат идоралари халқ учун ишлаши кераклиги ғоясининг амалий аҳамияти нимадан иборат эканлигини илмий асосланг.

### **9-кейс**

Мустақил демократик тараққиётнинг миллий кадриятлар билан узвий алоқадорлигини илмий асосланг.

### **10-кейс**

Мустақил демократик тараққиётда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини таъминлаш шарт-шароитлари ва омилларини ғоявий асосларини изоҳланг.

### **11-кейс**

Кадриятлар тушунчасининг назарий ва амалий жиҳатларини таркибий-функционал таҳлил этинг.

### **12-кейс**

Миллий ғоя ва Ватанга даҳлдорлик ҳиссини шахс амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда асосланг.



### **13-кейс**

Миллий ғоя назарияси ва амалиёт бирлигини таъминлашдаги мураккабликларни объекти ва субъекти сабабларини кўрсатинг.

### **14-кейс**

Назарияни амалиётга мос келишидаги асосий шарт-шароитлари ва омилларини Кластер усулда таҳлил этинг.

### **15-кейс**

Миллий ғоя назария ва амалиёт бирилигини таъминлашнинг истиқболларини SWOT таҳлил қилинг.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Миллий ғоя тўғрисидаги ғоялар ва назариялар
2. И.Каримов асарларида миллий назариясини ўрганишда муҳим манба
3. Миллий ғояни ўрганишда назария ва амалиёт бирлиги
4. Миллий ғоя назарияси ва амалиётини ижтимоий ҳаёт ўзгаришлари билан боғлиқлиги
5. Миллий ғояни ўрганишда кадриятлар назарияси ва амалиёти
6. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги назарияси
7. Миллий ғоя назариясида инсон олий кадрият
8. Миллий ғоя назарияси ва демократик принциплар
9. Миллий ғоя ва мафкуралар хилма-хиллиги
10. Давлат идоралари халқ учун ишлаши керак ғоясининг амалий жиҳатлари
11. Миллий ғоя ва ижтимоий ҳимоялаш тизими
12. Миллий ғоя ва қонун устуворлиги
13. Инсон манфаатларининг устуворлиги ғояси ва амалиёти
14. А.Навоий асарларида миллий ғоянинг назарий ва амалий масалаларини ифодаланиши
15. Миллий ғоя назарияси ва амалиётида мавжуд муаммолар
16. Миллий ғоя назарияси тарихий-фалсафий манбалари
17. Миллий ғоя назарияси ва амалиёти бирлигини таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш
18. Халқни – халқ, миллатни – миллат сифатида бирлаштиришда миллий ғоянинг аҳамияти
19. А.Навоий маънавий меросининг умумбашарий тараққиётда аҳамияти
20. Халқ оғзаки мероси – мероси миллий ғоянинг назарий асосларини ўрганиш манбаи

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Ғоя</b>	ижтимоий мазмун, моҳиятга, мақсадга йўналган фикрлар мажмуи.	
<b>Миллий ғоя</b>	Ўзбекистоннинг ривожланиш концепцияси, мафкуравий жараёнларни тартибга солувчи, ташкил этувчи, йўналтирувчи ва бирлаштирувчи жамият мафкураси.	
<b>Миллий истиқлол ғояси</b>	халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган маънавий омилдир.	
<b>Мафкура</b>	кўпчиликни ишонч ва эътиқодига, амалий фаолиятига кўчган ғоялар тизими.	
<b>Мафкуравий жараёнлар</b>	турли-хил мафкуралар (ғояларни) тизим сифатида жамиятдаги турли-хил ижтимоий ва сиёсий институтлар, шахс, жамият, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатини намоён бўлиши.	
<b>Миллий мафкура</b>	миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва риожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.	
<b>Тизимли таҳлил</b>	Мафкуравий жараёнларни ташкил этувчи ғоялар, мақсадларни белгиловчи омилларни ҳамда шарт-шароит ва йўналишларни изчил, кетма-кетликда аниқлаш ва қўллаш усули ҳамда методологияси.	
<b>Демократия</b>	(юнонча халқ ҳокимияти) – халқ	

	ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли.	
<b>Миллий кадриятлар</b>	миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ кадрият шакллари.	
<b>Умуминсоний кадриятлар</b>	барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маънавий ҳодисалар, мезонлар, кадрли жиҳатларнинг усутувор бўлишига таянган ғоялар мажмуи.	
<b>Фуқаролик жамияти</b>	иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча.	
<b>Миллий, маънавий ва маърифий ғоялар</b>	асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган илғор миллий, маънавий ва маърифий қарашлар, ғояларнинг йиғиндисидир	
<b>Ижтимоий-сиёсий ғоялар</b>	миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада қўлга киритган, шу пайтгача ҳаёт амалиётида ўзини оқлаган ижтимоий ва сиёсий қарашлар мажмуидир.	
<b>Фалсафий ва ахлоқий ғоялар</b>	инсониятнинг, асосан Шарқ халқлари, назаркардаларининг асрлар давомидаги илғор фалсафий ва ахлоқий қарашлари, таълимотлари йиғиндисидан иборатдир.	
<b>Диний ва дахрийлик ғоялари</b>	кишиларнинг ижтимоий ходиса сифатида юзага келган даврлардан бошлаб, шу кунгача сақланиб қолган қарашлар мажмуини, динга хурфикрлилик руҳиятида ёндошишни ташкил этади.	
<b>Илмий ғоялар</b>	фан ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли олиб борилган кузатишлар,	

	экспериментлар, таҳлиллар, инсон билими, тафаккури салоҳиятида яратилган, кашф этилган ғоялардир.	
<b>Бадий ғоялар</b>	жамиятда мавжуд адабий, бадий асарлар, театр ва санъат асарларини ўрганиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини чақиш орқали шаклланиб, инсон ва жамиятнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришга, уларнинг маданияти, маънавияти ва маърифати даражаларини ўстиришга инсон руҳиятини янада мукамал қилишга хизмат этувчи ғоялардир	
<b>Бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари</b>	инсониятни эзгулик, яхшилик сари чорлаб, юртни, Ватанни озод ва обод қилиш, жамият халқининг тўқ ва тўкин турмушини таъминлаш, инсониятни ижтимоий тараққиётининг паст поғонасидан юқорисига кўтарилишини, кишиларда ташаббус, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига йўлловчи ғоядир.	
<b>Вайронкорлик ва тажовузкорлик ғоялари</b>	инсониятни карамлик, қулликда сақлаш, халқларни бир-бирига қарши қўйиб, улар орасида миллатчилик кайфиятларини шакллантириб, биродаркуш урушлар уюштириб, уруш ва миллий можаролар бўлиб туришидан манфаатдорликни ёқловчи ғоядир.	
<b>Диний ақидапарастлик</b>	диннинг бир ақидаси, асоси ёки қоидасини рўқач қилиб олиб, мутаассибларча фаолият кўрсатишни тарғиб этади.	
<b>Мафкуравий плюрализм</b>	(лот. pluralis – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-	

	барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодаладиган тушунча.	
<b>Мафкуравий бўшлиқ</b>	жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши.	
<b>Мафкуравий беқарорлик</b>	кишилиқ жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади.	
<b>Мафкуравий вазият</b>	муайян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи.	
<b>Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви</b>	ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча.	
<b>Мафкуравий тизим</b>	мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари ва воситалари, услублари яхлит бир бутун уюшмаси.	
<b>Дунёнинг мафкуравий манзараси</b>	жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти,	

	мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча.	
<b>Соғлом мафкура</b>	умуминсонийликнинг устуворлиги таъминловчи таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор ғоялар тизимига асосланган мафкура шакли..	

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

### 1. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:“Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
8. Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
9. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. 179 – сон.
- 10.Ш.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь. 243-сон.



11.Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

## **2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2014.

2. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 20-29.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 30-52.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 6 октябрь. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.:«Шарқ», 1998.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 26 август.

6. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

### **3. Асосий адабиётлар:**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. —Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993.

2. Амир Темура. Темура тузуқлари. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

3. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Т.: “Маънавият”, 2001.

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

5. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик (масъул муҳаррир И.Эргашев), Тошкент, “Академия”, 2005 йил.

6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007.

7. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: “Академия”, 2007.

8. Миллий ғоя-илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асосилмий тўплам. 1-китоб. «Ҳаёт нашрети» Андижон-2008 й.

9. Эргашев И. ва б. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув кўлланма. – Тошкент: MASHHUR-PRESS. 2016. – 176-б.
10. Отамуротов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
11. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
12. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: “Мухаррир” 2009.
13. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: -Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
14. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. –Т.: “Мухаррир”, 2010.
15. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. Б-96
16. Тўраев Ш. ва б. Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларнинг ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари. – Т.: “Turon zamin ziyo”. 2016. Б-96.

#### **4. Хорижий адабиётлар**

1. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.
2. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. – 206 с.
3. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварта», 2002.
4. Системный анализ и принятий решений // Словарь спроваочник. – М. Высшая школа, 2004.
5. Системный подход: анализ и прогнозирование международных отношений (опыт прикладных исследований) // Под. ред. И.Г.Тюлина. – М., 1991.

## 5. Интернет сайтлар

1. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. [www. Ziyonet.uz](http://www. Ziyonet.uz)
3. [www. Edu.uz](http://www. Edu.uz)
4. [www. Ma'naviyat.uz](http://www. Ma'naviyat.uz)
5. [www. Bilim.uz](http://www. Bilim.uz)
6. [www. Fikr.uz](http://www. Fikr.uz)
7. [www. Uza.uz](http://www. Uza.uz)
8. [www. Senat.uz](http://www. Senat.uz)
9. [www. Nauka.uz](http://www. Nauka.uz)
10. [www. Faylasuf.uz](http://www. Faylasuf.uz)
11. [www. Muloqot.uz](http://www. Muloqot.uz)
12. [www. Xabardor.uz](http://www. Xabardor.uz)
13. [www. Huquqburch.uz](http://www. Huquqburch.uz)